

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**Муборак Салаева  
Муяссар Ахмедова**

**«ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА ВА АМАЛИЁТ»**

Ўқув қўлланма

**ТОШКЕНТ – 2010**

## А н н о т а ц и я

Ўқув қўлланмада шахсдаги хусусиятларни аниқловчи замонавий ёндашувлар ҳамда унинг ривожланишини ўрганувчи психокоррекция ва психодиагностика методлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, психодиагностиканинг асосий йўналишлари, тамойиллари, психодиагностикада меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалалари, психодиагностиканинг касбий ахлоқий жиҳатлари, касбий лаёқат психодиагностикаси, касбий хусусиятларни аниқлаш усуллари, касб танлаш мотивини аниқлаш, касбий фаолиятни психологик баҳолаш, шахслараро муносабатларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси, психологик (аутоген) машқлар ва уларнинг хусусиятлари каби масалалар ёритиб берилган.

Мазкур ўқув қўлланма 5140900 – Касб таълими йўналишлари (ТСМТ, ЕСМТ) бакалаврлари учун мўлжалланган бўлиб, шунингдек, ундан аспирантлар, магистрлар, методистлар, ўқитувчилар ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар:	Психология фанлари номзоди, доцент <b>М.С.Салаева</b> , психология фанлари номзоди <b>М.Х.Аҳмедова</b>
Тақризчилар:	Психология фанлари номзоди, доцент <b>Б.Умаров</b> психология фанлари номзоди, <b>Ш.Самарова</b>
Масъул муҳаррир	Психология фанлари доктори, профессор <b>Ғ.Б.Шоумаров</b>

Мазкур ўқув қўлланма институтнинг илмий-услубий кенгашида муҳокама этилиб, тасдиқланган. 4 -сонли баённома, 12.03.10 йил

## КИРИШ

Жаҳон мамлакатлари амалиётида психодиагностик ишлар шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ижтимоий ҳаётдаги фаолият турларига оид жиҳатлари ўрганилиши назарда тутилган эди. Бизга яхши маълумки, бугунги кунда хорижий мамлакатлар сингари республикамизнинг аксарият олий таълим муассасаларида ҳам психолог мутахассислар тайёрланмоқда. Таълим муассасаларининг ушбу таълим йўналишларини битказган ёшлар мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хусусий ташкилотларда амалиётчи психолог лавозимларида фаолият юритиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Амалиётчи психологлар фаолиятининг асосини психодиагностик ишлар ташкил қилади. Бунда улар ўзи фаолият юритаётган ташкилот, корхона ёки муассасалардаги инсонларни гуруҳ ёки яқка тарзда психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганиб, қуйидаги психодиагностик ишларни амалга оширадилар:

1. Шахсда мавжуд бўлган барча психик жараёнларнинг ёш даври таракқиёт мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психологик текширувдан ўтказилади. Бунда у шахснинг камолот даражасини белгилаш ҳамда касбга яроқлилиқ даражасини ташхис қилиш билан бирга шахс хиссиётлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, ўз-ўзини бошқариш имконияти ва ақлий салоҳият даражаларини ҳам текшириб боради.

2. Шахснинг ўзи юритаётган фаолияти давомида эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малакаларида учрайдиган камчиликлар, хулқ-атворида юзага келадиган нуқсонлар, шунингдек, ақлий таракқиёт ва психик ривожланишидаги бузилишларни ҳам аниқлаш имкониятига эга бўлади.

3. Шахснинг шахслараро муносабатлар доирасидаги фаолиятини ўрганади.

Барча соҳалардаги психологик ҳизмат тизимининг илмий ва амалий вазифалари ҳар хил мамлакатларда турлича жорий этилмоқда. Бизнинг Республикамизда психологик ҳизмат тизими, асосан, умумий ўрта таълим мактабларида жорий этилган бўлиб, бунда дастлабки экспериментал тадқиқотлар ўзига хос усулда амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳар бир шахс қизиқиши, лаёқати ва иқтидорини, индивидуал имкониятлари ва бошқа бир қатор шахсий сифатларини батафсил ўрганмай ва таҳлил қилмай туриб мазкур шахс келажакини педагогик жиҳатдан тўғри баҳолаб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам улар фаоллигини таъминлашда бугунги кунда психологик ҳизмат тизими томонидан бартараф қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

## **Биринчи боб. Психодиагностиканинг назарий асослари**

### **1. Психодиагностика фанининг предмети, мақсади, вазифалари**

#### **Мавзулар:**

#### **1.1. Психодиагностика ҳақида умумий тушунча**

#### **1.2. Психодиагностика фанининг предмети, мақсади**

#### **1.3. Психодиагностика фанининг вазифалари**

### **1.1. Психодиагностика ҳақида умумий тушунча**

Ҳозирги замон психологияси ҳар хил усуллар билан одамнинг амалий фаолиятига таъсир қилиш имконига эга. Мана шундай усуллардан бири, бу ҳар хил тоифадаги одамларга психологик ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Аммо, психология ёрдам кўрсатиш учун аввало улардаги психик ўзгаришлар сабабларини ва унга таъсир килувчи омилларни аниқлаш зарурати туғилади. Бунда биз психодиагностика фанига ва унинг методлари ҳамда методикаларига мурожаат қиламиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: «Психодиагностика» атамаси нимани англатади ва у нималарни ўрганади ҳамда унинг назарий ва амалий вазифалари нималардан иборат?

“**Психодиагностика**” атамаси “**психологик ташхис қўйиш**” деган маънони англатиб, шахснинг руҳий ҳолатида тўлиқ ёки бирор бир алоҳида хусусияти ҳақида хулоса чиқаришдир, бунда “ташхис” шахснинг тараққиёт кўрсаткичи ва тавсифномаларни биргаликда таҳлил қилиш асосида синалувчининг ҳолат ва хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан иборатдир. «Психодиагностика» атамаси илк бор **Роршахнинг «Психодиагностика»** асарининг чоп этилишидан сўнг психиатрияда тарқалган бўлиб, у тез орада тиббиётдан ташқарида ҳам кенг миқёсда оммалаша бошланди. «Диагноз», яъни «ташхис» эса шахс ривожланишидаги ҳар қандай оғишларни, ҳаттоки унинг ҳолат ва хусусиятларини аниқ тараққиёт даражасини аниқлаш, демакдир<sup>1</sup>.

Психодиагностика — бу махсус билимлар соҳаси бўлиб, индивид ёки гуруҳни психологик тараққиёт кўрсаткичларини, ҳолат ва хусусиятларини баҳолаш учун методика ва методологиялар назарияси ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Психодиагностика баҳолаш объекти, психология фани ўрганаётган ҳар қандай жараён бўлиши мумкин. Масалан, ўзаро ҳамкорлик қилаётган шахсларнинг бир-бири билан кечаётган хатти-ҳаракати ва мулоқотида юзага келадиган, алоҳида бир одам сезгисидан бошлаб, мураккаб ижтимоий-психологик жараён билан тугатиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Нишанова З., Курбонова З., Абдиев С., Тўлаганова Ш. Психодиагностика. – Т.: 2008. – 314 б.

Психодиагностика фани психология тармоқларидан бири бўлиб, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини, ақлий тараққиётини аниқлаб ўлчаш, яъни ҳисоблаб чиқарувчи методларини ўргатувчи фандир.

Психодиагностика — шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари фарқларини (аниқлаб ўлчаганда) ҳар хил методлар билан аниқлаб ўлчаса-да, кейинчалик проектив методлар, сўровномалар пайдо бўлиши жараёнига асос бўлиб қолди. Шу билан бирга психодиагностиканинг ривожланишида назарий жиҳатдан методикаларнинг камлиги кўриниб қолди. Психодиагностикага математик-статистик методлар ва корреляция ҳамда тадқиқ қилиш, факторли анализ пайдо бўлиши ва такомиллашуви, психометрик тадқиқ қилишнинг амалий жиҳатдан жуда кўп турлари бор. Масалан, тиббиёт диагностикаси касалнинг келиб чиқишини ўрганади ва аниқлайди; техник диагностика — ҳар хил техника тизимлари, электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерларнинг салбий хусусиятларини аниқлаб, уларни бартараф қилишни ўргатади; спорт диагностикаси — жисмоний жараёнларнинг ўзгариш ҳолатларини ўрганади ва аниқлайди; психологик диагностика шахс ёки гуруҳларнинг психик хусусиятлари, ҳолатлари ва тараққиёт кўрсаткичларини аниқлаб, сифатли ва миқдорий жиҳатдан ўлчаб беради.

## **1.2. Психодиагностика фанининг предмети, мақсади**

Педагоглар, шу жумладан, муҳандис-педагогларнинг касбий маҳоратининг асосий компонентларидан бири — ўқув-тарбия жараёнини тўғри ва самарали бошқара олишидир. Бу борада педагогнинг техник ва услубий билимларни пухта эгалланганлиги етарли эмас. Педагог ўз иши, фаолияти натижаларини таҳлил қилиши, ўқувчиларда қийинчилик туғдираётган сабабларни ўз вақтида аниқлаши, бу қийинчиликларни ўқувчига индивидуал ёндашиш жараёнида бартараф қила олиши лозим. Шу сабабли ўқув-тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштириш восита ва йўлларида бири — илмий жиҳатдан асосланган психологик-педагогик диагностикадир. Бугунги кунда психологик-педагогик диагностиканинг ўрни, аҳамияти қанчалик катта эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди. Индивидуал ёндашиш, ўқувчи ва талабаларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш шарт эканлигини бир қанча давлат ҳужжатларида акс эттирилган.

Психологик-педагогик диагностика педагогика ва психология фанларининг оралиғидаги соҳа бўлиб, ўқувчи шахсини, унинг индивидуал хусусиятлари, ривожланиш динамикаси ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганади.

Касб-ҳунар коллежларида психологик-педагогик диагностиканинг моҳияти ва йўналиши таълим-тарбия жараёни вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалий хусусият касб этади.

Мактаб колледж ва олийгоҳлардаги ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларнинг қобилияти ва лаёқатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, улар шахсини шакллантиришга қаратилган. Педагогик жараённинг маҳсулдорлиги педагогнинг ўз ўқувчиларини яхши билишига, таълим ва тарбиянинг хилма-хил методларини қўллашига боғлиқ.

Албатта, педагогика фан сифатида педагогга педагогик психология соҳасидаги тайёр “рецептлар”ни бера олмайди. Бундай кўникмалар ўқувчилар билан бевосита мулоқот жараёнида, улар хулқ-атворининг мотивларини, ҳиссий-шахсий хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида эгалланади. Бу ҳақда машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский қуйидагича ёзган эди: “Биз ўқитувчиларга ундай ёки бундай қилинг, деб тушунча бермаймиз. Биз уларга: Сиз бошқармокчи бўлган психик ҳодисаларнинг қонуниятларини ўрганинг ва уларга мос равишда ҳаракат қилинг”, — деймиз.

Ўқитувчи таълим ва тарбиядаги қийинчиликлар нима учун ва қандай пайдо бўлишини тушуниши учун, аввало, шахс психик тараққиётининг асосий қонуниятларини билиши ва турли психик ҳолатларини психологик диагностика методларини эгаллаши зарур. Ўқитувчининг психодиагностик тадқиқот ёки доимий кузатиш жараёнида олинган натижаларни ўқувчилар билан ишлашда қанчалик тўғри фойдалана олиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Тажрибага асосланган психологик диагностика фан сифатида XIX аср охирида вужудга келди. Худди шу даврда психологияда ўлчаш ғояси кенг тарқалди. Психодиагностиканинг мустақил фан соҳасига айланиши олимларнинг инсонлар психикасидаги индивидуал фарқларга қизиқишининг ортиши билан боғланган.

**Психодиагностика** психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фандир. Бунда диагноз кўрсаткич ва тавсифномаларни биргаликда таҳлил қилиш асосида синалувчининг ҳолати ва хусусиятлари ҳақидаги хулосалардан иборат.

Психологик диагноз (diagnosis — аниқлаш, билиш (грекча) деган маъноларни англатади) шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, ривожланиши, олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш) ва психодиагностик текширув вазифалардан келиб чиқиб, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган психолог фаолиятининг сўнгги натижасидир.

Психодиагностик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз қўйишнинг 3 босқичи фарқланади:

1) **Симптоматик диагнозда** мавжуд ҳар қандай ЭХМ бажариши мумкин бўлган тадқиқотда олинган натижалар қайта ишланади;

2) **Этиологик диагнозда** (келиб чиқиш сабаблари) бирор хусусиятнинг мавжудлигигина эмас, балки унинг вужудга келиш сабаблари ҳам ҳисобга олинади;

3) **Типологик диагнозда** синалувчи шахснинг тушида олинган натижаларнинг аҳамияти ва ўрни аниқланади.

### 1.3. Психодиагностика фанининг вазифалари

Ўқувчиларнинг психодиагностик тадқиқ қилиш ёш хусусиятларига, у ёки бу ёш даври учун етакчи фаолият турининг таъсирига, индивидуал типологик тавсифномаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ равишда баъзи хусусиятларга эга. Бола тараққиётининг ҳар бир ёш даври болалар билан ишлашнинг усуллари ва методларини, экспериментал тадқиқотнинг ўз мақсадлари ва вазифаларини талаб қилади. Кичик ёшдаги болаларни психодиагностик ёш ва педагогик психологиянинг соҳаси ҳисобланади. Олинган натижа лар ёрдамчи характерга эга бўлиб, педагог томонидан бола психик тараққиёти хусусиятларини аниқлашда қўлланилади. Бунда таълим ва тарбия дастури, турли ҳаётий шароитларда (фаолиятда, мулоқотда ва бошқаларда) шахс хулқ-атвори характеристикаларини тузишда ҳисобга олинади. Экспериментал тадқиқотдан олинган натижалар оилада, мактабгача таълим муассасасида, мактаб ва бошқа жамоат жойларида индивидуал ва гуруҳий тарбиявий-педагогик тадбирлар чизмаси тузишда қўлланилиши мумкин. Ўқитувчи ўз ишида доимо болалар психологик масалалари билан тўқнашади. Уни вақтинчалик натижалар эмас (масалан, чоракнинг охирига келиб ўқувчиларнинг ўзлаштириши каби), балки у ёки бу жисмоний ва руҳий сифатларнинг ривожланиш истиқболларини айтиб берадиган натижалар қизиқтиради.

Болалар мактабгача таълим муассасасида ёки бошланғич мактабларда психодиагностик тадқиқотлар қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

1. Диагностика учун зарур маълумотларни олиш. Бунда бола психик ҳолати ва шахси хусусиятларининг баъзи белгилари кўринишини ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқотда олинган маълумотлар ёрдамчи характерга эга бўлиб, бола хулқ-атворининг ҳақиқий хусусиятлари, унинг психик функциялари тараққиёт даражаси билан таққослашда фойдаланилади. Масалан: дарсда бола диққатининг барқарор эмаслиги, диққатини бир жойга тўплашга қийналиши, ақлий иш қобилиятининг пастлиги, тез чалғиши ва бошқалар билан ажралиб туради. Лекин хулқ-атворнинг кўрсатилган белгилари бола хулқ-атвори эҳтиёжлари ва мотивлари иерархиясининг (босқичма-босқич) ўзгариши натижаси бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи шахс нормал ҳолати кўринишларидан бирига ёки мия етишмовчилигининг функционал белгиларига дуч келади. Иккала ҳолатда ҳам у ёки бу ўқувчи ўзлаштириши ва интизомини пасайиши ташқаридан сезилса-да, психодиагностик тадқиқотларда ўрганилаётган ўзгаришлар манбалари, ривожланиши ва келгусида қандай бўлиши психологик ҳолат белгилари ҳам ўрганилади. Психодиагностик тадқиқотлар бола психик функциялари ривожланиш даражасининг, ақлий тараққиёт даражаси, ёш ва маълумот билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам ўтказилади. Бу тадқиқотлар болада

маълум қизиқишлар, амалий малакалар ва касб танлаш пайти келганда жуда муҳимдир.

2. Психик тараққиёт ўзгаришини ўрганиш учун зарур маълумотларни тўплаш. Агар «кўндаланг “кесим” методлари орқали психодиагностик тадқиқот маълум босқичда бола психик тараққиёти даражасини, яъни психик функциялар ривожланиши долзарб зонаси аниқланадиган бўлса, “узунасига кесим” (лонгитюд) психодиагностик тадқиқотларида бола психик тараққиёти хусусиятлари ривожланишда, яъни таълим ва тарбия жараёнида ўрганилади.

Ўйин ва ўқиш фаолиятида жуда кўп марталаб ўтказилган “экспериментал-психологик тадқиқотлар бола шахсининг шаклланиши ва ривожланишига маълум фаолиятнинг таъсир кўрсаткичи бўлиши мумкин. Болада ўтказилган психодиагностик тадқиқотлар муҳим прогностик аҳамиятга эгадир, чунки қўлланилган методларни ўқув-тарбиявий таъсирини ҳисобга олган ҳолда шахс ривожланиши истиқболларини аниқлаш имкони яратилади.

3. Ақлий заифлик даражасини ёки бошдан кечирган касал-лик туфайли психик камчиликларни аниқлашга қаратилган психодиагностик тадқиқотлар махсус ёки ёрдамчи мактабда ўқиши ҳақида масала ҳал бўлаётганида тиббий педагогик ҳайъат (комиссия) ёрдамидан фойдаланиш мумкин.

4. Болаларда пайдо бўлган етарлича ўрганилмаган янги психик ҳолатларни таҳлил қилиш учун илмий мақсадда психологик тадқиқот ўтказиш. Вазифа бундай қўйилганда тадқиқотчини қизиқтирган масала бўйича катта гуруҳларда тадқиқотлар ўтказилади. Бу ерда олинган натижаларнинг статистик ишончилиги муҳим аҳамият касб этади.

5. Психологик-педагогик диагностика курсининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) талабаларни психологик-педагогик диагностиканинг назарий асослари, йўналишлари, босқичлари ва принциплари билан таништириш;

б) диагностика қилишнинг турли методикаларини амалда қўллашга ўргатиш;

в) ўқувчилар психологиясида, хулқ-атворида юз берган салбий ўзгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усуллари билан қуроллантириш.

Унинг мақсади таълим ва тарбия жараёнида шакллантирилаётган ўқувчининг индивидуал сифатларини, ривожлантириши ёки шакллантириши лозим бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги (бошланғич) даражаси ва ўқув жараёнидаги ўзгаришлар динамикасини ўрганишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностика предмети сифатида, авваламбор, ўқувчининг таълим жараёнида (масалан, билим даражаси) ва тарбия (характер хусусиятлари) шакллантириладиган сифатларини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, педагог ўқув жараёнининг самарадорлигига бевосита таъсир қилувчи объектив ва субъектив омиллар (ўқувчининг тафаккур хусусиятлари, хотираси, диққати), тарбия жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган хусусиятлари (хулқ-атвор мотивлари, ўқувчининг эҳтиёжлари ва



қизиқишлари)ни ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, педагогнинг диагностика фаолияти ҳам кўп қиррали ва ўзгарувчан хусусиятга эгадир.

Психодиагностика фанининг назарий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— психик кўринишлар табиати ва уларни илмий жиҳатдан принципиал баҳолашнинг имкон даражасини аниқлаштириш;

— ҳозирги пайтда психологик кўринишларнинг миқдорини баҳолаш ва унинг илмий асосланганлик ҳолатини ўрганиш;

— психодиагностик усул ва услубларнинг асосий методологик талаблари нималардан иборатлигини аниқлаш;

— психодиагностик тадқиқотнинг шарт-шароитлари, натижаларни қайта ишлаш ҳамда уларни интерпретация усуллариининг ишончлилиги нималарга асосланган;

— тест ва психодиагностик методларнинг тузилиши ҳамда илмийлигини текширишнинг асосий муолажаларини нималар ташкил қилади.

Психодиагностика фанининг амалий вазифалари психолог фаолиятининг махсус соҳасига тааллуқли бўлиб, амалий психологик ташхис қўйиш билан боғлиқдир. Бунда муаммо, нафақат, назарий жиҳатдан, балки психодиагностик тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказишнинг амалий жабҳаларини қамраб олади ҳамда қуйидаги вазифалардан иборатдир:

1. Психология психодиагностга мутахассис сифатида қўйиладиган касбий талабларни аниқлаштириш;

2. Психолог ҳақиқатдан ҳам у ёки бу психодиагностик методларни мутахассис сифатида муваффақиятли ўзлаштириб олгани ҳақида минимал амалий шартлар, яъни кафолат сифатида;

3. Психодиагностика соҳасида ўз ишини муваффақиятли амалга ошириш учун психологнинг ўзида мужассамлаштириши шарт бўлган билим, кўникма ва малакалар;

4. Психологнинг психодиагностика соҳасида малакали мутахассис эканлигини ҳамда амалий жиҳатдан тайёргарлигини баҳолаш мезонларини ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш.

Бу вазифалар мажмуаси, яъни психодиагностика фанининг назарий ва амалий вазифалари бир-бири билан боғлиқдир.

Ушбу соҳада етук мутахассис бўлиб етишиш учун психолог назарияни ва амалий психодиагностиканинг асосларини юқори даражада ўзлаштириб олган бўлиши шарт.

Амалиёт индивид гуруҳнинг психик тараққиёт даражасини ҳамда қуйидаги вазифалардан бирини амалга оширади:

1. Бирор бир хусусиятга маълум тараққиёт ҳолатини аниқлаш;

2. Тараққиёт динамикасини ва қандайдир давр мобайнида қайта тарбиялаш имконини аниқлаш;

3. Таълим-тарбия тарихи натижасида, ўтказилган педагогик эксперимент натижасида индивид ёки гуруҳ хулқида ва руҳиятидаги реал ўзгаришларни кузатиб бориш.

4. Шахс сифатларининг олдинги тараққиёт динамикаси ва қонуниятларини таҳлили асосида келажакдаги тараққиётини аниқлаб олиш.

5. Синалувчи одамлар ёки гуруҳларни тараққиёт даражаси натижасига асосланиб келажакдаги ишлар учун тоифаларга ажратиш.

6. У ёки бу топшириқларни бажара олишига қараб индивид ёки гуруҳларнинг яроқлилигини аниқлаш, масалан, ўз хизмат вазифасини бажара олишда касбий тайёргарлигини текшириш.

7. Психокоррекцион ишлар олиб бориш мақсадида индивид ёки гуруҳни ижтимоий меъёрга мос ёки мос эмаслигини аниқлаш.

8. Индивид ёки гуруҳнинг келажак ҳаёт йўлига ёрдам бериш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар психодиагностика фани учун умумий ҳисобланади. Бу вазифалардан кўпчиликлари мактабгача тарбия муассасаларида ва мактаб-таълим жараёнларида ҳар хил ёшдаги болаларга мос равишда олиб бориладиган иш жараёнларида у ёки бу даражада ҳал қилинади.

Психодиагностика хусусий жиҳатдан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— болани туғилгандан бошлаб мактаб-таълим жараёнидаги ёш даврларини психологик тараққиёт динамикасини ўрганади (билиш жараёнларини, интеллектуал қобилиятларини, шахс сифатларини ҳамда шахслараро муносабатларини). Бунда ҳар бир болага махсус психодиагностик тарқатма материал тўлдирилади ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари ҳар ойда ёки йилда қайд қилиниб борилади.

— ҳар бир болани психик ва хулқий ривожланишидаги индивидуал қобилиятларини текшириш, унинг ўртача стандарт меъёрлардан четлашишлари, яъни ижобий (ривожланишда олдиндами) ёки салбий (ривожланишдаги қоқоқлиги) томонларини аниқлаш.

— болани таълим ва тарбия жараёнидаги ютуқларини аниқлаш мақсадида психологик хизмат кўрсатиш ва унинг натижасида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

— ўз вақтида болани янада ривожлантириш мақсадида унинг иқтидорини, лаёқатини ва индивидуал қобилиятларини ҳамда қизиқишларини ташхислаш ҳамда илмий асосланган психологик маслаҳат ва профориентация ишларини олиб бориш.

— ота-оналарга, ўқитувчиларга зарур бўлган боланинг мазкур психологик ҳолати ҳақида ҳар томонлама маълумотлар тўпланиб, болага мос равишда таълим ва тарбия методларини танлаш.

## Савол ва топшириқлар

1. Психодиагностика атамаси ҳақида нима биласиз?
2. Психодиагностика фанининг мақсади ва предмети ҳақида тушунча беринг.
3. Психологик-педагогик диагностика курсининг асосий вазифаларига нималар киради?
4. Психодиагностика фанининг назарий ва амалий вазифалари ҳақида маълумот беринг.
5. Психологик-педагогик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш учун нима қилмоқ керак?
6. Талабаларни психологик-педагогик диагностикасининг назарий асослари йўналишлари, боғичлари билан таништиринг.
7. Шахс психологиясида, ҳулқ-атворида юз берадиган салбий ўзгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усулларини шарҳлаб беринг.

## **2. Психодиагностиканинг асосий йўналишлари, тамойиллари**

### **Мавзулар:**

**2.1. Жаҳон таълими соҳасида эришилган ютуқлар ва миллий-тарихий тажрибалар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқиши.**

**2.2. Психодиагностика фанининг асосий йўналишлари**

**2.3. Психодиагностика фанининг асосий тамойиллари**

### **2.1. Жаҳон таълими соҳасида эришилган ютуқлар ва миллий-тарихий тажрибалар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқиши**

Инсон унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаравон шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий, маданий, иқтисодий фан-техника, технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» таълим-тарбия Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибаларнинг таҳлили ва таълим тизимидаги, жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир. Бугунги кундаги Олий ўқув юртларининг талабалари эртанги куннинг етук мутахассислари ва зиёлилари сифатида ўсиб келаётган авлод онги ва руҳиятига адолатли Ватан билан фахрланиш, эртанги куннинг етук инсонлари, эртанги кунга ишонч, миллий ғурур, ифтихор туйғуларини сингдиришда шахсий ўрнатилган намунаси билан ўз хиссаларини қўшмоқлари шарт. Чунки зиёлиликнинг муҳим белгиси умуминсоний кадриятларни билиш, уларни кадрлаш, ўз касби сир-асрорларининг чуқур билимдони ва моҳир устаси бўлиш касб этикаси, педагогикаси ва психологияси асосларини тўлиқ англаш ва уларни ўз фаолиятида қўллашдир.

Психодиагностика фанининг мақсади талабаларни психология соҳасидаги амалий психологиянинг ҳозирги замон ютуқлари билан

таништириш, олган билимларини амалда ишлата билишни ривожлантиришдир. Шунингдек, психодиагностика инсон психик тараққиёти давомида юзага келадиган камчиликларни аниқлаб, ташхис қўйиш усулларини ўрганади. Психодиагностиканинг асосий вазифаси Республикада ва чет эллардаги психология бўйича эришилган ютуқларни илмий адабиётлар орқали ўрганишни тақозо этади.

Психологик ишлар мажмуаси ўқувчиларни мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитиш давомида психологик, педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятлари, таълим-тарбиясидаги нуқсонларни аниқлашга мўлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки якка (индивидуал) тарзда ўтказилади. Бу аснода психолог яққол вазифаларни бажаради: ёш давр тараққиётининг муайян мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида, психолог болалар, ўқувчилар, махсус мактаб ва билим юрти тингловчиларини, Олий ўқув юрти талабаларини психологик даражаларини белгилайди.

Ўқитувчиларнинг касбий яроқлилиги ва лаёқатини таҳлил қилади. Уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, ўз-ўзини бошқариш имконияти, интеллектуал (ақлий даражаси) ва педагогик қобилиятини текширади. Психолог ўқувчилар ва талабаларнинг психик хусусиятлари, уларнинг қизиқиш, майл, истак, илк иқтидорлилик қабиларни ўрганади. Уларга якка ҳолда (индивидуал) муносабат ва ёндашувни йўлга қўяди. Мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишга муайян ёрдам кўрсатади, тренинг (махсус машқ) ўтказади.

Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар ҳунар, касб, билим юрти тингловчилари, янги типдаги мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва қўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар, хулқ-атвордаги бузилишлар сабабларини текширади ва уларни бартараф қилиш, коррекция қилиш усулларини ахтаради.

Болаларнинг вояга етган одам ва ўз тенгқурлари билан муомаласи хусусиятини текширади. Уларнинг этноқиёфаси ва этномаданияти хусусини ҳисобга олган ҳолда психофизиологик методикаларини муайян шароитга мослаштиради, яъни “адаптация”, бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда руҳий ривожланишдаги нуқсонларни ҳисобга олиб табақалашган дифференциал диагностикани амалга оширади.

Нуқсонларнинг табиий ва дефектологик (лотинча сўздан олинган бўлиб, “етишмаслик” деган маънони билдиради) табиатини аниқлайди.

Девиант (қонунбузарлик) аксил ижтимоий хулқ атроф сабаблари ва уларнинг шакллари белгилайди. Гиёҳвандлик, таксикоманлик, алкоголизм, ўғрилиқ, дайдилиқнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади. Уларнинг омилларини таҳлил қилади. Шунингдек, раҳбар кадрлар ва ўқитувчиларнинг касбга яроқлилигини илмий асосда текшириш ва тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Олий мактаб ходимлари, синов, адаптация муддатини (стажор, ёш мутахассис, ўқитувчи, аспирант ва бошқаларни) ўрганиш ва амалий кўрсатмалар бериш. Иш юритиш, сайлов, саралаш, танлов, қабул бўйича илмий психологик прогноз қилиш содир бўлиши мумкин бўлган ҳаводан маъмуриятни огоҳ этиш.

Аттестация ижтимоий талаб ва буюртмалар асосида ижтимоий психик ахборотлар тўплаш ва уларни тўплаб яққол психологиялар яратиш, чет эл муассасалари билан алоқа қилиш, кадрларнинг малакасини ошириш уларнинг интеллектуал потенциални аниқлаш, фан ва техникани ривожлантириш имконияти ва олий мактабнинг нуфузи тўғрисида материаллар йиғиш, уларни психик жиҳатдан таҳлил қилиш ва маслаҳатлар бериш, ўқув қўлланмаларининг сифати, китобхонлилик муаммоси, ходимлар, талабаларнинг Давлат мулкига муносабати ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларни умумлаштириш, маъмуриятга ва касаба уюшмасига ахборот тайёрлаш, ётоқхонада ўқувчилар ва талабаларнинг талаби, қизиқиши, ижтимоий қараши, нуқтаи назари, мослаш, турмушга нисбатан муносабати тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларнинг фаоллигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқариш.

— Мактаб ходимлари ўқитувчилар ва талабаларнинг экологик, иқтисодий, сиёсий, этнопсихологик билимлари савиясини текшириш ва мустақилликни мустаҳкамлаш имкониятини ўрганиш, ватанпарварлик ҳис туйғуларини шакллантириш мақсадида тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

— Анъанавий таълим-тарбия методларининг ютуғи ҳамда камчиликларини тадқиқ қилиш, инновацион фаол услублар самарадорлигини амалиётда синаб кўриш. Ўқувчиларнинг уларга нисбатан муносабатини аниқлаш ва ана шуларга асосан ўқитишни индивидуаллаштириш табақалаш бўйича ўқув-услубий кўрсатмалар тавсия қилиш.

— Иқтидорли ўқувчилар, талабалар, ёш мутахассислар, аспирантларни танлашда иштирок қилиш, илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва шуларга асосланиб уларга нафақалар бериш.

— Ўқувчилар, ўқитувчилар, ходимлар, талабалар ўртасида бўш вақтни таъминлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланиш муаммосини, ижтимоий психологик нуқтаи назаридан текшириш ва бўш вақтни мақсадга мувофиқ ташкил қилиш йўллари ҳамда улардан этнопсихологик билимлар, маънавий кадриятларни эгаллашда фойдаланиш имкониятини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш.

— Мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларда ишбилармонлик қобилияти юзасидан илмий психологик дастур яратиш ҳамда унинг моддий бойлик ишлаб чиқаришдаги улушини таҳлил қилиш.

Психологик диагностикаси ва психологик коррекциянинг мазкур йўналиши, психологдан инсон шахси ва индивидуаллигини таркиб топтириш жараёнига фаол таъсир кўрсатишни тақазо қилади. Халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган психологнинг вазифаси муайян қоида, мезонга

асосланиб, ўз фаолиятини ташкил қилиб, ёш давр хусусиятларига биноан болалар, ўқувчилар, талабалар психикасини ривожлантириши, шахснинг шаклланиши қонуниятларини амалиётга тадбиқ этиш. Ўқитувчилар жамоасига ўқувчилар, болалар ва талабалар таълим-тарбиясини индивидуаллаштиришда ёрдам бериш, уларнинг қобилияти, майлининг даражасига қараб ўқитувчиларга коррекцион тузатиш ишларини амалга оширишда кўрсатмалар бериш, оширишда кўрсатмалар бериш, коррекцион ишда алоҳида аҳамият касб этадиган нарса бу болалар, талабалар, ўқувчилар ўсишида, ривожланишида орқада қолиш, унда хулкнинг бузилиши, таълимида ўзлаштиришнинг ёмонлашуви ҳисобланади.

Бу борада психолог қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

1. Психолог болалар, ўқувчилар, талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жадал ривожланишини ҳисобга олувчи, улар психикасининг барча жабҳаларини қамраб олувчи, динамик тараққиётга кафолат берувчи дастур ишлаб чиқаришга бутун фаолиятни йўналтиради. Ижтимоий ўсиш талабига жавоб берувчи умуминсоний, этнопсихологик қонуниятлар муҳитида камолотга интилувчи шахсни таркиб топширишни бош мақсад деб танлайди.

2. Психолог болалар, ўқувчилар ва талабаларнинг психик тараққиётидаги хулки ва муаммосидаги нуқсонлар ҳамда камчиликларни аста-секин тузатиш дастурини ишлаб чиқади ва амалиётга тадбиқ этади. Бунинг учун улар билан махсус машғулотлар, бузилишни камайтириш машқларини ўтказиши. Ижодий (кратив) қобилиятларни ўстириш мақсадида тренинглар олиб боради.

3. Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастури ичида психологик ва педагогик муаммоларни қамраб олади. Коррекцион фаолиятнинг психологик қисми мутахассислар томонидан амалга оширилади. Мазкур ишнинг педагогик жиҳати эса психологнинг педагоглар, ота-оналар билан ҳамкорлигида ўтказилади ва бутун масъулият унинг зиммасига тушади.

4. Ривожланувчи ва психокоррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ва ҳолатларда ташкил қилинади:

а) психологнинг иши, машғулоти айрим болалар, ўқувчилар ва талабалар билан алоҳида ўтказишни режалаштирилади.

б) психологларнинг бошқа бир фаолияти махсус равишда амалга оширилиб болалар, ўқувчилар, талабалар гуруҳларига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади.

в) ота-оналар, педагогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар олиб бориш назарда тутилади.

5. Ривожланувчи ва психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинувчилар гуруҳини қадриятга йўналганлиги этнопсихологик, этномаданият хусусиятлари ўз аксини топсин. Дастурни

халқ, этнос, миллат-элат тарихи анъаналари, расм-русумлари, удуми кабиларни ҳисобга олган ҳолда мақсадга мувофиқ тузиш лозимдир.

6. Хунар, техника билим юртлари ўқувчилари билан мураббийлари ўртасидаги номутаносибликни йўқотиш мақсадида махсус машғулотлар ўтказиш, улардаги ўқишдан, ижтимоий муҳитдан, эгаллаган мавқеидан, ўрнидан, қоникмаслик ҳиссини камайтириш учун тренинг, ишчанлик ўйинлари психодраммадан фойдаланиш.

7. Ҳиссий зўриқишнинг олдини олиш ва уни камайтириш мақсадида махсус хоналар жиҳозлаш. Хона жаҳон стандартларига жавоб бериши, бошқарув пульти, экран воситалари, авидиотрейнинг, социалтрейнинг, техник воситаларга илмий-амалий методикаларга эга бўлиши лозим.

Коррекцион ишлар маълум тартибда, илмий танлов асосида, муайян сеанс бўйича ўтказилиши шарт. Бунда ҳиссий зўриқишга учраган шахс миллати, ёши, жинси, индивидуал, типологик хусусияти, таъсирланиш даражаси ҳисобга олинishi керак. Тузатиш ишлари, машғулот, касб хусусиятига мос, мутаносиб бўлиши, таъсир ўтказиш самарадорлигини оширади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида билимларни баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиши, таълим жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан, тест методининг билимларни баҳолаш усули сифатида кенг қўлланилиши, турли психологик методикаларга, айниқса, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларнинг ошиши Республикамизда педагогик ва психологик-педагогик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишига катта туртки берди. Психологик-педагогик диагностика бугунги кунда мактабгаача таълим, умумий ўрта таълим ва турли типдаги ўқув билим юртлари психологлари ва педагоглари олдида турган муҳим вазифалар, уларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шаклланимоқда ва ривожланимоқда.

Психологик-педагогик диагностиканинг ривожланиб келаётган фан тармоғи эканлигини, унинг амалий ва долзарблиги билан бир вақтда бу соҳанинг аниқ чегаралари, бошқа фанлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳозирча тўлиқ таркиб топмаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг учун биз психологик-педагогик диагностиканинг баъзи томонларигагина қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шундай томонлардан бири, яъни шаклланиб келаётган фан соҳасининг асосий объектлари, қандай йўналишларда иш олиб борилишига тўхталиб ўтмоқчимиз.



## 2.2. Психодиагностика фанининг асосий йўналишлари

Психологик-педагогик диагностиканинг асосий йўналишлари педагогик амалиётнинг талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда. Шу сабабли ҳам унинг йўналишларини, бу йўналишларнинг моҳиятини психологик-педагогик диагностика педагогик амалиётнинг қайси соҳаларида қўлланилишини кўрсатмасдан туриб, уларни тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Биз кўйида психологик-педагогик диагностика қўлланилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бир нечтасини шартли равишда (ҳаётда эса улар умумий, битта педагогик жараённинг ажралмас қисмидир) ажратиб олдик. Улар қуйидагилар:

1. Таълим - тарбия назарияси ва методикаси.
2. Бошқариш ва амалиёт.
3. Дидактика ва хусусий методика.
4. Педагогик социология.
5. Ижтимоий психология.
6. Педагогик психология<sup>1</sup>.

Бу соҳаларнинг асосий вазифалари, предмети педагогикаси ва психологик адабиётларда, ўқув қўлланмаларида жуда кенг ёритилганлигини ҳисобга олиб, уларга батафсил тўхталиб ўтмаймиз.

Юқорида келтирилган ҳар бир соҳада психолог ёки шу соҳаларга қизиқувчи мутахассислар маълум диагностик ишларни амалга оширадилар. Мана шу ишлар мажмуаси психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади. Ҳар бир соҳада ўзига хос диагностик ишлар олиб борилади ва бу ишларнинг мазмуни психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади.

Бу йўналишларга қуйидагилар киради: (Михайличев Э.А., 1997)

1. Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш.
2. Ташкилий-методик диагностика.
3. Дидактик диагностика.
4. Ижтимоий-педагогик диагностика.
5. Ижтимоий психологик-педагогик диагностика.
6. Педагогик психодиагностика.

Йўналишларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз:

**Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш** — бу йўналиш ўқувчиларнинг тарбияланганлигини, уларнинг хулқ-атворини, одоб-ахлоқини, тарбияланувчанлигини (тарбиявий таъсирларга берилиши)ни ўрганишдан иборат.

**Ташкилий-методик диагностика** — педагогларнинг квалификациясини, ўқув жараёнининг услубий таъминланганлик даражасини баҳолашдир.

---

<sup>1</sup> Тошимов Р.Ю., Ғозиев Э.Ғ. Психодиагностика ва амалий психология. - Т.: 2004. - 131 б.

**Дидактик диагностика** — педагогик жараёни такомиллаштириш учун хизмат қилишдир (ўқув жараёнининг ташкилий методик томонларидан ташқари). Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини, жавоблардаги типик хатоларини, уларнинг сабабларини, ўқув фаолиятидаги салбий ўзгаришларини, уларда ўқув, меҳнат малака ва кўникмаларининг ривожланганлик даражасини, таълим олишга нисбатан мойилликларини диагностика қилади.

**Ижтимоий-педагогик диагностика** — ўқувчиларнинг педагогик қаровсизлиги, мослашганлик даражаси, тарбияси оғир болаларни диагностика қилишда ижтимоий омилларни ҳисобга олувчи йўналишдир. Диагностика педагоглар томонидан мактабдан, ўқув юртидан ташқарида олиб борилади. Шу сабабли диагностика жараёнида оила социологияси ва иқтисоди, ҳуқуқ социологияси, дам олиш социологияси, иқтисодий социология каби қўлланиладиган методикалар ва кўрсаткичлардан фойдаланишни тақазо этади.

**Ижтимоий психологик-педагогик диагностика** — бу йўналиш социология, ижтимоий психология, педагогикани ўз ичига қамраб олган бўлиб, ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар гуруҳларини, ўқувчиларга оммавий коммуникация воситаларининг (радио, телевидение, газеталар ва ҳоказо) таъсирини, уларнинг бурч ва ҳуқуқлари, улар орасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилгандир.

**Педагогик психодиагностика** — психологик-педагогик диагностиканинг энг яхши ривожланган ва муҳим йўналишларидан аниқлаш, ўз-ўзини баҳолаши, психологик “ҳимоя усуллари”ни, у ўзининг психик ҳолатларини, характерининг асосий сифатларини ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилгандир.

### **2.3. Психодиагностика фанининг асосий тамойиллари**

Албатта, ҳар қандай фан соҳаси ўзига хос объектга ва предметга ва уларга мос келадиган тадқиқот ёки амалий ўрганиш методларига, ўз тамойилларига эгадир. Психологик-педагогик диагностикада қўлланиладиган методлар ва тамойиллар ҳозирги замон психология фани ва педагогика фанида орттирилган илмий, амалий тажрибалар, шаклланган тамойиллар асосида шаклланмоқда. Шу билан бирга ўз хусусиятларига эга ҳамдир. Бунинг сабаби психологик-педагогик диагностика очишдан кўра кўпроқ мавжуд билимлар, методлар, тамойилларнинг амалда самарали қўлланишига хизмат қилади<sup>1</sup>. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностиканинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

---

<sup>1</sup> Тошимов Р.Ю., Ғозиев Э.Ғ. Психодиагностика ва амалий психология. - Т.: 2004. - 131 б.

1. Диагностика назарияси ва методикаларининг илмий асосланганлиги. Диагностика объектини яхлит равишда генетик ва тизимли таҳлил қилиш, уларни моделлаштириш, қўлланиладиган методикалар, кўрсаткичларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижалар ва уларнинг интерпретациясининг ишончлилиги, аниқлигини, валидлигини пухта ишлаб чиқилган методологик асосларда таъминлаш. Илмий асосланганлик тамойили қўлланилаётган методикаларнинг этник, ижтимоий муҳитга, шу жумладан, диагностика ўтказилаётган ўқув юрти ва ўқув гуруҳига мослигини талаб қилади. Бу тамойилга амал қилиш педагогик-диагностикаларни турли хил енгил “кўзига яхши кўринган” ёки “қўлига тушиб қолган” методикаларни билиб-билмай қўллашдан сақлайди.

2. Диагностиканинг изчиллиги ва аниқ йўналганлиги. Психологик-педагогик диагностика бошқа психодиагностик, педагогик диагностикадан фарқли равишда аниқ йўналишга, аниқ объектга ва мақсадга қаратилган. Шу сабабли диагностика фаолияти (жараёнининг) натижалари умумий хулосалар, абстракт мулоҳазалардан эмас, балки аниқ шахсга (масалан, ўқувчи), аниқ гуруҳга тегишли бўлиши, диагностика натижасида аниқ хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилиш, ёрдам беришнинг аниқ йўллари кўрсатиб бериши лозим.

3. Диагностика шакл ва методларининг оптималлиги. Қўлланаётган методикалар, ўқувчига ёндашиш усуллариининг амалиётчи психолог, педагог ёки педагог-диагностика кам куч ва вақт сарфлаб, у ҳақида муҳим, сифатли, катта амалий аҳамиятга эга маълумотлар йиғишга имкон бериши. Диагностиканинг шакл ва методларининг оптималлигини таъминлаш учун педагогикада ва психологияда кўп йиллар давомида қўлланиб келаётган, қулай, оддий ва шу билан бирга самарали методларини танлаш ва қўллаш зарур.

4. Ўрганиш объекти ҳақидаги фактларни йиғиш, баён қилиш ва тўғри йўлга солишнинг бирлиги. Ўрганилаётган объект ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни педагогларга кўрсатиш ва диагностика жараёнида ўрганилаётган ўқувчига ёки ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, камчиликларни бартараф қилишда ўқув юрти раҳбарларига, педагогларга маълум психологик, педагогик ёрдамлар бериш, тўғри йўлга солиш, қўллаб-қувватлаш функцияларининг биргаликда олиб борилиши.

5. Диагностиканинг кетма-кетлиги ва узлуксизлиги. Диагностиканинг босқичма-босқич амалга ошира бориб, ўқув жараёнига, ўқувчининг ўзлаштиришига ҳалақит бераётган сабабларни очиш, олинган натижалардан кейинги босқичларда, ўқув-тарбия жараёнида узлуксиз фойдаланишда юзага чиқади.

6. Диагностика методлари ва жараёнларнинг қулайлиги ва оммабоплиги.

Диагностика методларининг оддийлиги, педагоглар, амалий психологлар, ўқув юрти раҳбарлари, текширилувчи учун қулайлиги, уларда

диагностикага нисбатан қизиқиш, интилиш уйғотишга хизмат қилишини таъминловчи тамойил.

7. Диагностиканинг ҳар томонламалигига (комплекслиги). Бу тамойил ўқувчи шахсини, унинг индивидуал-психологик хусусиятларини, руҳий жараёнларнинг ривожланганлик даражасини, ўқув фаолиятининг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун танланган методлар ва методикалар уни бир бутун ҳолда, ҳар томонлама ўрганиш, таърифлаш, ёндашиш имконини беришда юзага чиқади. Диагностик методикалар бир-бири билан боғлиқ бўлиши, бир-бирини тўлдириши бу тамойилнинг асосий талабларидан биридир.

8. Диагностика ўқувчи ривожланишининг келажагини, оқибатларини олдиндан кўра олиш (прогноз қилиш) имкониятини бера олиши. Ҳар қандай психологик-педагогик диагностика ўқувчининг кечаги ёки бугунги кундаги ривожланиш даражасини, ўқув жараёнининг ташкил қилинганлик даражасини кўрсатиб бериш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Диагностик жараёнда ўрганилаётган объектнинг “келажаги”, эртанги куни ҳам, тараққиёт тенденциялари ҳам маълум омиллар таъсирининг оқибатлари очиб берилиши керак. Шу ҳолдагина прогноз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилаётган хатолар, ўқувчи тараққиётидаги кўзга ташланган камчиликларни бартараф қилиш, тўғри йўлга солиш имконига эга бўламиз. Шу сабабли психологик-педагогик диагностика методларининг прогностик бўлиши энг муҳим талаблардан биридир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиаб берилган вазифаларни амалга оширишда психодиагностиканинг аҳамияти қандай?
2. Психологик-педагогик диагностиканинг қўллаш усуллари ҳақида нималар биласиз?
3. Психодиагностикани қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлган қандай соҳалар мавжуд?
4. Психологик-педагогик йўналишларига асосан нималар киради?
5. Психологик-педагогик диагностиканинг асосий тамойилларини кўрсатиб ўтинг.

### **3. Психодиагностика тарихи**

**Мавзулар:**

**3.1. Психодиагностиканинг фан сифатида юзага келиши**

**3.2. Психодиагностика тарихининг ривожланиш босқичлари**

#### **3.1. Психодиагностиканинг фан сифатида юзага келиши**

Фан тарихига назар ташласак, 20-30 йилларда психология, педагогика ва бошқа фанлар соҳасида тўпланган тажриба ва билимларни умумлаштириш, улардан таълим-тарбия жараёнида унумли фойдаланиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Бу борада шу йилларда “умумий ва универсал фан” сифатида ривожлантирила бошланган “ПЕДОЛОГИЯ” юлдузларидан П.П.Блонский, Л.С.Виготскийлар томонидан педагогик психо-диагностика соҳасида амалга оширган ишлари, ишлаб чиқилган назарий билимлар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблилигини йўқотмаган.

Аммо 1936 йилда педологиянинг қаттиқ танқид қилиниши оқибатида педология ва педагогик қарашлар бутунлай йўққа чиқарилди. Бу эса психология (аниқроғи шу даврдаги “Психотехника”) ва педагогика фанларининг ҳам ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатди. Аммо педагогикада, шу жумладан, ҳозирги замон педагогикасида ҳам махсус равишда тестлар, сўровлар ўтказилиши кам учрайдиган ҳол бўлиб, асосий тадқиқотлар психодиагностика соҳасида олиб борилганлиги маълум. Ҳозирги вақтда ҳам психодиагностик тадқиқотлар орасида педагогик диагностика ишлари кенг, етарли даражада, атрофлича ва чуқур олиб борилмоқда.

Собиқ иттифокда “педагогик диагностика” атамаси 50-60 йилларда А.С.Белкин томонидан турли журналлардаги мақолаларда киритилди. Педагогик диагностиканинг атамалари ва методологияси у томонидан 1979 йилда “Ўқувчиларнинг педагогик қаровсизлиги” номли ўқув қўлланмасида батафсил баён қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 80 йилларгача “Педагогик диагностика” атамаси, асосан, мақолаларда, турли тезислар ёки кам тиражли тўпламларда учрайди. 80 йиллардан бошлаб эса шу вақтгача педагогика ва психология фанларининг ҳамкорлик соҳаси сифатида шаклланиб, ривожланиб келаётган, кўпчилик алоҳида билим ва тажриба соҳаси деб қарамаётгани, бу соҳа энг долзарб соҳалардан бирига айланмоқда.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин:

1987 йилда А.И.Кочетев таҳрири остида “Мактабда педагогик диагностика”, 1988 йилда Н.К.Голубевнинг “Тарбия жараёнини диагностика ва прогноз қилиш” асарлари босмадан чиқди. 1990 йилда, Тошкентда К.З.Зариповнинг “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз тизимида педагогик диагностика”, 1992 йилда, Екатеринбургда Е.А.Михайличевнинг

“Педагогик диагностиканинг назарий асослари” мавзусидаги докторлик ишлари ҳимоя қилинди.

Чет элларда бу соҳада олиб борилган ва рус тилига таржима қилиниб, ўзбек мутахассислари ҳам танишиш имкониятига эга бўлган ишлардан К.Ингенкамнинг 1991 йилда босмадан чиққан “Педагогик диагностика” (муаллифнинг ёзишича “педагогик диагностика атамаси у томонидан 1968 йилда таклиф қилинган ва киритилган) ва Э.Стоуннинг “Психопедагогика”. Таълимнинг психологик назарияси ва амалиёти” (1984), бир гуруҳ немис психодиагностлари томонидан тайёрланган “Психодиагностика: назария ва амалиёт” (1986) каби асарларини кўрсатиш мумкин. Т5-бет.

### **3.2. Психодиагностика тарихининг ривожланиш босқичлари**

Психологик диагностика фан сифатида XIX аср охирида экспериментал асосда вужудга келади. Психологик диагностикани вужудга келишида F.Galton (1879); J.Cattell (1890); H.Ebbinghaus (1891); A.Binet ва V.Henri (1896); A.Binet ва Th.Simon (1905)ларнинг ишлари катта аҳамиятга эга бўлади. Бу тадқиқотларда индивидуал фарқларни ўрганишнинг янги статистикага асосланган курули — тест ишлатила бошланган. Психологияда психометрик йўналиш асосчиси F.Galton биринчи марта тестлара яратган. Дастлабки тест ақли ўлчаш методи сифатида қўлланилди, Кейинчалик эса ундан шахсни, унинг реакцияларини ўрганишда фойдаланила бошланди. Психодиагностикада янги методларни ишлаб чиқариш психиатрик шифохоналарнинг эҳтиёжлари билан кулланилди. Кейинчалик эса касб танлаш ишлари билан боғлиқ психотехниканинг тараққиёти билан янада ривожлантирилди.

Психологик диагностика фан сифатида 1920 йилларда кенг шакллана борди. Швейцариялик психолог ва психиатр Н. Rorschach (1921)нинг «Психодиагностика» асари нашр этилиши билан психодиагностикага асос солинди. Психодиагностика тушунчаси индивидуални ўрганадиган барча методлар мажмуини ўз ичига олади. Бу китобнинг нашр этилиши билан психологик диагностика тараққиётида янги давр бошланди, бу психометриядаги янги шахсни ўрганиш методлари бўлмиш проектив методлар билан боғланган эди. Проектив психология бир бутун шахсни ўрганиш мумкин эмас, деб талқин қилувчи психометрик нуқтаи назар ва биохевиоризмга қарши эътироз билдирувчи фан сифатида ривожлана бошлади.

Кейинчалик психодиагностикада янги методлар яратилиши билан бирга бирлаштирилган (комбинация қилинган) тестлар қўлланила бошланди. Масалан, ақли ўрганиш методлари орасида америкалик психолог D.Wechsler (1939, 1955)нинг субтестлари кенг тарқалди. Янги проектив методлар ҳам яратилиб, кенг қўлланила бошланди (америкалик психолог G.Murray (1935,

1943)нинг Тематик Апперцепцион Тести (ТАТ), немис психологи S.Roslnwlig нинг фрустрацияга бўлган реакцияни ўрганиш бўйича тести ва бошқалар.) Шахсий саволномалар (ММРІ, 16 РГ) кенг тарқалди.

Собиқ совет психологиясида диагностик методлардан фойдаланиш ўз тарихига эга. Бу жараёнда шартли равишда 2 босқични ажратиш мумкин:

**Биринчи босқич** 20 йилларнинг бошидан 30 йилларнинг ўртасигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда педагогика ва психотехникада тест методлари кенг тарқалди. Бунга боғлиқ равишда педагогика — бола ҳақидаги фан ривожлана бошланди. Унинг предмети болалар ҳаётини ўрганиш, ирсиятнинг ролини аниқлаш, жисмоний на маънавий тараққиёт, қонунларини аниқлаш, болалар психикасида касаллик кўринишларини ўрганишдан иборат (К.Н.Корнилов, 1917).

Бу даврда психологик диагностиканинг ривожланишида М.С.Бернштейн, Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Г.Геллернгейн, Н.Д.Левитов, Г.И.Россолимо, П.И.Шпильрейн, А.М.Шуберт ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Олимлар томонидан илгари сурилган қатор илғор фикрлар кейинчалик ривожлантирилмади, чунки 1936 йилдан кейин бу соҳадаги барча тадқиқотлар тўхтатилди ва психодиагностиканинг кейинги ривожланишига жиддий тўсиқ юзага келди.

Машхур рус психологи Л.С.Виготский шахс психик тараққиёти хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшди. Унинг таълимоти инсонга хос бўлган психик жараёнлар ва инсон онгининг тарихий ривожланишига бағишланди. Унинг фикрича, болалар психик тараққиёти инсоният маданиятини ўзлаштириши натижасида рўй беради. Бунда шахс шаклланишида таълим ва тарбия жараёнлари етакчи рол ўйнайди.

Психодиагностиканинг ривожланишидаги **иккинчи босқич** 50-60 йилларга тўғри келади. Бу даврда ақлий тараққиётни ўрганишга катта эътибор берилди. Жумладан, А.А.Люблинская тадқиқотларида нутқ ва унинг функцияларининг ривожланиш хусусиятлари ўрганилган. А.Р.Лурия раҳбарлигида фаолиятни бошқаришда нутқнинг роли ўрганилди. А.Н.Леонтев ва А.В.Запорожец раҳбарлигида асосий психик жараёнларнинг ривожланишида фаолиятнинг роли ўрганилган. Д.Б.Эльконин раҳбарлигида нутқнинг ривожланиши ва мактабгача таълим муассасаси даврида ўйиннинг етакчи фаолият тури сифатидаги роли аниқланди. Бу тадқиқотлардан олинган натижалар болалар учун таълим ва тарбия дастурларини тузишда асос бўлиб хизмат қилади.

Рус психологлари томонидан ишлаб чиқилган ақлий тараққиётни сифатий таҳлил қилиш тамойили қатор вазифаларни ҳл қилишда ўз маҳсулдорлигини намоён қилди ва кўпгина тадқиқотларда ўз аксини топди (З.И.Калмикова, 1975 1982; Г.А.Варданян, 1979; Л.А.Венгер, 1974; К.М.Гуревич 1980; В.И.Войтко, Ю.З.Гильбух, 1981; Д.Б.Эльконин, 1982; В.В.Столин, А.Г.Шмелев, 1987; Л.Ф.Бурлачук, С.М.Морозов, 1989 ва бошқалар).

Психологик диагностикага кичик амалий йўналиш хос бўлиб, у ёки бу ходисаларни билишга ва тавсифлашга қаратилган. Б.Г.Ананьев (1968) психологик диагностикани психологик тадқиқотларга қаратилган йўналиш, деб таърифлаб, унинг мақсади, психофизиологик функциялар, жараёнлар ва шахс хусусиятлари ривожланиш даражасини аниқлаш, турли қўзғатувчилар таъсир қилганда инсон ҳолатини билиш, инсоннинг меҳнат қобилиятини, лаёқатини аниқлашдан иборат.

К.К.Платонов (1974) психологик диагностикани психик ходисаларнинг хосса ва хусусиятларини ўрганиш ҳақидаги фан, деб ҳисоблаган. К.Н.Гуревич (1974) инсонларни психологик ва психофизиологик белгилари бўйича ажратиш ва тавсифлаш методлари ҳақидаги фан деб ҳисоблайди. В.В.Столин ва А.Г.Шмелев (1984) психодиагностикани психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фан деб ҳисоблайди. Диагноз (ташхиз) — синалувчининг алоҳида кўрсаткич ва характеристикаларини чуқур таҳлил қилиш асосига унинг хусусияти ва ҳолати ҳақидаги хулосадир. Шу билан бирга психодиагностик тадқиқот, экспериментал тадқиқотдан тубдан фарқ қилади. Психодиагностик тадқиқотда аниқ индивид ёки индивидлар гуруҳи ҳақида маълумот олинади, экспериментал тадқиқотда назарий фараз текширилади. Шунинг ҳисобига психодиагностика махсус методик тамойилларга бўйсунди.

Лекин психологик диагностикага турлича таъриф беришларига қарамасдан, унинг асосий тушунчаси “психологик диагноз” тушунчаси бўлиб қолади. Ҳаётда биз касалхоналарда турли касалликларга диагноз (ташхис) қўйишларига ўрганиб қолганмиз. Бунда ташхиснинг тўғрилиги текширишнинг турли клиник методларидан фойдаланилишига боғлиқ бўлади. Қатор ҳолларда бундай диагностика мураккаб аппаратурали тест методларидан фойдалангандан кейингина мумкин бўлади. Экспериментал диагностикада ҳам тадқиқотчи турли методлар, аппаратурали тестлар қўллайди. Олинган маълумотлар асосида психолог синалувчини хулк-атвори, фаолияти ҳақида хулоса чиқаради, Яъни шахсга психологик ташхис қўяди.

Психологик диагноз қўйишнинг умумий шароитларига алоқадор асосий мезонларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— психологик диагноз инсонга хос бўлган махсус ҳодиса ва хусусиятларни очиб бериши керак;

— ҳар қандай диагноз олинган натижаларни баён қилиши билан чегара бўлмаслиги, у ёки бу белгининг вужудга келиш сабаби, оқибати, кейинги ривожланиши ҳам қўшилиши керак.

Психологик диагноз тадқиқот шароитида инсон хулк-атворини характерлайдиган баён қилган материал асосида тушунтирилиши керак. Психологик диагноз синалувчининг шахсий ҳаёт ва психик фаолияти ҳақида экспериментал тадқиқот йўли билан маълумотлар асосида қўйилади. Тадқиқотчи психик фаолият натижалари ҳақида маълумот олиш учун турли психодиагностик методлардан фойдаланади (Н.А.Менчинская, 1966;



З.И.Кальмикова, 1968; С.Я.Рубинштейн, 1970; Б.В.Зейгарник, 1976; В.М.Блейхер, 1976; Л.Ф.Бурлачук, 1979; М.К.Гуревич, 1984 ва бошқалар).

Республикада психодиагностиканинг ёривожланишида Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.А.Токарева, Р.З.Гайнутдинов, В.М.Каримова, Р.И.Суннатов, Ш.Р.Баратов, Д.Жаббаров, З.Т.Нишанова, Ш.А.Дўстмухаммедова, Э.Н.Сатторов, Г.Тўлаганова каби олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Психодиагностиканинг фан сифатида юзага келиши ҳақида нималар биласиз?
2. Педалигия юлдузлари кимлар ва улар қайси вақтда ижод қилишган?
3. Психодиагностиканинг фанига ўз ҳиссасини қўшган йирик намоёндалардан кимларни биласиз?
4. Психодиагностика тарихини ривожланиши неча босқичдан иборат?
5. Психодиагностика фанига ўз ҳиссасини қўшган ўзбек олимларидан кимларни биласиз?

## 4. Психодиагностика усуллари

**Мавзулар:**

**4.1. Психодиагностика методлари ва босқичлари**

**4.2. Психодиагностикада меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалалари**

### 4.1. Психодиагностика методлари ва босқичлари

Тестлаштириш индивидуал фарқларни таҳлил қилишнинг объектив методи сифатида XX асрнинг бошларида вужудга келган.

“Тест” тушунчаси биринчи бўлиб у ёки бу руҳий жараёнларни ва шахс хусусиятларининг ривожланганлик даражасини объектив ўлчашга қаратилган қисқа стандартлаштирилган вазифалар (саволлар), топшириқлар тизими сифатида инглиз психологи Ф.Гальтон томонидан киритилган. Инсон психик хусусиятларининг ирсиятга асосланганлиги ҳақидаги ғояга таянган ҳолда Гальтон сенсомотор сифатларни, синалувчиларнинг турли хил сезувчанлик хислатларини ўлчаш ишларини олиб боради.

Гальтон ғоялари кейинчалик америкалик психолог Д.Кэттелл тадқиқотларида ривожлантирилди.

Тестлаштириш ривожланишидаги кейинги қадам тест методининг оддий сенсомотор сифатларини ва хотирани текширишдан, “ақл”, “интеллект” атамалари билан белгиланувчи олий психик функцияларни ўлчашга ўтиши бўлди. Бу қадам таниқли психологлар А.Бине билан Г.Симоннинг ҳамкорлигида қўйилди<sup>1</sup>.

Назарий негиз сифатида ўша вақтда ҳукмрон мавқели функционал психологиянинг назарияси танлаб олинган бўлиб, унда психик ривожланиш бир қатор туғма функцияларнинг сон жиҳатидан ўсиши тушунилар эди.

Бу концепцияга кўра, Бине шунақанги вазифаларни танлашга ҳаракат қиладики, уларни ечиш таълимга, яъни олинган битимларга асосланган бўлмасин, ҳар бир ёш даври учун шундай тестларнинг сериясини топиш керакки, уларнинг ечилиши шу ёшдаги болаларга хос, мўътадил хусусиятли ҳисоблансин. Тестлар мактаб билимларига нисбатан мустақил бўлсин, бу яъни синовларнинг натижаси боланинг ҳақиқий ақлий қобилиятларининг кўрсаткичи вазифасини бажарсин: улар хулосага охирги натижаларни берсинки, буни биз синалувчининг умумий ақлий истеъдоди сифатида қабул қилайлик.

Боланинг интеллекти ҳар қандай вазифани бажаришда намоён бўлади, деган ғоядан келиб чиққан ҳолда Бине ўзи танлаётган тест топшириқларини назарий асослаш зарур, деб билмади ва тестларни тузишда асосан интуицияга таянди. Биненинг бу масалага нисбатан муносабати унинг қуйидаги

---

<sup>1</sup> Тошимов Р.Ю., Ғозиев Э.Ғ. Психодиагностика ва амалий психология. - Т.: 2004. - 131 б.

мулоҳазаларида аниқ кўрсатиб берилган: “Фарқ йўқ, қандай матнлар бўлишидан қатъий назар, энг асосийси улар кўп бўлсин”. Бине ва Симон 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврларда диққат, хотира, тафаккурни ўрганишга қаратилган бир қатор экспериментларни ўтказганлар. Статистик методлар ёрдамида ишлаб чиқиладиган натижалар ҳар бир ёш гуруҳи учун норма, яъни мезоний ўлчов, деб қабул қилинди. Бу билан индивидуал фарқ белгилаш ўзига ўзи эмас, балки боланинг ёшига нисбатан олиниб, унинг ривожланишини кўрсатувчи нормативларга йўл очилди.

Агарда бола ўз тенгдошларининг кўпчилиги бажарган масалаларни бажара олса, бу норма деб белгиланган. Бироқ бундай масалалар бола учун жуда ҳам енгил ёки аксинча жуда ҳам қийин бўлиши мумкин. Шунга кўра, “ақлий ёш” (*Mental age (MA)*) тушунчаси киритилиб, у боланинг хронологик ёшига (*chronological Age (CA)*) мос келиши ёки ундан фарқ қилиши мумкин. Уларнинг мос келмаслиги ёки ақлий қоқоқликни (*MA CA* дан орқада қоляпти), ёки ундан илгарилаб кетиши истеъдод (*MA CA* дан илгарилаб кетиши)нинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, Бине ўз ҳаётининг сўнгги йилларида ижтимоий таъсирнинг, авваламбор, таълимнинг бола интеллектуал ривожланишидаги аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтган.

20 - йилларда тестлар бутун дунёда кенг тарқала бошланди.

Бироқ тез орада матншунослар ўртасида интеллектуал тестлар нимани ўлчаш керак ва интеллектнинг ўзи нима? — деган муаммо юзасидан келишмовчиликлар юзага келади.

1921 йил “Таълим психологияси” журнали саҳифаларида баҳс-мунозара уюштирилди, бунда йирик Америка психологлари иштирок этдилар. Уларнинг ҳар биридан интеллектга таъриф бериш ва интеллектни аниқлашнинг энг маъқул методини таҳлил қилиш сўралди.

Интеллектни ўлчашнинг (баҳолашнинг) энг маъқул услуби сифатида деярли катта олимлар тестни танлашди, бироқ уларнинг интеллектга берган таърифи парадоксал тарзда бир — бирини инкор қилар даражада эди.

Интеллект “абстракт тафаккур қилиш қобилияти” сифатида белгиланади (Л.Термен);

“Ростгўйлик, ҳақиқат мезони бўйича яхши жавоблар бериш жинойти” (Э.Торндайк);

“Муҳитга мослашиш имкониятини таъминловчи билимларнинг йиғиндиси ёки таълим олувчанлик қобилияти”(С.Колвин);

“Нерв тизимининг модификацияларга нисбатан қобилияти” (Р.Пинтер) ва бошқалар.

Ч.Спирмен 20га яқин интеллектга берилган қатор ҳолларда бир-бирларини инкор қилувчи таърифларни тўпласа-да, ҳамма таърифларда тестлар ҳақиқатдан ҳам аниқ бир сифатларни ўлчамаслигини исботлайди.

Шундай вазият вужудга келдик, бунда ҳар бир матншунос қандайдир психик функция ёки унинг йиғиндисини текшириб кейин уни интеллектнинг тадқиқ этилиши, деб эълон қила бошладилар.

Айнан бир субъект интеллектга диагностикасида турли хил тестлардан фойдаланиш, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи маълумотларнинг олиниши Мана шу ҳолат билан тушунтирилади.

Ҳозирги даврда ҳам тестология назариясида тахминан 20-40 йиллардаги ҳол сақланиб қолган.

Англиялик психолог Г.Айзенк эса инсон интеллектини ақлий жараёнларнинг кечиши тезлигига тенглаштириб қўяди.

Америкалик психологлар Р.Кэттел. ва Д.Карл интеллектни ташкил қилувчи 2 та таркибни ажралиб кўрсатадилар: “флюидли” ва “кристаллашган”.

Интеллектнинг "Ф" таркиби билан ирсий алоомат белгиланган ва инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади ҳамда ўзининг юқори даражасига илк болалик ёшида ўсиб ўтгандан кейин эришади.

Интеллектнинг "К" таркиби шахснинг ҳаёти давомида орттирилган кўникма ва малакаларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу моделда "К" интеллект бутунлай ирсий детерминацияга эга деган тушунчадан узоқлашганлигини билдиради.

IQ— *Intellect* лар *quotient*— интеллект коэффиценти хронологияга нисбатан ақлий ёшини ўзида мужассамлангтиради.

Ҳозирги даврда тестологларнинг ўзлари турли тестлардан олинган IQ ни бир-бири билан таққослаш нотўғри эканлигини тан олмоқдалар.

Ю.Гутке: "Турли тестлардан олинган IQ ни бир-бири билан таққослаш қийин нарсадир, чунки ҳар хил тестларнинг асосида турли интеллект концепциялари отади ва тестларга функциялар киритилади".

Ҳозирги тестологияда янги тизимдаги тестларнинг “валид”лигини асослаш учун уларни мумтоз тизимга таққослайдилар. "Эски" ва "наги" тестлар оид гуруҳдаги кишиларга тавсия қилинади ва агар улар тестлардаги натижалар ҳар хил синалувчига мос келса, тушганлиги аниқланса, бундай "янги" тест валидликка эга деб қабул қилинади. Қадимги тестлар сифатида одатда Бине тестларидан фойдаланилади.

Ҳозирги даврга келиб бутун интеллектуал тестлаш тизимида кризис юзага келди.

Тестология ва психология ўртасида чуқурлашиб бораётган ўзаро инкор сабабларини таҳлил қилиш жараёнида 30 йиллар психологиясидаги Л.С.Виготский сўзи билан айтганда "психологик кризисни босиб ўтиши мақсадга мувофиқдир."

Кризис сабаби амалий психологиянинг ривожланиши ва бутун методологиянинг амалиёт принципи асосида қайта қурилиши билан, яъни унинг табиий фанга айланиши билан боғлиқдир.

"Бу принцип психологияга тазйиқ ўтказиб ва уни 2 қисмга бўлинишига мажбур қилади" — деб ёзади у ўз ишларида. Технологиядаги кризис оқибатида монхометриянинг мустақил амалий тадқиқот соҳасига ажратиб чиқиши содир бўлади.

Айрим тестологлар тестдан ўтказиш процедурасини юқори даражага кўтаришга ҳаракат қиладилар, бунда улар математик ва статистик методлардан нафақат тест тизимларини ташкил қилишда, балки шу билан бирга бу тестлар асосида ётувчи интеллект моделидан ишлаб чиқишда ундан кенг фойдаланишга интиладилар.

Шундай қилиб, тестлаштиришда, интеллектни тушунтиришда ва баҳолашда факторли анализ методидан фойдаланадиган йуналиш кенг ривож топди.

Бу йуналишнинг намояндалари Спирменнинг ишларига таянадилар.

Факторли (анализ намоендалари) тестологияда шундай кузатишларга асосланадиларки, натижада айрим шахслар бир хил тестларни яхши бажарсалар-да, бошқаларини ечишда муваффақиятсиз ҳаракат қиладилар.

Демак, турли тестларни бажаришда интеллектнинг ҳар хил жабҳалари иштирок этади. Шундай қилиб, интеллектнинг ҳар бир таркиби ёки фактор, "тест ёки маълум турдаги вазифани бажаришга зарур бўлган ўзига хос такрорланмас қобилият бўлиб" ва ҳар бир "омил шундай хусусиятлари билан характерланадики, натижада улар у ёки бу хилдаги тестлар учун умумий бўлиб ҳисобланади". Бу ҳолдаги интеллект омилларининг тушунилиши уни аниқлаш усулларидан келиб чиқади.

Синалувчилар гуруҳига бир қатор тестлар берилади. Бундан кейин турли тестларни бажариш натижалари ўртасидаги боғлиқлик (коррелляция) коэффиценти ҳисоблаб чиқилади. Агарда бунда бир нечта тестлар ўртасида юқори даражадаги боғлиқлик мавжуд бўлса, бу тестларни бажаришда ягона омил қобилият иштирок этганлиги ҳақида фикр билдирилади. Бундан кейин эса ажратиб кўрсатилган омилга маълум ном берилади.

Агарда бир нечта омиллар ўзаро юқори корреляцион боғлиқликка эга бўлса, у ҳолда уларни иккинчи бор факторли анализга кўйишади. Олинган "иккинчи қатор омили" деб аталувчи Спирменнинг генерал омилига тўғри келади".

Ҳозирги даврда Гильфорд томонидан юқорида берилган усул ёрдами билан экспериментал тарзда интеллектнинг 120 дан 90 омили ажратиб кўрсатилган.

Синалувчининг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги маълумотни олиш Гильфорд бўйича интеллектни ташкил қилувчи ҳамма омиллар шаклланганлик даражасини аниқлаш лозим. Бунинг учун уларга бир қатор тестлар ҳавола қилиниб, уларнинг ҳар қайси омиллардан биттаси ривожланганлик даражасини ўлчаш учун белгиланган.

Гильфорднинг интеллект характеристикаси ва уни ўлчашга ёндашишни таҳлил қилган, кўпгина тадқиқотчилар унинг позитив томонларини

таъкидлаганлар. Л.И.Анциферова кўрсатгандек, факторли анализ интеллектуал фаолиятнинг янги томонларини илгари суради, бу эса олдин шаклланган тушунчаларга психологик тадқиқотлар доирасида яна ҳам чуқурроқ ёндашишга имкон беради.

Бундан ташқари, Гильфорд ишлари ҳозирги тестологиядаги, инсон интеллект моделини яратувчи унчалик кўп бўлмаган қийинчиликлардан бири ҳисобланиб, интеллектуал тестларни яратишда асос сифатида хизмат қилади.

Шу билан бирга, бу интеллект анализи ва диагностикаси методини ташкил қилувчи компонентларининг кўпгина заиф томонлари мавжуддир.

Аввало, Гильфорд ёндашишининг эмпиризмини таъкидлаш жоиз. Интеллектни омилга ажратиб туриб, Гильфорд синалувчиларнинг турли хил интеллектуал тестлар бажариши натижаларининг корреляциясига асосланади. Бунга эса Небилицин таъкидлаганидек, субъективизм муқаррардир, у бошланғич тестларни танлашда ҳам, олинган натижаларни таҳлил қилишда ҳам намоён бўлади.

Бунинг исботи сифатида тестологиядаги омилли ёндашишнинг йирик намояндаси Л.Терстоуннинг тадқиқотлари хизмат қилиши мумкин.

Терстоун Гильфорд фойдаланган математик методлардан фойдаланган ҳолда интеллектнинг моделини яратди. У Гильфорддагидек 120 та эмас, балки 7 омилдан иборатдир:

1. Фазовий қобилият.
2. Идрокнинг тезлиги.
3. Сонли материални ўзлаштириш енгиллиги.
4. Сўзларни тушуниш.
5. Ассоциатив хотира.
6. Нутқнинг ўйноқчилиги.
7. Тушуниш ёки мулоҳаза қилиш.

Шундай қилиб, Гильфорд тузган интеллектнинг модели кўп жиҳатдан ихтиёрий хусусиятга эга.

Хатто шуни Гильфорднинг ўзи тан оладики, "образли элементларни билиш" деб ажратилган омил аслини олганда ўзига хос 3 хусусиятдан ташкил топган кинестетик шаклларни таниш, товуш образларини идрок қилиш, таниш образларни қайта таниш.

Бошқа томондан, Гильфорд ажратган омиллар амалда битта қобилиятни намоён қилиши мумкин.

Гильфорднинг тафаккур "омил"ларини ўлчаш учун яратган тестлари ҳам кўп даражада субъектив характерга эгадир, чунки инсон интеллектининг яққол ажратилмаган характеристикасини ўлчайди. Ҳақиқатдан Гильфорд тестлари дивергент тафаккурга Торансон ва Джексонлар томонидан ишлаб чиқилган шу каби тестлар билан жуда суст корреляцияга эга.

Шундай қилиб, Гильфорд ёндашишидаги асосий кенглик, бу ўз "интеллекти структурасини" математик ҳисоблаш ёрдамида аниқлайинган, ташқи корреляциялар асосида қурилган бўлиб, топилган интеллект

"омил"ларнинг ўзига хослиги, моҳиятини, унинг ички психологик боғлиқлигини очиб беришга ҳаракат қилмайди.

Шундай қилиб, омилли ёндашиш тестологияда кўп учрайдиган камчиликларни бартараф қила олмайди, чунки уларда энг асосий интеллект тушунчасининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлиги бунга имкон бермайди.

Кўпгина ғарбнинг прогрессив психологлари тест тузишнинг статистик методларини яхшилаш ва уларни ишлаб чиқишнинг методларини мукаммалаштириш билан чекланиб қолмасдан,

Индивид ақлий ривожланиш даражасининг 80% и генетик жиҳатдан ва фақатгина 20% и таълим ва тарбия билан белгиланади.

Генетик жиҳатдан берилган одамлар орасидаги интеллектуал фарқлар фикрий жараёнларнинг тезлигини ифодалайди:

"Оддий IQ — тест билан талаб қилинадиган одамлар ўртасидаги билим ва малакалар миқдорининг фарқи, уларнинг ташқи дунёдан информация олиш ва фойдаланиш тезлиги фарқи билан тушунтирилади".

Г.Айзенк бир қатор тадқиқотларни кўрсатадики, уларда индивид ЭЭГ потенциали унинг интеллект ривожланиши даражаси билан тушунтиришга ҳаракат қилинади. Жумладан, Ф.Чалке ва Дж.Эртп тадқиқотларида кўриш стимули юзага келтирган латент даври (ақлий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, латент даври шунчалик қисқа) ва синалувчиларнинг ақлий даражаси ўртасида боғлиқлик аниқланган.

Худди шу каби натижалар Д.Хендриксон тадқиқотларида эшитиш стимулларида фойдаланилганда олинган: бундан ташқари, кутилмаган стимулга юзага келган амплитуданинг интеллект ривожланиш даражаси билан ижобий боғлиқлиги мавжуд эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, Айзенк шуни тан олишга мажбурки, бошқа тадқиқотларда (Э.Бекс, Р.Дастмен, Р.Инжел, Л.Роудес, Н.Хендерсон ва бошқалар) ўзгача натижалар олинганки, айримлари юқоридагиларга бутунлай қарама-қаршидир. Бироқ у ёки бу натижаларни экспериментал тадқиқотларнинг энгил-елпи ўтказилганлиги натижаси деб таҳлил қилган ҳолда ташлаб юборади.

Ақлий ривожланиш даражаси ва юзага келган потенциал тасдиқлотчи ҳамда бу боғлиқликни нейрон механизмлари даражасида тушунтирувчи 3 та концепция диққатни жалб қилади. Э.Шафер концепцияси қуйидагилардан иборатдир:

Атроф-муҳит стимулига "жавоб" беришда кўп бўлмаган нейронлар ҳаракатга келадики, бунда стимул таниш бўлса, аксарият нейронлар ҳаракатга келади. Шундай қилиб, "адаптацияга юқори нейронли қобилятли" индивид (ва бундан, юқори интеллектга эга) кутилган стимулга юзага келган потенциалнинг нисбатан кам амплитудаси ва кутилмаган стимулга юзага келган потенциалнинг одатдагидек амплитудасини беради.

Психологик-педагогик диагностиканинг ўзига хос, хусусий методлари ҳозирги босқичда унчалик шаклланмаган.

Бунинг асосий сабаби педагог-диагност, ўзининг амалий психологик диагностик фаолиятида шу вақтгача психологияда қўлланиб келаётган психодиагностик методлардан ва педагогиканинг тадқиқот ва ўқувчиларни ўрганиш методларидан фойдаланилади. Ижтимоий муҳит, ижтимоий омилларни ўрганишда эса социологияда, иқтисодиётда мавжуд бир қанча методлардан фойдаланиш мумкин. Кейинги йилларда психологик-педагогик диагностик фойдаланиши мумкин бўлган метод ва методикалар сони кўпаймоқда, шу билан бирга унинг ўзига хос махсус методлари ҳам шаклланмоқда. Бунга мисол қилиб "Психологик-педагогик консилиум" методикасини келтириш мумкин (бу методикани ҳозирги вақтгача методикада қўлланилиб келаётган педагогик консилиум билан алмаштирмаслик лозим).

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, биз психологик-педагогик диагностиканинг методларига батафсил тўхталиб ўтмаймиз, фақат уларнинг баъзиларининг номларини кўрсатаб ўтиш билан чекланамиз. Уларга қуйидагилар киради:

1) турли режа, дастур, мақсад ва мезонларга эга бўлган кузатиш методлари гуруҳи;

2) диагностик суҳбатлар;

3) диагностик сўровномалар;

4) диагностик интервью;

5) барча типдаги анкеталар;

6) турли психодиагностик тестлар;

7) ўқув гуруҳининг хусусиятларини ўрганиш методлари;

8) педагогик тестлар, шу жумладан, дидактик тестлар;

9) ўқув ҳужжатларини таҳлил қилиш, шу жумладан, контент-анализ методи;

10) Турли хилдаги жамоатчилик фикрини ўрганишга мўлжалланган методлар ва ҳоказо.

Ҳаётий ва педагогик тажрибалар шуни кўрсатадики, диагностик фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган педагог, баъзи ҳолларда амалиётчи-психолог ишни ўзида мавжуд методикалардан келиб чиқиб, шу методика ёрдамида тадқиқот, текшириш ўтказиш, маълумот йиғишдан бошлайди. Кейин эса олинган натижаларни ҳаётга мослаштиришга ҳаракат қилиб, ўз ишининг амалий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Бунда иш услубининг асосий камчилиги шундаки, баъзида жуда мукамал, ўта илмий, амалий асосланган методикалар аниқ педагогик фаолиятнинг мақсад ва вазифаларига мос келмаслиги, улардан йироқлиги сабабли кутилган натижа бермайди. Педагогнинг диагностик фаолиятининг самарадорлиги, муваффақияти танланган ва қўлланилган методиканинг "ноёблиги" билан эмас балки бу методиканинг шу муҳитга, шу даврда ўрганилаётган аниқ мақсадга, вазифага мослиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай диагностик фаолият нимани ёки кимни, қайси мақсадларда ўрганиш, олинган



натижалардан қандай фойдаланишимизни англашдан бошланиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, педагогнинг диагностик фаолияти қуйида кўрсатилган босқичларда, кетма-кет олиб борилиши керак.

### **Педагогнинг диагностик фаолияти босқичлари**

1. Диагностик фаолият объекти, мақсади ва вазифаларини аниқлаш.
2. Диагностика объектини ўрганишнинг мезонлари ва кўрсаткичлари (индикаторлари)ни белгилаш.
3. Диагностик фаолият вазифасини бажариш учун зарур бўлган методикалар танлаш.
4. Танланган методикалар ёрдамида информациялар йиғиш (тадқиқот ўтказиш).
5. Олинган натижаларни сифат ва миқдор жиҳатдан қайта ишлаш.
6. Педагогик диагноз ишлаб чиқиш ва хулосалар чиқариш.
7. Педагогк прогноз ишлаб (Кутиладиган натижаларни олдиндан тахмин қилиш).
8. Тузатиш ва ёрдам бериш йўллари, усуллари ва режасини яратиш.

Психологик-педагогик диагностика жараёнининг барча соҳаларида қўлланилади, унинг тармоқлари, соҳалари, қўллаш методлари турлитумандир. Шу сабабли кичик ҳажмдаги қўлланмада унинг барча томонларини қамраб олишнинг имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда биз психологик-педагогик диагностиканинг масалаларидан бири ўқувчиларнинг меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалаларига тўхталиб ўтамыз.

## **4.2. Психодиагностикада меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалалари**

Кўп йиллик кузатишлар ва педагогик тажрибалар, илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчининг ақлий ривожланиш даражасини пастлиги ёки уларда маълум ўқув малакаларининг ривожланмаганлиги, паст ўзлаштиришга, унинг касбга, илмга қизиқишининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ўқувчининг ителлектуал ривожланиш даражасини уларда мавжуд ўқув малакаларини ўрганиш, камчиликларни тузатиш, махсус ўқув ва меҳнат малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган ишлар ўқувтарбия жараёнининг самарадорлигини оширади. Ҳозирги вақтда педагоглар ва педагогик психология мутахассислари олдида иккита ўзаро узвий боғлиқ муаммо — ўқувчининг таълим олишга бўлган қобилиятини ва ўзлаштиришнинг пастлиги сабабларини, улар орасидаги боғлиқлик ўрганиш долзарб бўлиб турибди.

Агар ўқувчининг таълим олишга бўлган қобилиятини алоҳида ўқув фанлари бўйича ўқув материали асосида тузилган методика ёрдамида аниқланса, унинг фақат шу ўқув предмети (физика, геометрия, чет тили) бўйича таълим олишга бўлган қобилияти аниқланади. Масалан, вазифаларнинг барчаси математика фанидан тузилса, ўқувчининг математика фанидан қандай билимга эгаллигини, эҳтимол унда қанчалик шу фанни ўзлаштиришга имконият ва билим борлигини кўриш мумкин. Бундай методикаларнинг қўлланилиш соҳалари, чегаралари ва қўлланилиш муддатлари чекланган. Диагностиканинг асосий вазифаси фақатгина бир фандан эмас, балки бир қанча фанлардан ўзлаштиришини, ёмон ўзлаштириш сабабларини (агар шундай ҳол рўй берган бўлса) топишдангина иборат эмас. Педагог учун ўқувчининг ҳаққоний ўқув имкониятларининг барча қирраларини иложи борича тўлиқ очиб беришга хизмат қилувчи, ҳар қандай шароитда, қайси предметдан қандай мавзу ўтилганидан қатъий назар қўллаш мумкин бўлган методикалар зарур.

Таълим олишга бўлган қобилиятни ўрганиш методларида учрайдиган камчиликлардан яна бири — кўпчилик мавжуд методикалар ўқувчиларнинг мазкур қобилиятини ўрганиш учун уларнинг барчаси бир хил даражадаги дастлабки, бошланғич билим даражасига эга бўлишини тақозо қилади.

Аммо ҳаётда барча ўқувчилар бир хил билимга эга эмас, улар турли тайёргарлик даражасига эга ва бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу сабабли берилган материални билмаслик паст ўзлаштиришнинг асл сабабини кўрсатмаслиги мумкин. Бу борадаги муаммоларни ечиш бевосита бизнинг вазифамизга кирмаса ҳам, уларга бир оз тўхталиб ўтиш лозим.

Маълумки, кўпчилик педагоглар ўқувчиларнинг ақлий ривожланишини баҳолашда қийналадилар ва бунинг оқибатида уларнинг иш фаолиятида таълим жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган муҳим омил гўёки четда қолиб кетади.

Авваломбор шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси улардаги назарий ёки амалий билим олишга бўлган қобилият ёки билимнинг мавжудлиги билангина аниқланмайди. Ўқувчининг ақлий ривожланиш даражаси тафаккур жараёнларининг ривожланганлиги, ўқув материалининг муҳим ва асосийларни ажрата олиши, олган билим ёки ҳосил қилинган, ўзлаштирилган кўникмани бошқа фаолиятга кўчира олиши, турли назарий билимларни амалда қўллай олиши, мустақил фикрлаши, хулоса чиқара олиши, техник вазифаларни еча олиши (техник тафаккур) каби бир қанча белгилар билан аниқланади. Шу сабабли педагоглар ўқувчининг ўрганаётган касби, қайси ўқув предметининг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда уни баҳолашлари осонроқ бўлади. Масалан, ўқувчининг техник тафаккурини баҳолашда уни тафаккурининг образли компонентлари, предмет ва вазифаларни фазода идрок қила олиши, турли чизма, графиклар ва чизмаларни тасаввурда тиклаш ва реал ҳаётда қандай кўринишга, қандай ишлашини тушуниши кўп аҳамиятга эгаллигига эътибор бериш керак. Техник

тафаккурнинг асосий компонентлари тушунчалар, образлар — ҳаракатли ва абстракт (мавҳум) тафаккурдир. Бошқача қилиб айганда, педагог ўқувчининг ўқув малакаларни ўрганишда ўз фаниниг хусусиятларидан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга улар психология фанида қўлланилиб келаётган оддий, аммо самарали методлардан фойдаланишлари жуда юқори натижа беради. Қуйида шундай методикалардан бир гуруҳига тўхталиб ўтамиз.

## **ЎҚУВЧИНИНГ ЎҚУВ ВА МЕХНАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Ўқувчининг ўқув ва меҳнат кўникмалари ўз ичига унинг ўз ишини режалаштира олиши, ўз фаолиятини ўзи назорат қила олиши, фаолият суръатини бошқара олишини олади.

Ўқувчининг ақлий ривожланиш даражасини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) тафаккур жараёнларининг ривожланганлик даражаси;

б) тафаккурнинг техник фаолиятида юзага чиқадиган махсус хусусиятлари;

в) ўз фаолиятини режалаштириши ва бошқара олиши;

г) техник вазифаларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги.

Ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси, меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш учун қўллаш мумкин бўлган оддий методикаларга қуйидагилар киради:

### **1. ОРТИҚЧА ПРЕДМЕТНИ ТОПИШ ( ВА ОЛИБ ТАШЛАШ ).**

Бу методика ўқувчи тафаккурининг аналитик—синтетик хусусиятларини, таҳлил қилинаётган материални умумлаштира олиш малакасининг мавжудлик даражасини ўрганишга мўлжалланган. Методикани ўрганиш учун махсус равишда тузилган расмлар мажмуасидан фойдаланилади. Расмлар мажмуасини педагогнинг ўзи ҳам ўз предметига мослаб тайёрлаши мумкин. Расмда тўртта предмет (масалан, соат, торози,, кўзойнак, термометр) акс эттирилган. Текширилувчининг вазифаси акс эттирилган предметларнинг энг муҳим белгиларини топиш ва шунинг асосида "ортиқча", бошқаларга мос келмайдиган предметни топиш, қолган уч предметга эса умумий ном беришдан иборат. Бизнинг мисолимизда "ортиқча" предмет — кўз ойнак. Қолганлари эса ўлчаш асбоблари.

### **2. ОРТИҚЧА ТУШУНЧАНИ ТОПИШ.**

Бу методика юқорида кўрсатилган методиканинг вербал (сўзлар) ёрдамида ифодаланадиган) варианты бўлиб, ўқувчининг мавҳум ва сўз — мантиқ тафаккурини, абстракт материалларни умумлаштира олиш

малакасини ўрганишда қўлланилади. Ўқувчига бир қанча сўзлар мажмуаси берилади. Сўзлар абстракт сўзлар бўлиши мумкин. Масалан: олийжаноблик, тўғрисўзлик, камтарлик, кўролмаслик, ботирлик. Шунингдек, вазифа нарса ва ходисаларнинг номларидан иборат бўлиши ҳам мумкин (соат, барометр, самолёт, термометр, секундомер). Педагогнинг ўзи ҳам ўз предметига оид сўзлардан вазифалар тузиши мумкин. Бу ҳолда фанга оид терминлар, фанда учрайдиган энг муҳим предмет, деталларнинг номидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Текширилувчининг вазифаси берилган бешта сўз орасидан бошқаларга тўғри келмайдиган “ортикча” сўзни топиш қолган сўзларга умумий ном беришдан иборат. Вазифани тўғри бажариш учун ўқувчи берилган тушунчаларнинг энг муҳим ва умумий белгиларини топиши, шу белгилар асосида уларни умумлаштириши ва уларга умумий ном бериши лозим. Шундан кейингина ўқувчи ажратилган (топилган) муҳим белгига эга бўлмаган, яъни “ортикча” сўзни топади.

### **Ортикча тушунчаларни топиш бўйича мисоллар ва унинг баёни.**

Сизга бешта сўз берилган. Уларнинг тўрттаси умумий белгилари билан бирлашган. Бешинчи сўз уларга тўғри келмайди. Уни топиб тагига чизиш керак. Фақат битта сўз ортик бўлиши мумкин, холос.

Мисол.

А) тарелка    б) пиёла    в) стол    г) кастрюлька    д) чойнак.

Учинчи сўз эса мебелни билдиради, шунинг учун тагига чизилади.

Кейинги мисол.

А) юрмоқ    б) сакрамоқ    в) ўйнаш    г) ўтириш    д) югуриш.

Тўртта сўз ҳаракатни билдиради. “ўтириш” эса тинчлик ҳолатини билдиргани учун тагига чизилади.

Топпириқлар тўплами:

1. а) олд қўшимча    б) предлог    в) суффикс    г) қўшимча    д) илдиз.

2. а) тўғри чизиқ    б) ромб    в) тўғри бурчак    г) квадрат    д) учбурчак.

3. а) барометр    б) флюгер    в) термометр    г) компас    д) азимут.

4. а) кулдор    б) кул    в) дехқон    г) ишчи    д) косиб.

5. а) мақол,    б) шеър    в) поэма    г) ҳикоя    д) повесть.

6. а) цитоплазма    б) овқат    в) ўсиш    г) таъсирланиш    д) кўпайиш.

7. а) ёмғир    б) қор    в) қиров    г) дўл.

8. а) учбурчак    б) бўлак    в) узунлик    г) квадрат    д) айлана.

9. а) пейзаж    б) мозайка    в) бут (икона)    г) фреска    (деворга солинган расм)    д) мўйқалам.

10. а) очерк    б) роман    в) ҳикоя    г) сюжет    д) повесть.

11. а) параллель    б) карта    в) меридиан    г) экватор    д) кутб.

12. а) адабиёт    б) фан    в) рассомлик    г) меъморчилик

д) бадийий ҳунармандчилик.

13. а) узунлик    б) метр    в) вазн    г) ҳажм    д) тезлик.

14. а) карбонад ангидрид гази    б) ёруғлик    в) сув    г) крахмал    д) хлорофил.

15. а) кириш б) кульминация в) информация г) якун д) хотима.  
 16. а) тезлик б) тебраннш в) кум г) оғирлик д) зичлик.  
 17. а) Куба б) Япония в) Вьетнам г) Буюк Британия д) Исландия.  
 18. а) товар б) шаҳар в) ярмарка г) натурал хўжалик д) пул.  
 19. а) тасвир б) таққослаш в) характеристика г) эртак д) кесатиш.  
 20. а) аорта б) вена в) юрак г) артерия д) капилляр.

#### Топшириқлар тўпланининг калити

<b>1-6</b>	<b>5-а</b>	<b>9-Д</b>	<b>13-6</b>	<b>17-в</b>
<b>2-в</b>	<b>6-а</b>	<b>10-г</b>	<b>14-г</b>	<b>18-г</b>
<b>3-д</b>	<b>7-в</b>	<b>11-6</b>	<b>15-в</b>	<b>19-г</b>
<b>4-а</b>	<b>8-в</b>	<b>12-6</b>	<b>16-6</b>	<b>20-в</b>

Ўқувчининг ўқув материални яхши тушуниши ва ўзлаштириши тафаккурни таққослаш жараёнининг ривожланганлигига ҳам боғлиқ.

Уй вазифаларини мустақил равишда муваффақиятли бажарилишида анализ, умумлаштиришдан ташқари, тафаккурни таққослаш жараёни ҳам катта аҳамиятга эга. Таққослаш предмет ва нарсалар орасидаги ўхшашликлар ва фарқларни топишни таққослаш қилади. Шу сабабли педагог ўқувчида таққослаш жараёнининг қанчалик даражада ривожланганлигини ўрганиши лозим. Бунинг учун қуйидаги оддий методикалардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

#### Савол ва топшириқлар

1. Тест тушунчасининг асосчилари ким?
2. А.Бине ва Г.Симон қандай тадқиқот олиб борган?
3. 20-йилларда функционал психология назариясининг концепцияси қандай бўлган?
4. Педагогик-психологик диагностиканинг қандай методлари бор?
5. Шахс меҳнат кўникмаларива малакаларини диагностика қилишда нималарга кўпроқ аҳамият бериш лозим?
6. Ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражаси, меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш учун қандай методикалар қўллаш мумкин?
7. XIX- XX асрларда психодиагностика фанининг ривожланиши.
  - а) Гальтон, Кэттелл ва Бинеларнинг психодиагностикага қўшган ҳиссалари.
  - б) "Ақл ёши" ва "Хронологик ёш" бир-биридан қандай фарқланади?
  - в) Факторли анализ интеллектуал фаолиятнинг янги томонларини ўрганишдаги ролини айтинг.
  - г) Терстоун илгари сурган етти омилга нималар киради?
8. Ақлий ривожланиш даражасини аниқланинг, ҳозирги замон методларини шарҳланг.
9. Педагогик диагностик фаолиятнинг босқичларига нималарни киритиш мумкин?

## 5. Экспериментал психодиагностика

**Мавзулар:**

**5.1. Психологик тадқиқотлар методларини танлашни асослаш**

**5.2. Экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказиш, олинган натижаларни талқин қилиш ва хулоса чиқариш**

### 5.1. Психологик тадқиқотлар методларини танлашни асослаш

Психология болалик даврида шахс хусусиятлари ва психик тараққиёт даражасини аниқлаш учун турли экспериментал психологик методлардан фойдаланади. Психологик тадқиқотларда фойдаланишдаги методикалар у ёки бу фаолият жараёнида шахс психик хусусиятларининг намоён бўлишини аниқлашдан иборат.

Болалар психологиясида экспериментал методикаларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш, психологлар ва педагогларнинг асосий вазифасидир. Экспериментал тошшириқлар мажмуи бола психик тараққиётини, ақлий даражасини, унинг мактабда ўқишга тайёрлигини аниқлашга мўжалланган. Жумладан, мактабда ўқишга тайёрликни билдирувчи белгилар қуйидагилар:

- а) психик жараёнларнинг ихтиёрийлиги;
- б) ақлий иш қобилиятининг етарлича давомийлиги,
- в) янги билим ва малакаларни мақсадга йўналтирилган равишда ўзлаштириш имконияти;
- г) борлиқни билишга кизиқишнинг мавжудлиги;
- д) теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни фарқлай олиш ва умумлаштира олиши;
- е) фикрлай олиш ва бошқалар;

Юқорида қайд этилган белгиларнинг мавжудлиги педагог-психологлар томонидан ўқув жараёнида турли дидактик восита ва усуллар ёрдамида амалга оширилади<sup>1</sup>.

Экспериментал тадқиқот шароитида юқоридаги белгиларнинг мавжудлиги сўзли, предметли ва психометрик методикалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳар бир конкрет ҳолда олинган маълумотларни сифатий таҳлил қилиш ва уларни бошқа методлардан олинган натижалар билан боғлаш зарур.

Психологик диагностикада методикаларнинг ишончилиги муҳим ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда, бу тушунча «тестдан олинган натижа нечоғлик тўғрилигини кўрсатади»<sup>2</sup>. Ҳар қандай методиканинг, тестнинг ишончилиги ўрганилаётган психологик хусусиятларининг уларда акс этиши

---

<sup>1</sup> Нишанова З., Қурбонова З., Абдиев С., Тўлаганова Ш. Психодиагностика. – Т.: 2008. – 314 б.

<sup>2</sup> Анастаси А. Психологическое тестирование: В 2 КН. Пер, с.анг: Под. ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского. - М.: Педагогика. 1992.

нуқтаи назаридан тўғри қўллашни характерлайдиган маълумотлар мажмуи сифатида қаралмоғи керак<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, мақсадга мувофиқ танланган методика ва тестлар психик фаолият кўринишларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

Болалар устида психологик тадқиқотлар ўтказиш тажрибаси шундан далолат берадики, қўлланилаётган психодиагностика методикаларини шартли равишда у ёки бу психик жараёнларни ўрганиш методикаларига ажратиш мумкин. (Л. И. Поперечная 1978; Л.Л.Вснгер, В.В.Холмовская 1978; З.И.Калмикова, 1982; В.М.Блейхер, И.В.Крук, 1986). Масалан, ўқувчи хотираси ҳақида фақат бир метод асосида хулоса чиқариш мумкин эмас, бунинг учун методикалар мажмуини қўллаш керак. Шу билан бир вақтда, ҳар бир экспериментал методикалар ўзининг асосий йўналишидан ташқари (яъни шахсининг маълум хусусиятини ўрганишдан ташқари) психиканинг бошқа хусусиятларининг ҳолати ҳақида баъзи маълумотлар беради. Масалан: болага берилган 10 та сўзни қандай ёдлашига қараб, фақат унинг хотираси ҳақидагина эмас, балки ихтиёрий диққати, ҳаракатларининг мақсадга йўналтирилганлиги, уларнинг сабаблари ҳақида ҳам билса бўлади.

Тарбиячи-тадқиқотчи тадқиқот учун у ёки бу методикани танлаганида кўрсатмани салгина ўзгартирганда методиканинг йўналиши ўзгариб кетишини назарда тутиши керак. Топшириқни бажаришга киришишдан олдин бола унта бўлган кўрсатмани тўғри тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Бажарилаётган тошириқнинг муваффақияти кўп ҳолларда шунга боғлиқ бўлади.

Психологик-педагогик тадқиқотнинг сифати экспериментда қўлланиладиган методикалар сонига боғлиқ бўлади. Лекин мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ёшидаги болаларда тадқиқот ўтказганда, уларнинг тез чарчашини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун бир тадқиқот ўтказганда, тадқиқот вазифаларига боғлиқ равишда танланган 5-7 методикадан фойдаланиш тавсия этилади. Бир неча босқичда ўтказиладиган тадқиқотларда кўпроқ методикалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Экспериментал тадқиқот усуллари яхши эгаллаш ҳам муҳимдир. Тадқиқотчи тажриба вақтида бола билан қанчалик яхши муносабатда бўлса, бола тошпириқни шунчалик яхши бажаради.

Тадқиқот ўтказиш учун экспериментал методикаларни танлашда кўйидагиларни эътиборга олиш зарур:

- а) тадқиқот мақсади — психик тараққиёт даражасини аниқлаш, унинг ёшига, маълумотига мослиги, шахс хусусиятларини аниқлаш;
- б) синалувчининг ёши ва унинг ҳаёт тажрибаси, ўтган таълим ва тарбияси амалга оширилаётган шароит;

---

<sup>1</sup> Бурлачук Л.Ф., Психология личности. – К.: Здоровья, 1989. – 168 б.

в) боланинг экспериментал тадқиқотга мослашиши, мулоқотга киришиши, вербал алоқа ўрнатиш хусусиятлари.

Танланган экспериментал психологик методикаларни болага қийинлиги ўсиб бориш даражасида бериш керак.

## **5.2. Экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказиш, олинган натижаларни талқин қилиш ва хулоса чиқариш**

Тарбиячи қанчалик кўп экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказса, унинг тажрибаси шунчалик ортиб боради. У қуйидагиларни ўз ичига олади: бола фаолиятининг хусусиятларини ўйин ва ўқув вазиятларида таҳлил қилиш; уни мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасалари, шунингдек, оила шароитига мослаштириш, мослаша олмаслик даражасини аниқлаш; боланинг ички ҳаётини тушуниб олиш истаги; шахснинг хусусиятларини ҳар томонлама ривожлантиришда унга ҳар қандай ёрдам кўрсатиш.

Психолог - экспериментатор фаолияти тадқиқотда сир қиладиган махсус хусусиятларга эга. Шунинг учун бўлажак тадқиқотчи М.П.Кононова (1963) таъкидлаганидек, ўзида қўллаш сифатларни шакллантирмоғи лозим.

а) тадқиқот қарорларини тез ва аниқ тузиш;

б) ўз диққатини бола топшириқни қандай бажараётганлигига ва унинг хулқ-атворини кузатишга қаратиш;

в) бола билан яхши алоқага киришиш, унинг ҳамма айтганини ёзиб, унинг хулқидаги баъзи реакцияларни тўғри баҳолаш қобилиятини йўқотмаслик ва бошқалар;

Бундан ташқари тадқиқотчи экспериментал текширувга турлича муносабатда бўлиши керак. Масалан, мактабгача таълим муассасаси ёшидаги болаларни қизиқтириш керакки, болалар экспериментатор хонасида кўпроқ бўлиб, унинг ҳамма талабларини бажаришга интилиши керак. Бунга болаларга қизиқарли расмларни кўрсатиб, уларни ҳикоя қилиб бериш ёки кубиклардан ҳар хил нарсалар яшаш орқали эришиш мумкин. Болада қизиқиш пайдо бўлиши билан бирга унинг хотираси, диққати, мантиқий жараёнлари ўрганилади. Бошлангич синф ўқувчилари ва ўсмирлар билан тадқиқот ўтказган пайтда улар билан шундай киришиб кетиш керакки, болаларда тажрибага қизиқиш, тадқиқотчига ишонч ва ўз ички дунёсини очиш истаги пайдо бўлсин. Шунини таъкидлаш керакки, ҳамма болалар ҳам текширувга қизиқадилар. Лекин баъзи ҳолларда, улар такроран тадқиқотда иштирок этишдан бош тортадилар. Кўпинча бу тенгдошларига нисбатан ёмон натижалар олганда ёки экспериментатор томонидан ортиқча сўз эшитганда пайдо бўлиши мумкин. Бундай болаларга ўзгача муносабатда бўлиш даркор. Улар арзимас сабаб учун ҳам мақтовга мухтожлар.



Экспериментал-психологик тадқиқот натижалари ишончли бўлиши учун тадқиқотчи уни ўтказишда маълум чизма(умумий режа)га амал қилиши керак. Дастлаб тадқиқотчи боланинг ҳаёти унинг жисмоний ва психик тараққиётининг хусусиятларини оилада, мактабда, мактабгача таълим муассасасида таълим ва тарбиянинг ижтимоий, маданий шароитларини акс эттирадиган материаллар билан танишишдан бошлаш керак. Тадқиқотчи бола туғилишининг (онасида ҳомиладорлик токсикозлари бўлганлиги, чала туғилганлиги ва ҳ.к.), 3 ёшгача бўлган даврдаги тараққиётнинг хусусиятлари ҳақида ҳам маълумот муҳимдир (неврология ва танасида касаллик мавжудлиги — титраб-қалтирайдиган хуруж, кундузги ва тунги энурез (сийиб қўйиш), дудукланиш, бош мия ва марказий нерв тизими касалликлари, бола қачондан бошлаб юра бошлаган, гапира бошлаган, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларига келишдан олдин қандай ривожланган). Бу маълумотларни ота-оналар билан танишганда, бола шахсий дафтари билан танишганда, у билан бевосита суҳбатлашганда олиш мумкин.

Бола ривожланиши ҳақида маълумотларни хронологик кетма-кетликда баён этиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

1-жадвал

#### Ўқувчининг жисмоний ва психик ривожланиш хусусиятлари

Боланинг Ф.И.О.	Бола ҳақида ижтимоий ва психологик маълумотлар				
	Туғилган йили	Ота- онаси ҳақидаги маълумот	Туғилишининг баъзи хусусиятлари	Соғлиги	Жисмоний ва психик ривожланиш хусусиятлари

Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларига келиши билан тарбиячи янги маълумотларни қўшиб боради. Бу унга боланинг жисмоний ва психик тараққиётни ривожланишда кузатиш имконини беради<sup>1</sup>.

Боланинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўйин фаолиятида, топшириқларни бажариш жараёнида, ўқув фаолиятида, психологик-педагогик эксперимент шароитларида бола хулқ-атворини кузатиб ҳам ўрганиш мумкин. Кузатишда олинган маълумотлар олдиндан тайёрланган тадқиқот қарорига ёзилади.

Экспериментал-психологик тадқиқот шароитида кузатиш жараёни ихтиёрий бўлиб, одатда, ҳаётий шароитларда эса педагог ихтиёрий равишда кузатади, мактабгача таълим ва бошланғич таълим муассасаларида бўлажак

<sup>1</sup> Нишанова З., Курбонова З., Абдиев С., Тўлаганова Ш. Психодиагностика. – Т.: 2008. – 314 б.


тарбиячининг фаолияти ихтиёрий ва ихтиёрсиз кузатиш малакаларини бир хилда ривожлантиришни талаб қилади.

Экспериментал-психологик тадқиқот ўтказишдан олдин педагог-тадқиқотчи бола билан суҳбатлашади. Бунда у бола билан ижобий ҳиссий алоқа ўрнатиб бажариладиган топшириқнинг мақсад ва вазифаларни тушунтириб беради. Суҳбат психологик тадқиқот методи сифатида бола ҳақида маълумот олишга имкон беради. Суҳбат олдиндан тайёрланган саволлар асосида ўтказилиши ёки ихтиёрсиз характер касб этиши мумкин. Бунда тадқиқотчи суҳбат жараёнида болага, унинг оиласига ёки тенгқурларига тегишли бўлган, болага ёқмайдиган саволларни бермаслиги керак. Суҳбатда бола шахсининг хусусиятлари, ўзининг жисмоний ва психик ҳолатига, ишчанлигига баҳо бериши аниқланади.

Текширувчининг ижтимоий-маданий даражаси, маълумоти, қизиқишлари, эҳтиёжлари, ўзаро фикрлашув қобилиятлари аниқланади. Баъзи ҳолларда суҳбат психопрофилактик ва психотерапевтик мақсадларда ўтказилади, бунда бола бошидан кечираётган кўрқинч, хавотирланиш, ўзига ишонмаслик каби ҳолатлар йўқотилади. Шундай қилиб, тарбиячи суҳбат жараёнида тадқиқот олдига қўйган вазифага боғлиқ равишда бола ҳаёти ҳақида муҳим маълумот олиши керак. Экспериментал психологик тадқиқот ўзининг қуйидаги шартли чизмасига эга (1-чизмага қаранг).

1-чизма

#### Болани экспериментал-психологик ўрганиш чизмаси



Экспериментал вазиятда бола бериладиган йўл-йўриқ, кўрсатмани тушуниши муҳим рол ўйнайди. Кўрсатма тушунарли, боланинг ёши ва ақлий ривожланиш даражасига мос бўлиши керак. Бола гопширикни бажаришни бошлаганидан сўнг кўрсатмани мисоллар билан ёки қўллаб-қувватлаш билан мустаҳкамлаш зарур, бу эса синалувчида фаолиятга ижобий муносабатни шакллантиради.

Тажриба жараёнида тадқиқотчи бола нимада қийналаётганини аниқлайди ва унга ёрдамлашади. Кўрсатмага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақидаги барча маълумотлар олдиндан тайёрланган тадқиқот қарорига ёзиб қўйилади.

Эксперимент жараёнида олинган натижаларни пухта ёзиб бориш, кейинги сифатий таҳлил ёритиб беради. А.Биннинг (1910) таъкидлашича, экспериментал-психологик тадқиқотни ўтказиш учун ручка, озгина қоғоз ва кўп чидам зарур. Тадқиқотчи у ёки бу олинган маълумотни иложи борича тезроқ қарорга ёзиб олиши керак. Ҳар бир тажриба қарори алоҳида қоғозда бўлиши керак (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўқувчини экспериментал-психологик текширув қарори

Топширик ва унинг хусусиятлари	Кўрсатмани тушуниши	Топширикни бажариш (муваффақиятли, муваффақиятсиз кетказилган вақт)	Синалувчи хулқ-атвори (ҳиссий, нутқий реакциялар)

Текширув қоғозлари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар алоҳида психодиагностик тадқиқот натижаларини ёзиб олиш учун махсус шаклга эга бўлади.

Унда қатор методикалар мажмуи ҳам акс этииш мумкин. Текширув қоғозларини тўғри тўлдириш, қарорларини ёзиб бориш ҳар хил методикалар бўйича олинган натижаларни умумлаштириш, текширилаётган болаларни бир ёш гуруҳида таккослаш имконини беради. Тажриба давомида педагог-психолог бола фаолиятини иложи борича табиий шароитларга яқинлаштириши керак. Масалан, ўрта гуруҳ, болалари учун шундай топшириқларни танлаш керакки, улар ўйин вазиятида бажарилсин. Катта мактабгача таълим муассасаси болалари ва бошланғич синф ўқувчилари учун бу топшириқлар ўқув фаолияти элементлари билан бирга қўшилиши мумкин.

Экспериментал психологик тадқиқот бир неча босқичда ўтказилиши зарур. Бу боланинг янги шароитга яхши мослашишига, у билан ижобий алоқа ўрнатишга имкон беради. Биринчи босқичда тадқиқотчи бола билан алоқа ўрнатади, унинг қизиқиш ва эҳтиёжларини аниқлайди. Бола баъзи топшириқларни тадқиқотчи олдида бажаради. Иккинчи босқичда олинган маълумотларга аниқлик киритилади, бошқа методикаларда олинган

натижалар билан ўзаро боғлиқлик аниқланади. Учинчи босқичда тажрибада олинган натижалар таҳлил қилинади, улар умумлаштирилиб, хулоса чиқарилади.

Олинган маълумотларни бир жойга тўплаб, тадқиқотчи синалувчи шахсининг характери, ақли, хотираси, ҳиссиёти, психик бузилишлар мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Тадқиқотнинг сўнгги қисмидаги хулосалар шахсга психологик диагноз кўйиш, синалувчи психикасидаги ўзгаришларни олдиндан айтиб бериш, олинган маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ равишда ҳамда педагог амалий фаолиятида тавсиялар бериш мақсадида қизиқарлидир. Шунини эсда тутиш зарурки, экспериментал вазият бола учун одатдагидан бошқача булади. Шунинг учун олинган натижалар ҳар доим ҳам ҳақиқий кўрсаткичларга мос тушмаслиги мумкин.

Экспериментал тадқиқот характериға боғлиқ равишда ундан олинган натижаларни ўқув тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги кузатишни келтирамиз:

Тарбиячи мактабгача таълим муассасасида машғулотлар ўтказиш жараёнида 6 ёшли Гулнора (К) исмли қиз хулқ-атворидаги баъзи бошқаларниқидан фарқ қилувчи хусусиятларни пайқаб қолади. Қиз машғулотларда тез-тез чалғиб кетади, кўпинча паришонхотир. Тарбиячи топшириғини тез бажармайди. Бир топшириқни ташлаб, иккинчисига тез ўтиб кетади, ҳеч бир ишни охириға етказмайди. Ўқув топшириқлари бажарилмайдиган бошқа вақтларда у ўзгалардан фарқ қилмайди. Қизнинг диққат, тафаккур, ҳиссий жараёнларини ўрганиш учун мактабгача таълим муассасасида тадқиқот ўтказилди. Текширув натижаларн қизнинг психик жараёнларида ҳеч қандай психик ўзгариш йўқлигини тасдиқлайдилар. Топшириқларни бажариш вақтида чарчаш фаол диққат даражасининг пастлиги кузатилади. Лекин бу хусусиятлар синалувчи диққатини ишнинг бошқа шакллариға кўчириш билан осонлиғича бартараф этилган. Шундай қилиб, экспериментал психологик тадқиқот қизнинг психик тараққиёти нормада эканлигини, психик жараёнларнинг ўзгариб туриши эса баъзи омилларнинг таъсири натижаси эканлигини кўрсатди.

Тарбиячининг вазифаси — бу омилларни тўғри аниқлаш, кейинчалик бола билан индивидуал иш олиб бориб, кўрсатилган хусусиятларни йўқотишдан иборат. Юқоридаги мисолда ихтиёрий диққат даражасининг пастлиги, иш қобилятининг пастлиги ўзининг объектив сабаблариға эға. Қизнинг 3 ёшгача ривожланиш тарихидан маълум бўладики, у асфиксия (кислород етишмаслиги сабабли бўғилиш) билан туғилган, туғруқдан сўнг бош мияси яллиғланган. Узоқроқ иш фаолиятида бу нарса ўз таъсирини кўрсатган, қиз тез чарчаб қолади. Тарбиячи бола билан индивидуал иш олиб борганда, албатта шунини ҳисобға олиши зарур.

Болаларнинг экспериментал-психологик ўрганиш натижаларидан ўқув машғулоти вақтида психик жараёнларининг ихтиёрийлигини ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Психологик тадқиқот натижаларидан болалар билан индивидуал иш олиб боришдагина эмас, балки гуруҳий ўқув тарбия тадбирларини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда тарбиячи ўқув тарбия жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг ролини тўғри аниқлаши мумкин. Шунга асосан таъсирнинг у ёки бу шаклини ишлатиш мумкин.

Психодиагностик тадқиқотлар тарбиячига гуруҳнинг, ҳар бир шахснинг у ёки бу психик функциялари ривожланиш принципларини ҳисобга олган ҳолда ўқув тарбия жараёнини ташкил этиш имконини беради.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Экспериментал психодиагностика нима?
2. Психологик тадқиқотларда методикалар қандай ва нималарга асосланиб танланади?
3. Экспериментал психологик тадқиқот ўтказиш усуллари қандай?
4. Экспериментал психологик тадқиқот неча босқичда ўтказилади?
5. Олинган натижалар қандай талқин қилиниб, хулоса чиқарилади?

## **6. Психодиагностиканинг касбий ахлоқий жиҳатлари**

### **Мавзулар**

#### **6.1. Экспериментатор шахсига қўйиладиган талаблар**

#### **6.2. Тестларнинг классификацияси**

#### **6.3. Методикаларга қўйиладиган талаблар**

### **6.1. Экспериментатор шахсига қўйиладиган талаблар**

Психодиагностика — бу психологнинг касбий фаолиятидаги мураккаб ва жуда маъсулиятли соҳасидир. Мана шунинг учун ҳам психодиагностикага бир қатор ижтимоий-ахлоқий талаблар қўйилган ва булар қуйидагилардир:

1. Психодиагностика сирларини сақлаш;
2. Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги;
3. Синалувчига зиён етказмаслик;
4. Хулосаларнинг объективлиги;
5. Таклиф қилинган тавсияларнинг самарадорлиги.

Юқорида қайд қилиб ўтилган талабларни психодиагностиканинг тамойиллари сифатида ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Психодиагностиканинг сир сақлаш тамойили — синалувчининг рухсатисиз олинган натижаларни эълон қилмаслидир. Бу биринчи навбатда балоғат ёшига етган одамларга таалуқлидир. Агар синалувчилар балоғат ёшига етмаганлар бўлса ҳамда психодиагностик натижаларни эълон қилиш учун ота-оналарнинг ёки болалар учун маънавий ва ҳуқуқий маъсул бўлган шахслар рухсати бўлиши шарт. Фақат баъзи ҳолларда илмий мақсадда, яъни экспериментал тадқиқотнинг бир қисми сифатида эълон қилиш бундан мустаснодир, аммо синалувчиларнинг аниқ исми, шарифларини баён қилиш тавсия қилинмайди<sup>1</sup>.

Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлик тамойилида методикага валидлик, ишончлилик талаби қўйилади, яъни олинган натижаларга тўлиқ ишонч имконини берсин.

Зиён етказмаслик тамойилида психологик ташхис натижаларини ҳеч қачон тадқиқотда катнашган одамларга нисбатан зарар етказиш мақсадида фойдаланмаслик.

Хулосаларнинг объективлик тамойили тест ўтказётган одамнинг субъектив установакаларга тобе бўлмаслиги, тест олинган натижаларидан кўриб чиққан ҳолда илмий асосланган бўлиб, валидли ва ишончли методика ёрдамида ўтказилган бўлиши шарт.

---

<sup>1</sup> Нишанова З., Курбонова З., Абдиев С., Тўлаганова Ш. Психодиагностика. – Т.: 2008. – 314 б.

Таклиф қилинаётган тавсияларнинг самарадорлик тамойилида тавсиялар, албатта, таклиф қилинаётган одамга ёрдам бериши шарт. Тест натижалари асосида таклиф қилинаётган тавсиялар бефойда ёки қўшилмаган тасодифий ҳолатларни келтириб чиқармаслиги керак.

Психодиагностика билан шуғулланувчи одамларга, махсус малакавий талаблар қўйилади. Асосийлари қуйидагилардир:

- Назарий тайёргарлик;
- Психодиагностик методикаларни ва уларни ўтказиш шарт-шароитларини мукамал билиши;
- Бирон бир методикани амалиётда қўллаш олишда зарурий тажрибага эга бўлиши.

Ҳар қандай психодиагностик методика бўшлиқдан пайдо бўлмайди, балки (ташхислаш) ўрганилаётган объектнинг психологик назарияси асосида вужудга келади ва ривожланади. Масалан, интеллект тестлари, интеллектнинг ҳаётий воқеликларда намоён бўлиши, аҳамият тузилиши ва унинг табиати ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Шахс тестлари, шахснинг тузилиши шахс хусусиятларининг тараққиёти ва табиати, илмий маноси ҳақидаги назарияларга асосланади.

Психодиагностик методикалардан тўғри фойдалана олиш учун албатта унинг назарий асосларини билиш шарт, акс ҳолда психодиагностик тадқиқот натижаларининг анализи, шарҳлаш ва хулосаларда хатоликларга йўл қўйиши мумкин.

Экспериментатор бирон бир психологик тестни мукамал ўзлаштириб олмаган бўлса ва ҳеч бўлмаганда ўзида ёки бошқа бир одам синаб кўрмаган бўлса, уни қўллашга ҳақли эмас. Бундан ташқари психодиагностик методикаларни қўллашнинг шарт-шароитларига қатъий амал қилиш шарт. Аммо ҳар қамдам воқеликда ҳам психологик ташхис билан ким шугулланшидан қатъий назар-мутахассисми ёки қизиқувчими қуйидаги маънаким ахлокий меъёрларга қатъий риоя қилиши шарт:

1. Шахсни ўз хоҳишисиз психологик тадқиқотга жалб қилиш ман қилинади, фақат баъзи бир ҳодисалар бундан истисно, агар суд ёки тиббиёт амалиётлари агар қонун билан чегараланмаган бўлса;

2. Психологик тестлар ўтказишдан олдин синалумчи тадқиқот жараёнида ўзи англамаган ҳолда, ўз фикри ва ҳиссиётлари ҳақида маълумотлар бериб қўйиши тўғрисида огоҳлантириб қўйилиши керак;

3. Ҳар бир одам агар қонун билан чегараланмаган бўлса, тест натижаларини қачон, ким ва қандай мақсадда қўлланилиши ҳақида билишга ҳақлидирлар;

4. Психологик тест натижалари тадқиқот ўтказган шахс томонидан синалумчига тушунарли бўлган шаклда тайёрлаб тақдим қилинади;

5. Балоғат ёшига етмаган болалар билан ўтказилган тест натижаларини уларнинг ота-оналари ёки уларга маъсул шахслар билишга ҳақлидир;

6. Агар тест шахснинг психологик тараққиёт даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилса, у ҳолда синалувчи ва фақат тестнинг мақсадини балки ким томонидан нима асосида тест натижаларининг хулосаси чиқарилишини билишга ҳақлидир;

7. Амалиётда психологик тестларни қўллашда асосий жавобгарлик улардан фойдаланаётган шахслар, ташкилотлар ва психологлар зиммасидадир.

## **6.2. Тестларнинг классификацияси**

Психологияда тест деб ўрганилаётган хусусиятни ривожланганлик даражаси, миқдорий ва сифат кўрсаткичларини бир-бирига таққослаш имконини берувчи стандартлаштирилган психодиагностик методикага айтилади. Методиканинг стандартлаштирилган тушунчасини маъноси шундан иборатки, у воқеа ходисалардан бошлаб синалувчига бериладиган кўрсатмалар, ҳисоблаш усули, олинган натижаларни шарҳлаш билан тугайдиган, бутун жараённинг ҳаммаси доимо ва ҳар жойда бир хил қўлланилишига айтилади.

Тестлар ёрдамида олинган баҳоларни, агар тест тўғри қўлланилган бўлса, тест қачон, қаерда, қандай қилиб ва ким томонидан қўлланилгандан қатъий назар уларни бир-бири билан солиштириш, таққослаш деб юритилади. Ҳар хил психодиагностик методикаларда тестларнинг валидлик, ишончлилиқ, аниқлик ва бир хиллик мезонларига жуда қатъий талаблар қўйилади.

Тестларнинг жуда кўп турлари мавжуд ва уларни қўлланиш асосларига қараб бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин: тест предметлиги бўйича (сифати бўйича яъни айнан сифатни тестлар ёрдамида баҳолаш); тестларда топшириқлардан фойдаланишнинг алоҳида хусусияти; материаллар бўйича синалувчига талаблар; объект бўйича баҳолаш. Предметлиги бўйича тестлар интеллектуал шахсий ва шахслараро тестларга бўлинади. Тестларда топшириқлардан фойдаланишнинг алоҳида хусусияти бўйича амалий, образли ва сўзли тестлар. Тест материалларининг тавсифи бўйича синалувчига талаблар, бланкали ва аппаратуралл тестларга бўлинади. Объект бўйича баҳолаш — процессуал тестлар ютуққа эришиш тести, ҳолат ва хусусиятлар тести.

Интеллектуал тестлар шахсни ақлий фаолияти ривожланганлик даражаси ва уларни алоҳида билиш жараёнларини (идрок, диққат, ҳаёл, хотира, нутқ) баҳолашда қўлланилади.

Шахс тестлари инсоннинг барқарор индивидуал хусусиятлари, хатти-ҳаракатларини аниқлаш бунга: темперамент, характер, мотивация, эмоция ва қобилиятларни аниқловчи тестлар киради. Бундан ташқари шахсда ҳар томонлама, шахс ҳолатини комплекс баҳолаш ёки алоҳида хусусиятининг



ривожланганлик даражасини баҳолаш тестлари ҳам мавжуддир. Бунга Кэттелл, ММРІ ва бошқа тестлар киради.

Хусусий тестлар ёрдамида, шахснинг алоҳида белгилари, мотивлар, эмоциялар, масалан характер акцентуацияси, хавотирлик, локус назорати, ютуққа эришиш мотиви, тажовузкорлик ва бошқалар аниқланади.

Шахслараро тестлар ҳар хил ижтимоий гуруҳларда одамларнинг муносабати сифатида ижтимоий-психологик ўз-зини аттестация қилиш тести.

Амалий тестлар узига топшириқ ва шаклларни қамраб олади бунда синалувчи аниқ предмет материаллари ёки уларни алмаштирувчи материаллар билан кўргазмали-ҳаракатли режа билан амалий иш бажаради.

Образли тестлар, образлар, сурат, расм, чизма ва тассавурлар билан машқларни ўзи ичига олади.

Вербал тестлар сўзли топшириқлардан иборат унда тушунчаларни аниқлаш хулоса чиқариш, ҳар хил сўзларнинг маъносини англаш ва таққослаш ҳамда бу сўзлар билан ҳар хил мантиқий операциялари бажаришни ўз ичига олади.

Тестларда қўлланиладиган кўпгина топшириқлар комплекс характерга эга ва бу тестларда амалий, назарий, образли ва вербал топшириқлар мужассамлашган. Бу одамнинг реал ҳаётидаги кўп вазибалари комплекс характерга эга эканлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тестлар одамни реал ҳаётдаги ютуққа эришиш имконияти ва хулқини айтиб бериш учун ўтказилади.

Бланкали тестлар синалувчида тест материаллари сифатида ҳар хил шаклдаги бланкаларда фойдаланилади, масалан, расмлар, чизмалар, жадваллар ва саволномалар.

Аппаратурали тестлар бу шундай тестларки, унда тест натижаларини қайта ишлаш ва кўрсатиш учун ҳар хил турдаги аппаратуралар қўлланилади, масалан, аудио ва видеотехника, электрон ҳисоблаш машиналари.

Процессуал тестлар деб унинг ёрдамида қандайдир бир психологик ёки хулқий жараён ўрганилади ва унинг аниқ миқдор ва сифат даражасини аниқлаш жиҳатдан таҳлил берилади. Масалан, материалларни эсда олиб қолиш ҳамда индивидларнинг гуруҳда шахслараро ҳамкорлик жараёнига таҳлилини мисол сифатида келтириш мумкин.

Ютуққа эришиш тестлари кишининг қандайдир бир фаолиятида, билиш соҳасини қандайдир бир турида ютуғини баҳолашда қўлланилади, масалан, тафаккурнинг мантиқийлиги, диққатнинг барқарорлиги, вербал тафаккурнинг ривожланганлик даражаси.

Холатлар ва хусусиятлар тестлари шахс психологик сифатларининг барқарорлигини диагностика қилиш билан боғлиқдир, масалан, шахс хислатлари, темперамент хусусияти, қобилиятлари ва бошқалар.

Проектив тестлар махсус гуруҳга ажратилади. Проектив тест кишининг у ёки бу психологик сифатини тўғридан-тўғри эмас, балки бавосита баҳолайди. Бундай баҳолаш кишининг кўп маъноли объектларни қандай қабул қилиши ва

талқин қилишининг анализи натижасида олинади. Бунга: сурат сюжетининг ноаниклиги, шаклсиз доғлар, тугалланмаган жумлалар ва бошқалар киради. Бундай объектларни таҳлил қилиш ва баҳолашда киши онгсиз равишда ўз-ўзининг «проекциясини» кўрсатиб бериш деб юритилади.

Бу гуруҳ тестларига, Роршах тести, Тематик Апперцептив Тест (ТАТ) ва бошқалар киради.

Проектив тестлар синалувчининг яширин ва англанилмаган психологик хусусиятларини психодиагностика қилиш зарурати туғилганда қўлланилади.

Психодиагностик эксперимент метод сифатида камдан-кам воқеликда асосан кишининг зарур психологик сифатини бошқа усуллар билан аниқлаш ва баҳолаш имконияти бўлмаганда қўлланилади.

Процессуал тестлар, тадқиқотчини синалувчида кечаётган психик ва хулқий жараёнларнинг хусусиятлари қизиқтирганда қўлланилади, ютуққа эришиш тестлари эса кишининг қобилияти, кўникма ва малакаларини баҳолаш вазифасини ўтайди.

Интеллект тестлари кишининг интеллектуал тараққиётининг умумий кўрсаткичини аниқлаш ва миқдорий баҳолаш зарураги туғилганда фойдаланилади.

Психодиагностик методлар сингари тестларга ҳам қатъий талаблар қўйилади:

1. Тестнинг ижтимоий-маданий адаптацияси. Бу сўзлар тузилмаси тест топшириқлари ва тест баҳолари ҳамда синалувчига берилаётган ушбу тест топшириқлари ушбу жамият маданияти миллий қадриятларига мос бўлишлиги зарур деган маънони англатади. Масалан, Европада тузилган тест бошқа бир мамлакатда биринчи марта қўлланилаётган бўлса ва бу мамлакатда интеллект структураси сўз-манتيқий бўлмаса, балки образли ёки амалий тафаккурли бўлса, тест албатта ижтимоий маданий мослаштирилган бўлиши шарт. Агар тест мослаштирилмаган ҳолда, яъни қандай бўлса шундайлигича қўлланилса, у ҳолда биз жуда паст натижалар оламиз ва натижалар ушбу мамлакатда яшовчи кишиларнинг тафаккур тараққиётини кўрсаткичига мос келмайди. Ёки бунинг акси, яъни ушбу мамлакатда сўз-мантик тафаккури асосий ролга эга бўлса, тест топшириқлари амалий тафаккурга оид бўлса, у ҳолда биз ақлий тараққиётнинг ноадъекват кўрсаткичига эга бўламиз.

2. Тест топшириқларининг содда тузилганлиги ва бир маънолилиги. Ушбу талабга биноан, тестни сўз ва бошқа топшириқларида яъни, сўз, расмлар кишилар томонидан ҳар хил идрок қилиниши ва тушуниш моментлари бўлмаслиги керак.

3. Тест топшириқларини бажаришда вақтнинг чегараланганлиги. Бунда психологик тест топшириқларини бажаришда вақт 1,5-2 соатдан ошмаслиги, чунки киши ўзининг иш қобилиятини юқори савияда узоқ муддат ушлаб туриши жуда мушкулдир.

4. Ушбу тест учун меъёрларининг мавжудлиги. Тест меъёрлари деб, ушбу тестнинг репрезентативлигини ўртача кўрсаткичи тушунилади, яъни

кўп одамлардан тўплаб олинган кўрсаткичларнинг ўртача кўрсаткичи билан индивиднинг кўрсаткичини таққослаш ва унинг психологик тараққиётни аниқлаш тушунилади. Тест меъёрлари асосан синалувчиларнинг ёши, жинсини аниқ билган ҳолда, катта танлама гуруҳдан олинган натижаларининг ўртача баҳоси ва кейинчалик уларнинг ёши, жинси ва бир қанча релевант кўрсаткичларини дифференциялаш билан аниқланади.

Тест меъёрлари — бу кишилар тараққиётининг ўртача кўрсаткичи. Ҳар қандай меъёр, ўлчов ҳам вақти билан ўзгартирилиб турилади, чунки ишлар давомида кишиларнинг ҳам психологик тараққиётида ўзгаришлар бўлади, масалан, XX асрнинг биринчи чорагида кишиларнинг интеллектуал тараққиётига қўйилган меъёрлар, шу асрнинг охириги чорагига қўйилган меъёрларга тўғри келмайди, чунки ушбу йиллар мобайнида кишиларнинг ақлий тараққиёт кўрсаткичлари анча юқоридир.

Бундан ташқари эмпирик қоидалар мавжуд унга кўра камида ҳар беш йилда тест меъёрлари қайта кўриб чиқилиши шартдир, асосан бу интеллектуал тестларга таллуқлидир.

Тест меъёрлари қўйилган талаблардан ташқари, тест ўтказишни, натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни қатъий қоидалари мавжуддир. Булар қуйидагилардир:

1. У ёки бу тестни қўллаш учун психолог тест билан танишиб чиқиб, ўзида ёки бошқа бир кишида синаб кўриши керак. Бу тестни ўтказиш билан боғлиқ бўлган хатоликларни олдини олиш имконини беради.

2. Синалувчи тест топшириқларини бажаришидан олдин ва кўрсатмаларини яхши тушуниб олиши учун олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш.

3. У Тест ўтказиш вақтида, синалувчилар мустақил ишлаши, бир-бирига халақит бермаслигини ва таъсирини ўтказмаслигини назорат қилиб туриш, чунки бу тест натижаларини ўзгартириб юбориши мумкин.

4. Ҳар бир тест натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун асосланган ва аниқ ишланган математик-статистик усулларни олдиндан тайёрлаб қўйиш.

Тест турлари ва тест меъёрларига қўйилган талаблар ўрганиб чиқилди, энди тест меъёрларини репрезентативлиги, валидлиги, ишончлигига тўхталиб ўтиш лозим бўлади.

Тест тузилишининг асосий статистик принциплари 1980-йилларда В.С.Аванесов, А.Анастази, В.К.Гайда, В.П.Захаровларнинг адабиётларида тўлиқ ёритиб ўтилган. Аммо кўрсатиб ўтилган адабиётларда психометрик тестларнинг асосий муаммоси, тест меъёрлари, тўлиқ ёритиб ўтилмаган. Бу биринчи навбатда америкалик тестолог А.Анастазининг адабиётига таллуқлидир. Анастазининг яратган қўлланмаси, Фарб тестологлари томонидан иккита асосий принциплари зарурий танқидий муҳокамаларга эга бўлмайди, булар диагностик меъёрий сифати тарзида статистик меъёрларнинг

қўлланилиш муаммолари ва нормал модеч.чарга ҳамда эмпирик маълумотларнинг тақсимланиши ҳақидаги маълумотлар муаммоси.


Энди биз дифференциал асосий тушунчалар тизими тузилишининг қисқача контекстини анализ қилиб ўтамыз.

1. Тест шкалаларининг статистик табиати. Психодиагностикада типик ўлчов тести бу қисқа топшириқларнинг ёки пунктларнинг кетма-кетлиги, синалувчи томонидан топшириқлар бажарилиши натижасида сўнг уларнинг бир хил миқдорий таҳлил қилиниши демакдир. Масалан: алоҳида топшириқлардан тузилган интеллектуал тестларни интерпретация қилиниши: “ечими тўғри”, “ечими нотўғри”, “жавоб йўқ” (топшириқни ўтказилиб юборилиши, вақт етишмаслиги сабабли), шахсий саволномаларнинг таҳлил қилиниши: синалувчи томонидан таъкидланиши лозим бўлган; жавоблар кўрилиши: “тасдиқлаши”, “инкор қилиниши” (жавоблар, “рози эмасман», «йўқ»).

Умумий баллар калит орқали ҳисоблаб чиқилади, калит ҳар бир пункт бўйича сонлар билан ифодаланади. Масалан, топшириқнинг тўғри ечимига – “+1”, нотўғри ёки ўтказиб юборилганига — “0”. Бунда баллар тўғри жавобларнинг иқдорини кўрсатиб беради.

2. Психометрикада ўлчов муаммолари ва тест пунктларининг хусусиятлари. Ўлчов кўрсаткичи «эталон» ҳисобланади. Эталон бу - ўлчанаётган хусусиятга берилган катталиқни бир маромда сақлаб турувчи физик объектдир, дифференциал психометрикада бундай физик эталонлар мавжуд эмас. Психометрикада эталон ролини тестларнинг ўзи бажаради, буни шундай тушуниш керак, топшириқнинг мураккаблиги киши қобилиятига тўғри пропорционал катталиқ деб қараш мумкин. Яъни топшириқ қанча мураккаб бўлса, унинг ечимини топиш учун киши қобилиятининг даражаси шунча юқори бўлиши керак. Тест пунктларнинг кучи ва мураккаблигини тест ўтказиш ёрдамидагина аниқлаш мумкин. Мураккаблиқни аниқлаш «фоизли ўлчов» билан белгиланади, тест топшириқларига «тўғри» жавоб берган синалувчилар фоиз билан аниқланади, яъни «фоиз» қанча кичик бўлса мураккаблиқ шунча юқорида бўлади.

Тест пунктларнинг хусусиятини тест балларининг тақсимланиши кўрсатиб беради. Агар тест балларининг тақсимланиши эгрилиги ўнг томонли асимметрияга эга бўлса, унда тест мураккаб топшириқлардан тузилган, агар эгрилик чап томонли асимметрияга эга бўлса, у ҳолда тест топшириқлари содда тузилган ҳисобланади ва қуйидаги кўринишга эга:



а) ўнг



б) чап

### 6.3. Методикаларга қўйиладиган талаблар.

Педагогик-психологик эксперимент, тадқиқотнинг ишончли воситаси бўлиши ҳамда натижаларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш учун ва ушбу натижалар асосида тўғри хулоса чиқариш учун тадқиқотда қўлланилган психодиагностик методика илмий асосланган бўлиши керак, бунда методлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: валидлик, ишончлилик, бир сифатлилик ва аниқлик. Энди ҳар бир талабни алоҳида кўриб чиқамиз.

«Валидлик» атамаси Европа тилларидан олинган бўлиб, у қуйидаги маънони англатади: «тўлақонли», «яроқли», «мос». Психодиагностик методиканинг валидлик сифатидаги тавсифи унинг айнан ўрганилаётган психологик хусусиятга мўлжалланганлиги ва ушбу психологик хусусиятни баҳолашга мослиги ҳамда яроқлигини кўрсатиб беради.

Методиканинг валидлик тавсифи ўзига ушбу методика орқали ҳақиқатдан ҳам психологик сифатни ўлчаш мумкин дегап хулосадан ташқари унинг қўллаш мумкин бўлган соҳасини ва унинг шароитлари ҳақидаги маълумотларни ҳам ўзига қамраб олади.

Психодиагностик методиканинг валидлиги ҳақида мулоҳаза қилар эканмиз, валидликнинг бир нечта турлари борлигини ва уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш зарурдир. Валидлик — назарий, амалий, эмпирик, ички ва ташқи бўлиши мумкин.

Назарий валидлик — қўлланилган методика ёрдамида олинган кўрсаткичларни, бошқа методик воситалардан олинган кўрсаткичлар билан, яъни кўрсаткичлар орасида назарий асосланган боғлиқлик борлигини ва тадқиқ қилинаётган сифат кўрсаткичлари мослиги билан аниқланади.

Назарий валидликни битта назарияга таянган ҳолда, айнан бир хусусиятга тегишли ҳар хил методикалардан фойдаланиш натижасида олинган кўрсаткичларни корреляцияси билан текширилади.

Эмпирик валидлик — синалувчининг реакцияси ва хатти-ҳаракатини кузатиш орқали унинг ҳаққоний хулқидаги диагностик кўрсаткичларининг бир-бирига мослиги билан текширилади. Агар синалувчининг характерини қўлланилган методика ёрдамида баҳоласак, ушбу одамнинг ҳаётдаги характер кўринишини қўлланилган методикадан олинган кўрсаткичлар билан бир хил деб аниқласак, у ҳолда методикани эмпирик ва амалий валидли дсб ҳисобласак бўлади.

Эмпирик валидлик мезонлари бўйича методика одамларнинг амалий фаолият натижалари ҳамда ҳаққоний ҳаётий ҳуқуқларининг кўрсаткичларини таққослаш билан текширилади.

Ички валидлик — методикадаги топшириқлар, субтестлар, мулоҳазаларнинг умумий мақсадга мослигини англатади. Методикадаги субтестлар, топшириқлар ва ундаги саволлар қисман ёки бутунлай биз

ўрганаётган хусусиятни ўлчай олмаса, у ҳолда ушбу методика ички валидлик эмас ёки ички валидлик етарли даражада эмас, деб ҳисобланади.

Ташқи валидлик ҳам худди эмпирик валидликка ўхшаш, ундан фарқли томони шундаки, синалувчининг хулқига таалуқли асосий ташқи кўринишларнинг кўрсаткичлари билан методикадаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратилади.

Методикани тузиш жараёнида дарҳол унинг валидлигини баҳолаш жуда мураккабдир. Одатда методиканинг валидлигини текшириш ва аниқлашда методикани узок муддат қўлланилгандан сўнг у ҳақда хулоса чиқариш мумкин, чунки юқорида кўрсатиб ўтилган валидликнинг тўрт тури ҳам текширилиши зарурдир.

Валидликнинг турларидан ташқари унинг мезонларини билиш ақамиятга моликдир:

А) Хулқий кўрсаткичлар — синалувчининг ҳар хил ҳаётий воқеаликлардаги реакция ва хатти-ҳаракатлари;

Б) Синалувчининг фаолиятидаги ютуқлари: ўқув, иш, ижодий ва хоказолар

В) Ҳар хил назорат синов ва топшириқларнинг бажарилганлиги ҳақида маълумотлар.

Г) Бошқа методикалар ёрдамида олинган маълумотлар — валидлик ёки текширилаётган методикани бошқа методика билан боғлиқлигининг етарли даражадалиги.

Методиканинг ишончлилиги - методика ёрдамида барқарор, катий кўрсаткичларни олиш имкониятлари билан тавсифланади.

Психологик тест натижаларини назорат қилиш мураккаб омилларга тобедир ва бу қуйидагилардир:

-асбоб ускуналарнинг ўлчов сифати;

-психологик тестларнинг доимий релевант гавсифи;

-синалувчининг кўрсатмаларни тўғри тушуниши;

-синалувчининг хулқи, хатти-ҳаракати;

-синалувчининг долзарб психологик ҳолати.

Психодиагностик тадқиқот жараёнида ушбу омилларнинг ўзгариши ўлчовнинг ишончлилиги даражасини пасайтиради, чунки бу омилларнинг доимийлигини саклаб туришнинг имконияти йўқ, шунинг учун ҳам психодиагностик методиканинг юқори дарнжада ишончлилигига амин бўлиши жуда қийин. Ушбу омилларнинг асосийларидан бири методиканинг ўзини ишончлигидир, чунки қолган омиллар олинган натижаларнинг доимийлигига таъсир ҳиссаси анча кичикдир.

Психодиагностик методикаларнинг ишончлигини икки хил усул билан текшириб чиқиш мумкин:

1. Ушбу методика ёрдамида ҳар хил одамларда олинган натижаларни таққослаш;

2. Айнан бир хил шароитда методикани қўллаш ва ундан олинган

натижаларни таққослаш;

Методиканинг аниқлиги — психодиагностик тадқиқот пайтида бирор бир хусусиятни баҳолашда озгина ўзгартириш ҳам жавоб қайтарши кобилиятида намоён бўлади. Методиканинг аниқлигини техник ўлчов асбоб ускуналарнинг аниқлиги билан изохлаш мумкин. Масалан: сантиметрга бўлинган метрдан, милли-метрга бўлинган чизгич билан ўлчов аниқроқдир.

Психодиагностик методика қанчалик аниқ бўлса, ўлчовнинг сифати шунчалик юқори бўлади. Аммо амалий психодиагностикада ҳамма вақт ҳам ўлчовнинг аниқлиги баҳолашнинг юқори даражаси талаб қилинмайди. Масалан, бутун тадқиқотда танлама синалувчиларни иккига бўлиш керак бўлса, у ҳолда қўлланилаётган методика билан шунчага мос ҳолда бўлиниши керак, ундан кўпга ҳам, камга ҳам эмас. Агар синалувчилар бешта гуруҳга бўлиниши шарт бўлса, у ҳолда бешта ўлчов шкаласи бор методикани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади ва улар бешта пунктдан иборат бўлиши керак, масалан «ҳа», «йўқдан кўра ҳа», «ё ҳа, ё йўқ», «йўқ ҳадан кўра», «йўқ» шаклида. Методиканинг бир сифатлиги ушбу методика ёрдамида олинган натижалар қай даражада, айнан бир хусусиятга таалукли ўзгаришни ўлчаши билан тавсифланади. Агар ўрганилаётган хусусиятлардан олинган кўрсаткичлар, ушбу методика билан боғлиқ бўлмаган бошқа бир хусусиятни кўрсаткичларни намоён қилса, у ҳолда ушбу методика бир сифатлилиқ мезонига мос бўлмайди. Масалан, тадқиқотчини шахснинг хулқ мотивларини баҳолаш қизиқтирса, у синалувчининг хулқ мотивларига таалукли тўғридан-тўғри саволлар бериши мумкин, у ҳолда олинган жавоблар бир хиллик мезонига мос тушиши камдан-кам ҳолларда рўй бериши мумкин, чунки синалувчи ўз хулқ мотивларини англаган ҳолда экспериментаторга хулқ мотивларининг ижобий томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Ўқувчи, талабани фақат билимларни ўзлаштириши баҳолаш ҳам бир сифатлиқ мезонини тўлиқ қаноатлантира олмайди, чунки билимни ўзлаштирганга ҳамиша ҳам объектив баҳо қўйилмайди, бунда ўқувчининг билимларидан ташқари, унинг ўқитувчи билан муносабати ва ўқувчининг хулқи кўриниши ҳам намоён бўлади.

Психодиагностикада бирор бир методикани қўллашдан олдин тадқиқотчи ушбу методикани валидли, ишончли, аниқлиги ва бир сифатлилиқ талабларига жавоб бера олишига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши шарт. Айгиб ўтилган мезонлардан асосийлари: калидлик ва ишончилиқдир, агар ўлчов ускуналари бу иккала мезонга мос келмаса, у ҳолла психодиагностикада бу воситаларни умуман қўллаш мумкин эмас. Мабодо методиканинг аниқлиги ва бир сифатлилиги тўлиқ бўлмаса ҳам методикани аниқ шартлар асосида қўллаш мумкин. Аммо қуйидагиларни унутмаслик зарурдир:

- ноаниқ методика, ўтказилаётган эксперимент натижалари бирор бир хусусиятдаги кичик ўзгаришларни аниқлик имконини бермайди;

- методик бир сифатлилигининг тўлиқ эмаслиги, ҳамиша ҳам айнан баҳоланаётган хусусиятдаги ўзгаришлар даражаси билан олинган

кўрсаткичларни таққослаш имконини бермайди:

Психодиагностик натижаларга кўлланилган методикадан ташқари воқеа ҳамда ҳодисалар ҳам таъсир қилади., яъни берилган кўрсатмаларни синалувчи томонидан тўғри тушунмаслиги ва тест вақтида синовчининг хулқи ва шахс хусусиятлари ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Агар воқеаликни синалувчи имтихон сифатида қабул қилса, ўзгариш шу воқеликка мос тарзда тутади юқори хавотирли одамни хамиша ва ҳамма пайт юқори «хавотирлик» ҳолати камраб олади, ҳар қандай ҳодисани хавф сифатида қабул қилади. Кичик даражали хавотирли одам бунинг аксидир, яъни ўзини эркин тутади.

Синалувчиларнинг хулқи, хатти-ҳаракат ва уларнинг кўрсатган натижалари, кўрсатмаларни қандай тушуниши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кўрсатмаларнинг аниқ тузилиши ва уларни тез англаб олиниши, психологик ташҳисда қатъий талаблар қўйилади:

- кўрсатма содда ва тушунарли бўлиши;
- бир хил маънодаги сўз ва талаффузларни ўзига камраб олмаслиги;
- кўрсатмани иложи борича ёзма шаклда бўлишига (кўрсатма бераётган шахс, кўрсатмани ҳар хил паралингвистик таркибий қисмлар орқали ифодалаши мумкин: мимика, талаффуз, темп, пауза ва хатти-ҳаракатлар).

Баъзан тадқиқот натижаларига синовчининг хулқи ва хатти-ҳаракати ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, экспериментатор ҳақида синалувчининг фикри ижобий бўлса, унинг хатти-ҳаракати, муносабатида имкони борича синовчига яхши натижа беришга ҳаракат қилади. Бунинг акси бўлса, экспериментаторга нисбатан синалувчида антипатия бўлади.

Асосий кўрсатма: экспериментатор босиқ, мувозанатли, хатти-ҳаракати синалувчиларга нисбатан, яхши ва дўстона бўлиши керак.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Экспериментатор шахсига қандай талаблар қўйилади?
2. Психологияда тест деб нимага айтилади?
3. Методиканинг стандартлаштирилган тушунчаси нимани англатади?
4. Тестлар қандай классификация қилинади?
5. Психодиагностиканинг тамойиллари қайсилар?
6. Психодиагност шахсига қўйиладиган талаблар ҳақида нималарни биласиз?
7. Психодиагностиканинг маънавий-ахлоқий меъёрлари.
8. Тестларнинг турлари, меъёрлари.
9. Психодиагностик тадқиқотларни ўтказиш.
10. Психологияда тестларни қандай турларини биласиз?



## 7. Касбий лаёқат психодиагностикаси

### Мавзулар:

#### 7.1 Психодиагностик тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги

#### 7.2. Шахс психодиагностикаси

#### 7.3. Касбий психодиагностика

### 7.1 Психодиагностик тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги

Бундан олдинги саҳифаларда методларнинг нуқсони юзасидан мулоҳаза юритилган эди. Улардан фойдалинишда камчиликлар микдорини камайтириш учун муайян қоидаларга риоя қилиш лозим.

1) Баҳоланишга мўлжалланган шахснинг хусусиятлари етарли даражада аниқ ва бир хил маъноли қилиб аниқланиши шарт.

2) Агарда бир гуруҳ синалувчиларни бир неча хусусиятлар, фазилятлар бўйича баҳолаш зарурияти вужудга келса, у тақдирда яхлит гуруҳнинг ҳар қайси хислат бўйича баҳолаш тавсия қилинади.

3) Гала — самара моҳиятини эксперт томонидан тушунтириш ва уни бартараф қилиш заруриятини таъкидлаш тавсия қилинади.

4) Бир нечта мустақил экспертлар баҳолашини умумлаштиришда ўлчовнинг аниқлаш даражаси (ишончлилиги) ортади.

5) Махсус тайёрланган ва ўқиган экспертлар ишончлироқ, баҳолашга кодирдирлар.

6) Турли вазиятлар ва ҳолатларни узоқ муддат кузатишда баҳолашнинг аниқлиги юқори бўлади<sup>1</sup>.

Ўлчашда хатога қабул қилинган омилларнинг фарқланишига қараб тестлар ишончлилигини баҳолашга нисбатан уч хил ёндашув ҳукм суради.

I. Тест — рестест ишончлилиги.

Тест бўйича айни бир хил одамларни такрорий ўрганишнинг натижалари корреляцияси ишонччилик коэффицентига тенг. Ўлчашдаги нуқсонлар синалувчилар ҳолатларининг тафовути, такрорий синовнинг шароитлари ва ташкилий дақиқалари, жавобларни эсда олиб қолиш, матн билан ишлаш кўникмаларини эгаллаш жараёнлари билан тавсифланади.

II. Тестнинг параллел шаклларининг ишончлилиги. Тестнинг параллел шаклларининг корреляцияси ишонччилик коэффицентига тенг. Ўлчашдаги нуқсонлар юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари, тестнинг параллел шаклларини ижро этиш билан алоқадор операциялар ва ҳаракатлар хусусиятларидаги фарқлар билан тавсифланади.

---

<sup>1</sup> Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. – Т.: 2003. – 154 б.

III. Ишончлилик тестларининг гамогенлиги сифатида қўлланилиши мумкин. Мазкур ҳолатда методиканинг қисмлари ўртасидаги интеркорреляциясини ҳисоблаш воситаси билан ишончли баҳоланади, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида тест сифатида қаралади. Олинган корреляцион маълумотлар яхлит тестнинг ишончлилик даражасини ҳисоблашда аниқ формулага асосланиб фойдаланилади.

Ишончлиликдан фарқли ўларок валидлик тестларини баҳолаш билан уларнинг у ёки бу фаолиятдаги хусусиятлар ва роли тўғрисидаги тасаввурлар ўртасидаги мувофиқлик ўлчовидир.

Валидлик критериавий, концептуалли ва маъновий турларга ажратилади ҳамда улар ўзига хос талқини билан ўзаро тафовутга эгадир.

Критериавий валидлик тестнинг корреляция кўрсаткичи, алоҳида кўлами, унинг ташқи мезонлари билан ўлчанади. Ташқи мезон тестга боғлиқ бўлмаган маълум фаолиятнинг ўлчами ҳисобланади. Критериавий валидлик тест баҳолари билан қай йўсинда фаолияти хусусияти алоҳида киритганлигини кўрсатади. Критериавий валидлик кўпинча корреляция коэффиценти билан баҳоланади, ваҳоланки, бошқа методлардан фойдаланса ҳам бўлади.

Концептуалли валидлик тест кўрсаткичи билан ўлчанаётган хусусият моияти тўғрисидаги назарий тасаввурлар мувофиқлиги ўлчови бўлиб ҳисобланади. Концептуалли валидлик бирон статистик кўрсаткич билан ўлчаниши мумкин эмас, чунки у тест тўғрисидаги назарий ва эмпирик маълумотлар умумлашмасини таҳлил қилиш йўли ўрнатади. Концептуалли валидлик методикаси тест бўйича текшириш натижалари билан назарий башорат маълумотлари мувофиқлигида тузилган бўлиши керак. Бунга В.Д.Неблицин томонидан тақлиф қилинган методика асаб тизими хусусиятини баҳолашга хизмат қилиши ёрқин мисолдир.

Маъновий-валидлик ўрганилаётган индивидуал хислатлар хусусиятига тестнинг таркиби ва мазмунининг, мувофиқлиги экспериментал таҳлил қилиш йўли билан ўрнатади. Валидликнинг мазкур тури критериавий ўлчаш билан жипс алоқага эга, чунки баҳоланишга қаратилган ҳаракатлар ва операцияларнинг қатъий хусусиятлари умумий хислатлари алоқасидан ташқарида олиб қаралади.

## **7.2. Шахс психодиагностикаси**

Психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш жараёнида қуйидаги методларга, усулларга, мезонларга алоҳида аҳамият бериш изланиш илмийлигини оширишга хизмат қилади:

1. Маълумотлар олиш методи;
2. Шахс структурасини ўрганишдан олинган экспериментал маълумотларни таҳлил қилиш метода.

Маълумотлар тўплаш методига қуйидагича тасниф бериш мақсадга мувофиқ.

Шахс тўғрисида уч хил тарзда маълумот олинади ва улар учта манбага асосланади ҳамда «L» -, «Q» -, «T» -маълумотлар, деб аталади.

«L» маълумотлар. Шахснинг кундалик фаолиятидаги хулқ-атворини қайд қилиб бориш орқали олинади ва «L» маълумотлар «life record data». Аммо амалиётда инсон фаолиятини тўлиқ ва батафсил ёзиб боришнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун синалувчи шахсининг алоҳида бир фаолияти ёки ҳаёти ва фаолияти босқичини кузатиб бориш мақсадга мувофиқ. Масалан, неча марта тўғри жавоб беради, шунча қоида бузди. Бу воқелик кўпинча «L» маълумотларда эксперт баҳолашни тақазо этади.

«L» маълумотлар бошланғич маълумот тўплаш учун ўнғай методлардан бири бўлиб ҳисобланади. Баъзан «L» маълумотларидан бошқа методлар ёрдамида олинган натижаларнинг валидлигини аниқловчи ташқи мезон сифатида фойдаланилади.

«L» маълумотларнинг ишончилигини ошириш мақсадида эксперт баҳолаш жараёнида махсус талаблар қўйилади. Жумладан:

1. Баҳоланаётган фазилатлар кузатилаётган хулқ-атвор атамалари орқали аниқланиши лозим;

2. Эксперт хулқ-атвор кузатишни муайян вақт оралиғида амалга оширгани мақул;

3. Бир фаолиятни баҳолашда энг камида ўн нафар эксперт иштирок этиши мақсадга мувофиқ;

4. Синалувчиларни ранжировка (гуруҳлаш) қилаётган вақтда экспертлардан унинг битта фазилатини ёки бир нечта хислатларини баҳолаш тавсия этилади.

Q маълумот. Шахс тўғрисида сўровнома ва бошқа ўзини ўзи баҳолаш методлари асосида олинadиган маълумотларга «Q» маълумот («Questionnaire data») дейилади. Инструментал тузилиши ва қўлланилишининг афзаллигига кўра «Q» маълумот (сўровнома, ўзига ўзи ҳисоб бериш, ўзини ўзи баҳолаш шакллари) шахсни тадқиқ этишда марказий ўрин эгаллайди. «Q» маълумот олишга мўлжалланган методикалар психологияда етарли даражада. Улардан кенг кўламда фойдаланилаётганларидан бири кўп омилли шахс сўровномаси (MMPI), Калифорния психологик тести (CPI), 16 омилли шахс сўровномаси, темпераментни ўрганиш Гильфорд-Симмермам тести ва бошқалар.

Уларнинг камчиликлари: а) синалувчиларнинг қуйи интеллектуал ва маданий савияга эгаллиги; б) махсус билимлар ва интроспекция малакалари етишмаслиги; в) ишончсиз эталонлардан фойдаланиш.

«T» маълумот. Экспериментал вазият назоратини объектив тест билан олишга асосланган маълумотлар қисқача «T» маълумот («objective test

data») деб номланади. «Т» маълумот шахсни тадқиқ этишдаги янгича радикал ёндашув ҳисобланади. Улар хулқ-атвори ўзини ўзи баҳолаш ёки эксперт баҳоларсиз объектив ўрганиш орқали (вербал, новербал, ижтимоий ва индивидуал)олинади.

1. Тадқиқотнинг асосий мақсадини яшириш қолдириш Бу энг куп қўлланиладиган тактик усул ҳисобланади. Бунда қўйилган мақсад синалувчига айтилмайди. Тест ва тестнинг кўрсатмаси тадқиқотнинг ҳақиқий мақсадини яширган ҳодда тузилади. Синалувчига ёлғон мақсад очикдан-очик билдирилади.

2. Вазифани кутилмаган ҳолда бериш. Бу усулдан терговчилар сўров вақтида фойдаланишади, уларга ўхшаш тарзда тўсатдан берилади. Бу вақтда сўров қилинаётган киши нотўғри маълумот беришга интилади ва унга мавзуга боғлиқ бўлмаган ҳолда савол берилади. Бу унинг кутаётган вазиятларининг бузилишига ва ҳиссий стрессга олиб келиши мумкин.

3. Тестлаштириш мақсади аниқланмаганлиги ва ноаниқлиги. Бунда синалувчига кўрсатма бериладики, натижада у экспериментаторнинг мақсадини англаб етмаслиги зарур бўладики, унинг ижтимоий талабларига мувофиқ келувчи реакцияларида ўзгариш юз беради. Натижада синалувчига ижро этиш сифатини белгилончи мезонлар берилмаган ҳолда қандай бажариши эмас, балки нимани бажарилиши айтилади.

4. Дикқатни чалғитиш. Бу топшириқ бериш усули экспериментатор учун аҳамиятли бўлиб, экспериментаторни етарлича аҳамият касб этмайдиган топшириқларни ўйлаб топишига ёрдам беради. Чалғитувчи топшириқлар ташқи кўринишдан асосий топшириқларга ўхшаш тарзда бўлиши маъқул. Натижада ташкил этилган тестда синалувчи ўз хатти-ҳаракатларини кам назорат қилади ва ўз шахсининг очилмаган қирраларини ўрганишларига шубҳа уйғотмайди.

5. Тестлаштириш вақтида ҳиссий вазиятни ҳосил қилиш. Бу усул психологик амалиётда кенг қўламда фойдаланилади. Ҳиссий зўриқишлар ҳар хил йўллар билан ҳосил қилинади, масалан, берилган топшириқ нотўғри бажарилганлигини огоҳлантириш орқали, синалувчининг ташқи қиёфаси ва унинг лаёқатини баҳолаш.

6. Тестларнинг ҳиссий мазмун касб этиши. Бу усул олдингисига ўхшаб кетади. Бунинг фарқли томони ҳиссий вазиятлар қўшимча тарзда тузилмасдан, айнан тестининг ўзида берилади. Тест мазмунан этикавий бўлмаслиги, аралаш, ёқимсиз бўлиши мумкин.

7. Реакцияларнинг автоматлашуви ёзув, манера, экспрессив ҳаракатларни назорат қилиш ва хоҳишларни ўзгартириш шахслилик тестларида фойдаланилади.

8. Бунда шахсининг «ихтиёрсиз» индикаторлар сифатида кузатилаётган психик жараёнларга электрофизиологик, биохимик ва вегетатив ўзгаришлар киритиш орқали фойдаланилади.

9. «Фонли» индикатор. «Фонли» индикаторлар сифатида шахснинг хусусиятлари билан боғланишда бўлган организмнинг физиологик ва физик статусларидан фойдаланилади. «Фонли» индикаторлар сифатида антрометрик ўлчовлар қўлланилади: бўй, оғирлик, суяк-мускул оғирлиги, танадаги бошқа кўрсаткичлар ва пропорционалликлар киритса бўлади

### **7.3. Касбий психодиагностика**

Психология фанида бу соҳада муайян илмий изланишлар олиб борилган, ўзига хос ёндашишни амалга оширилган. Б.В.Кулагиннинг фикрича, касбни психодиагностика деганда одамнинг индивидуал хусусиятларини тадқиқ этиш ва баҳолаш мақсадида касбга саралаш, касб танлашга йўналтириш, номзодларни (даъвогарларни) ихтисосликка оқилона тақсимлаш, касбий тайёргарликни такомиллаштириш, касбий фаолиятни оптималлаштиришнинг амалий масалалари тизимини ечиш тушунилади.

Индивидуалликнинг моҳиятини тушунишга умумий ёндашиш касбга саралаш муаммосини ҳал қилишда бевосита аҳамиятга эга. Маълумки, касбга лаёқатлиликни ташхис (диагноз) қилиш инсоннинг касбий хислатларини ҳисобга олишга асосланади. Мазкур жараёнда қиёсий таҳлил орқали шахснинг хусусиятлари кўрсаткичлари билан касбий фаолиятнинг муваффақиятининг мустақил мезони даражалари аникланади. Ҳозирги замон психологиясининг маълумотларига қараганда, ташхис (диагноз) қилиш модели муайян математик алгоритмга асосланади. Гуруҳ учун ўртамиёна шахс имконияти танланганлиги фақат статистик самарага эга, холос. Бундай модель ташхис (диагноз) қилишда чекланганликка эга бўлиб, ташхиснинг мутлақ аниқлик даражасидан қуйироқдир.

Касбий фаолиятни таҳлил қилмасдан туриб, профессионал психодиагностика (касбий психологик) муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмас, яъни профессиография моҳияти ва унинг тузилишига эътибор қилиш зарур. Фақат шундагина фаолиятли ёндашув амалга оширилиб, унинг ҳаракатлари ва операциялари тестлар ёрдамида баҳоланиши мумкин. Чунки ҳаракатлар операциялар мазкур фаолиятнинг таркибини ташкил қилади, уларнинг қиёси таснифини эгаллаш жараёнини осонлаштиради, унга лаёқатли одамларни танлашга негиз яратади. Фаолият самарадорлигини ташхис қилиш ва баҳолаш учун тестларни саралаш, асослаш унинг муваффақияти ўлчови, мезонини аниқлашга имкон беради. Профессиография, (профессиограмма) натижаларини умумлаштириш натижасида касбларни таснифлаш (классификациялаш) имкони вужудга келади.

Касбий фаолиятнинг таҳлили мақсадга йўналтирилган ва ташкилий жараён ҳисобланиб, у уч босқичдан ташкил топган бўлади: а) касбий фаолият юзасидан маълумотлар тўплаш; б) олиган маълумот ва ахборотларни қайта

ишлаб чиқиш ҳамда умумлаштириш, уларнинг негизида профессиограмма тузиш; в) амалий ва назарий масалаларни ечиш учун профессиограммдан фойдаланиш (касбий фаолият муваффақиятини таъминловчи мезонлар танлаш, уни баҳолаш (ташҳис қилиш) учун тестлар саралаш, касбларни таснифлаш ва бошқалар).

Касбий фаолият юзасидан маълумотлар (ахборотлар) турли манбалардан олиниши мумкин.

1. Муайян мутахассисларнинг касбий фаолиятини кузатиш катта аҳамият касб этади.

2. Касбий фаолият тўғрисида маълумотлар тўплашнинг асосий методларидан бири бўлиб суҳбат-интервью ҳисобланади. Мутахассислар билан стандарт ёки ностандарт тарзда интервью уюштириш самарли натижа беради.

3) Баъзан касбий фаолиятнинг у ёки бу қирралари (жабҳалари)ни қайд қилувчи кундаликлар ёки варақлардан фойдаланилади.

4) Касб-ҳунар тўғрисидаги маълумотлар (ахборотлар) умумлаштирилади ва ҳар хил шаклларда мутахассислар ҳукмига ҳавола қилинади.

Касбий фаолият шахснинг муносабат ва мотивларидан иборат бўлиб, ҳаракатлар ва операцияларни назорат қилиш ҳамда бошқаришни қамраб олади. Фаолиятнинг динамик хусусиятларини ўрганиш учун унга кўпёклама ёндашишни амалга ошириш зарур. Фақат мотивацион ва регулятив жабҳаларини ҳисобга олиш билан касбий фаолият моҳиятини ифодалаб бўлмайди, модомики шундай экан, унинг шахсга оид, ҳиссий, когнитив ва операционал, иродавий жиҳатлар билан боғлиқ томонларини ҳам тадқиқот предметига киритиш лозим<sup>1</sup>.

Касбий фаолият муваффақиятини таъминловчи мезонлар сифатида шахснинг мақсадга эришувини тавсифловчи ҳар хил кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Мезонлар тариқасида касбий билимларга ва малакаларга нисбатан уқувчанлик, мутахассис фаолиятининг бевосита ва билвосита кўрсаткичлари унинг ҳамкорлик фаолиятига қўшган ҳиссаси кўлланилади. Касбий фаолият муваффақияти мезонлари қаторига қуйидагилар киритилади:

1) Самарадорликнинг тўғридан тўғри кўрсаткичлари: сифат, ишлаб чиқариш салмоғи;

2) Касбий тайёргарликни аниқловчи тестлар;

3) Касбий лаёқатини ифодаловчи маъмурий тадбир ва чоралар: интизомга тааллуқли чоралар, мукофотлаш, хизмат лавозимидан кўтарилиш, сафарга юбориш, намуна тариқасида стендга жойлаштириш;

4) Кадрлар кўнимсизлиги;

5) Нохуш ҳолатлар (кечинмалар) ва шикастлар (ҳалокатлар);

---

<sup>1</sup> Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. – Т.: 2003. – 154 б.

б) Фаолият самарадорлигини экспериментал текшириш ва ўзини ўзи баҳолаш кабилар.

Юқорида баён қилинган мезонлар маълум талабларга жавоб бериши шарт. Мезонларнинг релевантликлиги сифатида муҳим аҳамият касб этиш тушунилади.

Танлаб олинган мезонлар касбий фаолиятнинг барча нуфузли томонларини акс эттириш лозимлиги, яъни мезонлар тўлақонлиги. Улар мутахассисларнинг касбий лаёқатининг юксаклиги ва қуйидан даражаларини фарқлашга хизмат қилиши жоиз (мезонлар дискриминативлиги). Мезонлар хислатини очишга ёрдам берувчи унинг омилкорлиги, яъни амалий жиҳатдан қулайлиги муҳим ўрин эгаллайди ва у ўзининг соддалиги, кам меҳнат талаб қилиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Касбий лаёқатни (яроглиликни) аниқлашда одатда назорат, синаш натижалари қўлланилиди, (масалан дурадгорнинг иш сифати, тезкорлиги, вазиятни пайқашлиги ва бошқалар). Кўпинча мутахассиснинг лаёқати маъмурий ҳужжатларда ўз ифодасини топади (муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги қайд қилинади). Баъзан касбий лаёқатни урганишда бахтсиз ходисалар (ҳайдовчи, учувчи, машинист, оператор ва бошқа касб эталарида) ҳисобга олинди ва шахснинг индивидуал хусусиятлари баҳоланади.

Касбий лаёқатни аниқлашда укувчанлик категориясидан (билим олишга нисбатан зеҳнлилик фойдаланилади ва ўзлаштириш тезлиги, касби (тайёргарлиги, эришган натижаси мезон ролини ўйнайди.

Психология фанида касбий муваффақият маҳоратнинг қирралари эксперт баҳолаш методи ёрдами билан ўлчанади. Бунинг учун балли шкала жуфт (қуш таққослаш, тартибга келтириш (ранжировка қилиш) методлари қўлланилади.

Шкаланинг содда кўриниши балл билан баҳолашга мўлжалланган. Шкалани баҳолаш ўзига 5 тадан 7 тагача градацияни қамраб олади. Микдорнинг камлиги унинг дифференциациясини янада кучайтиради, фарқлар аниқлигини таъминлайди.

Баъзи ҳолларда балли баҳолаш график шкала тарзида ҳам учрайди (кесма, шакл, параметрик кўриниши ва ҳоказо). Лекин балли шкала касбий муваффақиятж баҳолашда айрим нуқсонларга ҳам эга. Айниқса, чет эл психологиясида қўлланилиб келинаётган «гало-эффект» методикаси бунга яққол мисолдир. Баҳоланувчи билан баҳоловчи муносабати бир нечта мустақил шкалалар негизида умумийликка боғлиқ тарзда баҳоланади. Натижада шахснинг хилма-хил хусусиятларини дифференциялаш имкони йўқолади, юзаки баҳоланиш жараёни юзага келади. Бунинг оқибатида орттирилган ва пасайтирилган баҳолаш типлари, кўринишлари намоён бўлади.

Аммо, балли шкала баҳолаш тизимини такомиллаштириш учун унинг барча босқичлар ва таркиблардан тузиш маъқул. Фақат шундагина яққол

мисоллар ва намуналар негизида касбий фаолиятнинг турлича самарадорлиги намоён бўлади.

Жаҳон психологиясида кенг қўлланилиб келинаётган методлардан бири — бу критик инцидентдир. Муайян ўлчамларга асосланган ҳолда ажратилган инцидентлар таснифланади (классификация қилинади), яъни таҳлил қилиш орқали инцидент хусусияти аниқланади. Иккинчи босқичда (у «претрансляция» деб аталади) биринчи босқичдан» мезонларга асосланиб янгитдан тасниф қилинади.

Касбий лаёқатни ўрганишнинг яна бир методи тартибга келтириш (ранжировка қилиш) дейилади. Ҳар хил вазиятларда кузатилган шахслар касбий лаёқати даражасига қараб муайян тартибга солиш, жиҳозлаш мумкин. Биринчи ранг даражасига киритиш учун касб субъекти касбий маҳоратнинг максимал кўрсаткичини намоёниш қилиши лозим. Камроқ муваффақиятга эришса, у навбатдаги рангга ўтказилади.

Мазкур жараёни осонлаштириш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

- 1) гуруҳнинг алифбовий рўйхатини тузиш;
- 2) максимал муваффақиятга эришти. субъектларни алоҳидалаш;
- 3) минимал муваффақиятга эришган субъектларни гуруҳлаш ва бошқалар.

Тартибга солиш (ранжировка қилиш) жуфт (*куш*) қиёслаш (таққослаш) методи ёрдами билан амалга оширилади. Бунинг негизида икки субъектнинг хислатлари, имкониятлари ўзаро солиштирилиб, умумий ва фарқли томонлари аниқланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг давлат ва жамият таълим олишга, касбий йўлни танлашга, касбга йўллаш учун ўқиш ва касб эгаллашга бўлган ёшларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга кафолат беради.

«Энг муҳими, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - ёшларга бирор-бир мутахассисликни эгаллашга имкон берамиз, ҳаётга ишончли йўлланма билан таъминлаймиз. Агар ҳаётга ишонч билан қадам қўяётган ёш инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олса, ўз-ўзидан маълумки, у ўз ишидан, тақдирдан қониқади (И.А.Каримов. Мафкура — бу халқни, жамиятни ва давлатни бирлаштирувчи байроқдир. -Т.: Ўзбекистоан, 1998 й, 21 бет)».

Илмий-амалий нуқтаи назардан касб танлаш касбий тайёрланиш, ёш мутахассиснинг ишга жойланиши ва ишдан қониқиши ўқиш ва меҳнат мотивациясининг шаклланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

## **Савол ва топшириқлар**

1. Психодиагностик тестларнинг ишончлилиги нима?
2. Психодиагностик тестларнинг ишончлилигини баҳолашга нисбатан қандай ёндошувлар мавжуд?



3. Психодиагностик тестларнинг валидлиги нима?
4. Психодиагностик тадқиқот ўтказиш жараёнида қандай метод, услуб, мезонларга эътибор бериш изланиш илмийлигини оширади?
5. Касбий психодиагностика нима?
6. Профессиограмма қандай тузилади?
7. Касбий фаолият муваффақияти мезонларига нималар киради?
8. Критик инцидент методи нима?
9. Касбий лаёқатни ўрганишда қўлланиладиган тартибга келтириш (ранжировка қилиш) усули қандай?
10. Методиканинг валидлиги, валидлик турлари, мезонлари.
11. Методиканинг ишончилиги.
12. Методиканинг аниқлиги ҳақида нималарни биламиз?

## Иккинчи боб. Психодиагностиканинг амалий асослари

### 8. Касбий хусусиятларни аниқлаш усуллари

#### Мавзулар:

#### 8.1. Касб танлаш мотивини аниқлаш

#### 8.2. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш тести

#### Касб танлаш мотивини аниқлаш.

**Кўрсатма:** “Қуйида ҳар қандай касбни характерловчи мулоҳазалар келтирилган. Уларни диққат билан ўқиб чиқинг ва улар сизни шу ҳозирги ўзингизни танлаган касбни танлашингизга қай даражада таъсир этганлигини баҳоланг. Ўз жавобларингизни тегишли катакчага “+” белгисини қўйиш билан белгиланг”.

Ўзингиз ёқтирган касб, мутахассисликни ёзинг \_\_\_\_\_

Т/р	Тасдиқлар	Жуда кучли	Кучли	Ўртача	Кучсиз	Мутлақо
1	Турли хил одамлар билан мулоқотда бўлишни талаб қилади.					
2	Ота-онамга ёрдам					
3	Ката маъсулият ҳиссини талаб қилади					
4	Янги яшаш жойига кўчиб ўтиш имкониятини беради					
5	Менинг қобилиятларимга мос келади					
6	Ўзимизда бор бўлган асбоб-анжомлар, жиҳозлар билангина кифояланиш имконини беради					
7	Одамларга фойда келтириш имкониятини беради					
8	Ақлий ва жисмоний ривожланиш имкониятини беради					
9	Катта ҳақ тўланадиган иш					
10	Уйимга яқин жойда ишлаш имкониятини беради					
11	Обрўли ҳисобланади					
12	Касб маҳоратини ўстириш учун имкон беради					
13	Ҳозирги мавжуд шароитда ягона мумкин бўлгани шу...					

14	Раҳбарлик ишига қобилиятликни намоён қилиш имкониятини беради					
15	Қизиқарли, ўзига жалб қиладиган					
16	Мактабда ёқтирган фаним					
17	Менинг ўртоқларим танлашган					
18	Ижодкорликни намоён қилишга катта имкониятлар беради					
19	Меҳнатнинг яхши натижарига тезда эришиш имкониятини беради					
20	Ишдан ташқари вақтда ҳам касбий малакалардан фойдаланиш имкониятини беради					

### Натижаларни баҳолаш

Жавоблар куйидагича баҳоланади: «жуда кучли» - 5, «кучли» - 4, «ўртача» - 3, «кучсиз» - 2, «мутлақо таъсир қилмаган» - 1.

1,5,8,15,20 – тасдиқлар «И» - ички индивидуал аҳамиятга эга бўлган мотивлар.

3,7,12,14,17 – тасдиқлар «С» - ички ижтимоий-аҳамиятли мотивлар.

2,6,11,13,18 – тасдиқлар «+» - ташқи ижобий мотивлар.

4,9,10,16,19 – тасдиқлар «-» - ташқи салбий мотивлар.

Қайси мотивлар бўйича умумий баллар йиғиндиси энг кўп, бу синалувчида шу мотивациянинг кучлилигини билдиради.

### 8.2. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш тести

Сизга тавсия қилинаётган тест саволлари педагогик фаолиятнинг психологик диагностикасига бағишланган. Шунинг билан бирга, бу маълумотлар мамлакатимиздаги халқ таълими тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шахсий ва касбий сифатларингиз ҳақидаги маълумотлар.

Сиз учун куйидаги жараёнлар учун фойдали бўлади:

- аттестацияга тайёрланиш кезида;
- шахсий-касбий сифатларни ривожлантиришда ва ўз устингизда ишлашни такомиллаштиришда;
- ҳаёт-фаолиятингизни қандай ташкил қилишни белгилаб берувчи ўзингизни “Мен”- концепция бўйича (ўзингиз ҳақидаги тасаввурни) баҳолашингизда.

Ушбу тажрибада иштирок этганингиз учун сизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Хар бир фикрга "ҲА" (+) ёки "ЙЎҚ" (-) белгисини қўйиш билан жавоб беришингиз мумкин.

1. Танишларимнинг кўплари мени ёқтиришса керак, деб ўйлайман.
2. Камдан-кам гапим ишимга тўғри келмайди.
3. Кўпчилик одамлар ўзларига ўхшаш томонларини менда кўришса керак, деб ўйлайман.
4. Мен ўзимни баҳолашга ҳаракат қилганимда, энг аввало камчиликларимни кўраман.
5. Мен шахс сифатида одамларни ўзимга жалб қила оламан, деб ўйлайман.
6. Ўзимга мени ёқтирган одамнинг кўзи билан қараганимда, шахсий образи ҳақиқатан қанчалик узоқлиги туфайли нохуш ҳислар тугилади.
7. Баъзан ўзини ўзи аяшни гуноҳ эмас, деб ҳисоблайман.
8. Менинг "МЕН"им ўзим учун хар доим қизиқарлидир.
9. Шахсий ҳаётимда минга ҳаддан зиёд қалбан яқин бўлган одамларим бўлган.
10. Ўзимни ўзим ҳурмат қилишим учун ўз имкониятимни янада ишга солишим жоиз.
11. Ўзимни ўзим жуда ёмон кўрган вақтим бўлган ва у бир марта эмас.
12. Мен тўсатдан пайдо бўлган хоҳишимга тўла ишонаман.
13. Ўзим ҳам шахсиятимдаги кўп нарсаларни ўзгартиришни истайман.
14. Мен учун шахсий "МЕН"им алоҳида ҳислатларни ҳурматта сазовордек бўлиб туюлмайди.
15. Менинг ҳаётимда ҳамма нарса орзу қилганимдек бўлишини сидқидилдан хоҳлайман.
16. Мен бировга таъна тошини ёғдиришдан кўра, энг аввало ўзимни айблайман.
17. Тўсатдан танишган одам учун кўпроқ ёқимли шахсдай туюламан.
18. Мен кўпинча ўз режаларимни ва хатти-ҳаракатларимни қўллаб-қувватлайман.
19. Шахсий заифликларим менда ғазаб туйғусига ўхшаш кечинмани ўйғотади.
20. Мабодо мен руҳан икки киши бўлиб қолсам, у ҳолда ўзимнинг иккинчим билан қизиқарли суҳбат қилган бўлардим.
21. Ўзимнинг баъзи бир ҳислатларим менга бегонадек бўлиб туюлади.
22. Кимнингдир шахсиятида менга ўхшаш томони борлигини ҳис қилолмайман.
23. Ўйлаган режамни амалга ошириш учун қобилиятим ваимкониятим етарли.
24. Мен кўпинча ўз устимдан кулмаган ҳолда ўзим билан ўзим ҳазиллашаман.

**25.** Инсоннинг шахсий ҳаётида қиладиган энг ақлли иши – бу ўз тақдирига ўзи тан беришидир.

**26.** Биринчи қарашда бегона одам менга қараганда ўзгалар хусусиятларини топганга ўхшайди.

**27.** Агар мен бирор ваъда қилган бўлсам, афсуски, бу худди айтганимдай иш тутаман, деган сўз эмас.

**28.** Ўзимга нисбатан муносабатимни дўстлик муносабати, деб атаса бўлади.

**29.** Шахсий камчиликларга мурувватлилиқ – бу табиий ҳолдир.

**30.** Севган одамим учун қизиқарлик манба бўлишлиқ менинг қўлимдан келмайди.

**31.** Қалбимнинг тубида мен билан қандайдир муддат фалокат юз бераётгандай туюлади.

**32.** Мен ўз танишларимнинг кўпчилигига ёқимтой бўлиб туюлсам керак.

**33.** Мени севадиган одамимнинг кўзи билан ўзимга қараш жуда ёқади.

**34.** Менда хоҳиш-истак пайдо бўлганда, аввало ўзимдан-ўзим "бу ақлданми?" деб сўрайман.

**35.** Баъзан менга шундай бўлиб туюладики, қандайдир донишманд руҳий дунёни кўра олганида эди, ўзимнинг қанчалиқ қашшоқ эканлигимни дарҳол англаган бўлар эдим.

**36.** Гоҳо ўзимдан ўзим фахрланам.

**37.** Мен ўзимни баҳолайман, десам бўлади.

**38.** Мен ҳақиқатдан нуфузли одам эканлигимга қалбимнинг туби билан ҳеч ишонгим келмайди.

**39.** Бегона одамларнинг ёрдамисиз мен кўп нарсаларни уддалай олмайман.

**40.** Баъзан мен ўзимни ўзим тушуна олмайман.

**41.** Мақсадга йўналганлик, иродавий сифат ва қувватнинг етарли эмаслиги менга жуда ҳалал беради.

**42.** Бошқалар мени етарли даражада юқори баҳоласалар керак, деб ўйлайман.

**43.** Менинг шахсимда қанадайдир бошқаларни ўта ёқтирмаслик тўғрисига ўхшаш нимадир бор.

**44.** Кўпчилик танишларим мени унчалиқ жиддий одам, деб қабул қилмайдилар.

**45.** Менда доимо кўзгатувчилик ҳисси мавжуд бўлганлиги туфайли ўзимдан ўзим қувонаман.

**46.** Мен ўзимни ўзим ҳурмат қиламан, деб айта оламан.

**47.** Ҳатто менга салбий ҳислатлар ҳам бегона эмас.

**48.** Асосан, мен қандай мавжуд бўлсам, худди шу нарса мени қониқтиради.

**49.** Мени бошқалар чинакамига сева олмасалар керак.

50. Менинг орзуларим ва режаларим ушалишига амалий ифода этишмайди.

51. Агар менинг руҳан иккинчи "Мен"им бўлганида эди, у мулоқотда мен учун энг зерикарли шерик бўлар эди.

52. Ўйлайманки, ҳар бир қандай ақлли ва билимли инсон билан умумий тил топишса бўлади.

53. Мендаги руҳий кечинмалар, мен учун тушунарлидир.

54. Менинг ижобий фазилатларим нуқсонни ёпиб кетади.

55. Мени виждонсизликда айблайдиган одамлар топилмаса керак.

56. Менда кўнгилсизлик содир бўлса, ўзимга-ўзим "қилмишинга ярашада" деб айтаман.

57. Умуман мен ўз тақдиримга бефарқ эмасман, деб айта оламан.

### **Натижалар таҳлили:**

"ҲА" (+) "ЙЎҚ" (-) деб жавоб берилганидан қатъий назар, жавобингизни қалитга мослиги 12 балл баҳо олишингиз учун имкон беради.

**I. Ўзимнинг "Мен"идан "Рози" ёки "Норози" бўлиш интеграл ҳисси устуни.**

"ҲА"- 2, 5, 23, 27, 33, 42, 46, 48, 52, 53, 57.

"ЙЎҚ"- 6, 9, 13, 14, 16, 18, 30, 35, 38, 39, 41, 43, 45, 49, 50, 56.

Натижалар таҳлили:

0-10 балл – Сиз кўпроқ ўз "Мен"ингиздан норозисиз.

11-20 балл – Сиз ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрда эмассиз, шунингдек, ўзингизга ижобий муносабатингиз сақланган.

21-28 балл. Ўзингиз ҳақингизда жуда юқори фикрдасиз, ўз "Мен"ингизда тўла розисиз, баъзан бу ҳолат ўзликка танқидий ёндашмасликни ва ўз атрофингиздаларига қарши кўйишни юзага келтириши мумкин.

**II. Ўзини ўзи ҳурмат қилиш устуни**

"ҲА" - 2, 23, 53, 57.

"ЙЎҚ" - 8, 13, 25, 27, 31, 38, 39, 40, 41, 50.

0-5 балл – Сизда мустақилликка, шахсий кучга, қобилият ва имкониятларга ишонч етарли эмас.

6-10 балл – Сиз ўзингизни етарли даражада ҳурмат қилсангизда, лекин ҳар қалай ўзингизга ишонмаслик, ўзингизга тушунмаслик, изчилликдан четлашиш, шахсий имкониятларга шубҳа билан қараш ҳолати баъзида учраб туради.

11-14 балл – Сиз ўзингизни юксак даражада ҳурмат қиласиз.

Сиз ўзингизга ишонасиз ва мустақилсиз.

**III. Ўзини ўзи ёқтириш устуни.**

"ҲА"- 12, 18, 28, 29, 37, 46, 48, 54.

"ЙЎҚ"- 4, 9, 11, 16, 19, 24, 45, 56.

0-5 балл – Сиз кўпроқ ўзингизга "душман"га қарагандек қарайсиз, ўзингизга танбеҳ беришга, гуноҳкор деб ҳис қилишга, ўзингизни айблашга мойиллик бор.

6-11 балл – Умуман олганда, ўзингизни қўллаб-қувватлайсиз, ижобий баҳолайсиз, ўзингизга ишонасиз, шу билан бирга ўзингизни айблашга тайёрсиз.

11-16 балл – Сиз ўз "Мен"ингиз билан “дўстона” муносабатдасиз. Бундай ҳолда ўз ҳисларингизни ва умумий хулқингизни юксак даражада назорат қилишингиз зарур.

#### **IV. Атрофдагилардан кутилаётган муносабат устунни.**

"ҲА"- 1, 5, 10, 15, 42, 55.

"ЙЎҚ" - 4, 26, 30, 32, 43, 44, 49.

0-4 балл – Сиз атрофингиздаги одамлардан салбий муносабатни кутасиз, ҳатто меҳр-муҳаббати сиз учун зарур инсонлардан ҳам яхши муносабат кутмайсиз. Сиз ўзингизга яхшилиқни чинакам раво кўрмайсиз. Ваҳоланки, ўзингизни бошқаларга ўхшамайдиган, илоҳида шахс деб ҳисоблайсиз. Бу ҳолат сизга ўзқликни ҳурмат қилишни оширадиган вазифаларни олдингизга қўйишга тўсқинлик қилади.

5-6 балл – Атрофингиздаги одамлар орасида сизга салбий муносабатда бўладиган борлигини билсангиз ҳам, лекин уларнинг барчаси ижобий муносабатдалар, деб ўйлайсиз. Бу ҳолат сизда уларнинг муносабатларига муносон бўлишга, ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилишга, ташқи қиёфангизга эътибор беришга, ўзингизни назорат қилишга интилишни вужудга келтиради.

10-13 балл – Атрофингиздаги одамларнинг сизга ижобий муносабатда эканликлари тўла ишонасиз. Бу ишониш сизга ўзингизга нисбатан ҳурматингиздан тобора орттиради. Сизга шахсингизни кадр-қимматлигига ишонасиз ва фаолиятингизнинг самарали бўлиши атрофингиздаги одамлардан кутаётган муносабатингизга боғлиқ. Атрофингиздагиларнинг сиз ҳақингиздаги тасаввурларини сақланиб қолиш учун доимо ўз устингизда ишлашингиз зарур.

#### **V. Ўз шахсиятига қизиқиш устунни.**

"ҲА"-7, 17, 20, 33, 34, 52.

"ЙЎҚ"-14, 51.

0-2 балл – Сиз ўзингизга (қисман ўз фикрингизга ва ҳисларингизга) ўзингиз яқин эмассиз (реал "Мен" ва идеал "Мен" афсуски, ўзингизнинг шахс сифатида бошқалар учун қизиқарсиз эканлигингиз ҳақидаги фикр мавжуд.

3-6 балл – Сиз ўзингиз билан "тенглик" асосида муомала қила оласиз, бошқалар учун қизиқарли эканлигингизни эътироф этмайсиз. Шунингдек, сиз ўзингизни атрофдагилар учун қизиқарли эканлигингизга ҳар доим ҳам ишонавермайсиз.

Ўйлаб кўринг, бу балки сизни умуман қандай бўлиш кераклигини билмаслигингиз билан боғлиқдир. Эҳтимол, сиз у ёки бу сифатларингизни

қай даражада ривожланмаганлигини биларсиз ва шунинг учун атрофдагилар учун сизнинг "Мен" ингиз қизиқарли эканлигига шубҳангиз мавжуддир.

7-8 балл – Сиз ўзингизни бошқалар учун ва ўзингиз учун қизиқарли эканлигингизга ишонасиз. Бу сизнинг фаолиятингизни самарали бўлишга олиб келади.

**VI. Ўзига ўзи ишонч устуни.**

"ҲА"-2, 23, 34, 42, 46.

"ЙЎҚ"-32, 43, 44.

0-2 балл – Сиз ўз "Менингизни" салбий баҳолашни кутишга тайёрсиз.

3-6 балл – Сиз атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабатлари, фикрлари ва хатти-ҳаракатларини танқидий реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан бўладиган ички турткиларингиз сизнинг шахсий сифатларингиз ва хулқингиздан келиб чиқади.

7-8 балл – Сиз ўз "Мен"ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу ҳолат сизни ўз менингизга ижобий йўналтиради, фаолиятингизни жадаллаштиради.

**VII. Ўзгалардан кутилаётган муносабат устуни.**

"ҲА"-1, 5, 10, 52, 55.

"ЙЎҚ"-32, 43, 44.

0-2 балл – Сиз ўз "Мен"ингизни салбий баҳолаш кутилмасига тайёрсиз.

3-6 балл – атрофдаги одамларнинг ўзингизга нисбатан муносабати, фикри ва хатти-ҳаракати танқидий ҳамда реал баҳолайдиган одамсиз. Ўзингизга нисбатан йўналтирилган ички турткиларингиз сизни шахсий сифатларингиз ва сифатларидан келиб чиқади.

7-8 балл – Сиз ўз "Мен"ингизни атрофдагилар томонидан кўпроқ ижобий баҳолашни кутасиз. Бу сизни ўз "Мен"ингизга ижобий йўналтиради ва фаолиятингизни жадаллаштиради.

**VIII. Ўзини ўзи қабул қилиш устуни.**

"ҲА"-12, 18, 28, 47, 48, 54.

"ЙЎҚ"-21.

0-2 балл – Ўзингиз бутун вужудингиз билан ўзингизга ёқмайсиз. Шахсий ва касбий сифатларингиз устида ўйлаб кўришингиз ҳамда ўз устингизда ишлашингиз зарур.

3-5 балл – Ўзингиз ҳақингиздаги фикрларингизда қарама-қаршилиқлар мавжуд. Ўзингизнинг "Мен"ингизда нима сизга маъқул ва нима номаъқул эканлигини аниқланг. Ўз менингиз устида ишлашингиз ўзингизга нисбатан ижобий интилишларингиз шаклланишга олиб келади.

6-7 балл – Ўзингизни қабул қилиш ўлчовингиз етарли даражада юқори. Бу ўзингизни намоён қилиш эҳтиёжингиз-борлигини билдириб, ўз «мен»ингизга нисбатан ижобий муносабатингизни қўллаб-қувватлайди.

**IX. Ўзига ўзи раҳбарлик қилиш устуни.**

"ҲА"-50, 57.

"ЙЎҚ"-25, 27, 31, 35, 36.



0-2 балл – Сиз ўзингизга айтишингиз зарур: "Афсуски, мени бирор айтган гапим, айнан шундай хатти-ҳаракат қилишимни билдирмайди".

3-5 балл – Сиз муваффақиятга фаолиятингиздаги маълум изчилликни таъминловчи ички муносиблик орқали эришасиз. Шунга қарамай, сизнинг "Мен"ингизда баъзи психологик келишмовчилик ҳар қалай бор. Нима учун? Эҳтимол, ҳар доим ҳам ҳулқингизда изчиллик бўлмаслиги ва уни етарли назорат қилинмаслиги, режаларнинг нореаллиги бунга сабабдир.

6-7 балл – Сизда фаолиятга нисбатан изчиллик, ўз қобилиятингиз ва имкониятингизга ишонч, ўзини тушуниш, ўзини назорат қилиш етарли даражада намоён бўлади.

#### **Х. Ўзини айблаш устуни.**

"ХА"-3, 4, 9, 11, 16, 24, 25, 56.

0-2 балл – Сизда ўзингизга ҳеч қандай танбеҳингиз йўқ. Ўзингиздан кўнглингиз тўқлиги содир бўлаётган ҳодисалар учун жавобгарликни соқит қилишни ва жавобгарликни ташқи омилларга юклашга мойилликни келтириб чиқаради. Ўзингизга танқидий қарашга ҳаракат қилинг.

3-6 балл – Сизни ҳар доим ҳам ўзингиздан кўнглингиз тўлавермайди ва бу ўзингиздаги мавжуд хислатларингизга мос келади. Кўпинча одамда ўзини ўзи баҳолаш қарама-қаршиликлардан иборат бўлади. Шунингдек, ўзини психологик ҳимоя қилиш ўз айбини эътироф этишдан ташқари ташқи сабаблар орқали ўзини оқлашдан холи эмассиз.

7-8 балл – Сиз ўзингизни танқид қиласиз, виждонлисиз, ўзингизни камситишга, "айбдор" деб ҳис қилишга, Ўзига ўзи танбеҳ беришга мойиллик бор. Бу ҳолат ўз имкониятларингизни паст баҳолашни вужудга келтирганлиги туфайли ҳар доим сизнинг фаолиятингизга ижобий таъсир этмайди.

#### **ХI. Ўзига ўзи қизиқишни ифодалайдиган устун.**

"ХА"-17, 20, 33.

"ЙЎҚ"-26, 30, 49, 51.

0-2 балл – Сиз ўзингиз учун қизиқарли эмассиз, чунки ўзингизнинг кўпгина шахсий хусусиятларингизни салбий баҳолайсиз. Бу сиз учун бошқаларга ҳам қизиқарсиз бўлишингиз омили ҳисобланади.

3-5 балл – Сиз атрофийгиздаги одамлар учун ҳам, ўзингиз учун ҳам маълум даражада қизиқарлисиз. Ваҳоланки, сизда шахсий хусусиятларингиздан ва иш сифатларингиздан қониқмаслик бор. Бу камчиликларингиз устида ишлаш ва сизни ўзингизга танқидий муносабатда бўлишингиз ўзингизни такомиллаштиришингизнинг асосий йўлидир.

6-7 балл – Сизнинг "Мен"ингиз сизни етарли безовта қилади. Сиздаги Ўзига ўзи қизиқиш юксак даржага эга бўлиб, ўзини ўзи севишга айланган. Умуман олганда, бу ёмон эмас, агар ушбу фаолиятни бажарилиши жараёнида намоён бўладиган юқори даражадаги маҳорат билан уйғунлашган бўлса, зотан атрофингиздаги одамларнинг сизга нисбатан танқидий муносабатлари ва ўзингизга юқори баҳо беришингиз заминида юзага келиши мумкин бўлган

низоларни олдиндан билишингиз сизга ҳалақит бермайди. Кўпроқ инсонпарварлик ва фаолиятингиздаги назорат сиз учун фақат фойдалидир.

## **ХП. Ўзини ўзи тушуниш устуни.**

"ҲА"-53.

"ЙЎҚ"-6, 8, 13, 15, 22, 40.

0-2 балл – Сизда аниқ ички изчиллик, ёрқин тасаввурлар, ҳислар ва ғоялар йўқ. Ўзингиз билан ўзингиз ёмон муносабатдасиз.

3-5 балл – Ўзингиз билан ўзингиз юқори даражада келишасиз деб айтиб бўлмайди. Лекин сизда ўзингизни тушунмаслик намоён бўлмайди. Ўзингизга ижобий муносабатни қувватлаш тактикаси сизни ҳаётингизда ҳокимлик қилади.

6-7 балл – Сиз ўзингиз билан руҳан келишган ҳолда яшайсиз.

Шундай қилиб, сизнинг тўплаган йиғидингиз қуйидаги рақамни ташкил қилса:

0 баллдан 52 баллгача, бу кўрсаткич ўзингизга салбий муносабатда эканлигингизни билдиради. Бу ҳолат нисбатан барқарор бўлган, озми ёки кўпми даражада англанган, индивиднинг ўзи ҳақидаги тасаввурларининг бетакрор тизими сифатида ҳис қилинган. "Мен-концепцияси"ни салбий йўналишда намоён бўлишига таъсир қилади. Ваҳоланки, бунинг заминида, сизни атрофдагилар билан ўзаро таъсирингиз ва ўзингизга муносабатингиз шаклланади. "Мен – концепцияси-ички қарама-қаршиликларда ҳал бўлмаган шахсий "Мен"нинг яхлит образидир.

Салбий Мен – концепциясига эга бўлган одамлар ортиқча ваҳималилиги, тез хафа бўлиши, ўзини камситишига ва эътироф этишга мойиллиги билан ажралиб турадилар. Улар учун мулоқот билан, ижтимоий шахсий масалалар билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар характерлидир.

Юқорида баён этилганлар, уларнинг педагогик фаолиятига салбий таъсир ўтказмай иложи йўқ. Шунингдек, "Мен-концепцияси" билан касбий фаолият самарадорлиги ўртасидаги муносабатни уларни ўзаро боғланиш тизимини ўрганмасдан туриб, аниқ айтиб бўлмайди.

53 баллдан 105 баллгача: Бу кўрсаткич касб эгасининг "Мен концепцияси" ва ўзига муносабати ижобий эканини кўрсатади. Атрофингиздагилар орасида сиз етарли даражада обрўлисиз. Битирувчиларингиз сизни узоқ вақтгача унутишмайди. Қўл остингиздагилар хотирасида шундай қиёфада сақланиб қоласиз; "Ҳа, бизнинг бошлиғимиз ҳаққоний, раҳмдил эди, одамларга ғамхўрлик қиларди". "У ўз касбини яхши биларди, муомалани яхши ташкил қилар эди, кўтаринки руҳини сақлаб қоларди", "Унинг гуруҳда илиқ, ёқимли шароит мавжуд бўлиб, ҳамма қизиқиб ишларди", "Бизни деб, у жуда кўп танбех ва гап эшитарди, биз уни тушунардик ва ўзимизни тузатишга ҳаракат қилардик". "У бекорчиларни ёқтирмас эди ва камдан-кам" ўзидан чиқаради ва ҳақозо.

Одатда одамлар билан муомала қилишни биладиган бундай касб эгаси обрўли бўладилар. Шу билан бирга, эгилувчанлигини ва эксперимент

ўтказишга нисбатан қизиқиш мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ бўлиши, ўзига ижобий муносабатни ва ўзини ҳаққоний баҳолашни такомиллаштиради.

106 баллдан 134 баллгача: Касб эгасининг "Мен – концепцияси" ва ўзига муносабати жуда ёқади. Турган гап, бундай касб эгалари ўз хулқи ва фаолияти натижалари ижобий бўлишига ишонадилар, лекин ҳар доим шундай эмас.

Ўзингизни юқори даражада идрок этишингиз, шахсларни камситиш, уялтириш ўзига ишончини йўқотиш мумкин. Баъзан узига юқори баҳо берадиган касб эгасининг лоқайдлигини намоён қилиб, ҳаддан ташқари ҳукмронликни яхши кўрадилар. Шундай қилиб, касб эгасининг ўзига юқори баҳо бериши ўқувчиларнинг "Мен - концепцияси" бошлиқ учун салбий бўлишига олиб келади. Балки ўзингизга нисбатан талабчанликни, ҳурматни, ички келишувчанликни бўшаштирмай, маҳорат даражасини эгаллагандирсиз, қўл остингиздагиларни ҳам имконият ва билимларини тўғри баҳолашга ва уларни муваффақиятга, ижобий "Мен – концепцияси"га унданг.

## **9. Шахсий хусусиятлар психодиагностикаси.**

### **Мавзулар:**

#### **9.1. Айзенк тести**

#### **9.2. К.Н.Томаснинг шахс суровномаси**

### **Шахсга хос хусусиятларни ўрганувчи саволнома**

#### **Г.Ю.Айзенк услубининг мослаштирилган варианты**

Сизга баъзи бир шахсий хусусиятларингизни аниқлашга ёрдам берувчи бир қатор саволлар тавсия этилади. Бу ерда тўғри ёки хато жавоблаш бўлиши мумкин эмас. Чунки одамлар бир-бирига ўхшамаган бўлиб, улар шахсий хусусиятлари ривожланиши, дуёқараши билан бир-биридан фарқ қилади ва ўз нуқтаи назарига эга бўлади. Шунинг учун саволларга аниқ, очиқ кўнгиллилик билан жавоб беришга ҳаракат қилинг. Саволларга жавоб беришда сизнинг қарашларингиз ўзингиз ҳақингиздаги фикрингизга мос келадиган “ҳа” ёки “йўқ” жавобларини танлашингиз мумкин. Жавоб бериш тартиби қуйидагича бўлади: бланкада ҳар бир саволнинг тартиб рақами ёнида иккитадан бўш катак берилган (чап катаги “ҳа”, ўнг катаги эса “йўқ” жавоби учун). Жавобингизга мос катакка “х” белгисини қўйиш лозим.

Саволларга жавоб беришда қуйидагиларни ёдингизда тутинг:

1. Жавобларни ўйлашга кўп вақт сарфламанг, хаёлингизга биринчи келган жавобни беринг. Саволдан кўпчилик ҳолларда қисқача баён этилади. Бунда савол мазмунига мос келадиган ўртача, тез-тез учрайдиган вазиятни назарда тутиб жавоб беринг. Имкон борича аниқроқ жавоб беринг, лекин вақтини чўзиб борманг. Ҳамма саволларга 30 дақиқа ичида жавоб беришингиз лозим.

2. Саволлар кетма-кетлигига амал қилган ҳолда, қолдирмасдан жавоб беринг.

3. Саволларга ҳаққоний ва самимий жавоб беринг.

Баъзи саволлар фақат сизнинг шахсингизга хосдек туюлиши мумкин. Лекин жавобларингиз ҳеч эълон қилинмайди. Уларнинг тарқалиб кетмаслигига шубҳа қилмаслигингиз мумкин. Лекин жавобларингиз тадқиқотчи қўлида бўлган маҳсус “калит” ёрдамида ўқилиши мумкин. Бу ерда тадқиқотчини кўпроқ ҳар бир саволнинг жавоби эмас, умумлашган кўрсаткичлар қизиқтиради. Жавобларингиз орқали ўзингиз ҳақингизда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилманг, улар ҳақиқатга мос бўлиши шарт. Фақат шундагина Сиз ўзингизни яхшироқ билишингиз ва бизнинг ишимизга ёрдам беришингиз мумкин.

Ёрдамнингиз учун сизга илгаридан муннатдорчилик билдирамиз.

Фамилиянгизни ва бошқа маълумотларни жавоб варағингизнинг юқори қисмига ёзинг.

Саволномани ўзига ҳеч нарса ёзманг ва чизманг.

## Ю.Айзенк тести саволномаси

1. Янги таассуротларга интилиш сизда тез-тез сезиладими?
2. Сизни тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган дўст кераклигини ҳис қиласизми?
3. Сиз ўзингизни ташвиши йўқ одам деб ҳисоблайсизми?
4. Ўйлаган нарсангиздан қийинчиликсиз воз кеча оласизми?
5. Бир иш қилишдан олдин шошмасдан, ўйлаб иш тутасизми?
6. Ҳатто сизга фойдаси бўлмаса ҳам ваъдангизда турасизми?
7. Руҳингиз тез тушиб, тез кўтариладими?
8. Кўп ўйламай тез иш юрита оласизми?
9. Жиддий сабаб бўлмаса ҳам ўзингизни бахтсиз, деб ҳисоблаган вазиятлар бўлганми?
10. Ишингиз ўнгидан келиб турса ҳар ишга қўл уришингиз тўғрими?
11. Сизга ёққан қарама-қарши жинсли киши билан танишишни истасангиз, тортинасизми?
12. Жаҳлингиз чиққанда ўзингизга йўқитасизми?
13. Кўпинча ўйламасдан шароитга қараб иш тутасизми?
14. Гапирмасам бўлар эди, шу ишни қилмасам бўлар эди, деган хаёл сизни тез-тез безовта қиладими?
15. Сизга одамлар билан учрашишга нисбатан китоб ўқиш афзалми?
16. Сизнинг шахсиятингизга тегиш осонлиги тўғрими?
17. Дўстлар даврасида тез-тез бўлишни ёқтирасизми?
18. Бировлар билишни истамаган сирларингиз борми?
19. Баъзан ғайратингиз жўшиб қадамингиздан ўт чакнайди, баъзан эса ҳамма ишдан хафсалангиз пир бўлиб, лоқайд бўлишингиз ҳақиқатми?
20. Дўстларингиз даврасини энг яқин дўстларингиз билан чегараланишини истайсизми?
21. Сиз кўп нарсани орзу қиласизми?
22. Сизга бақриб гапиришса, сиз ҳам шундай жавоб қайтара оласизми?
23. Баъзан ўзингизни бирон нарсада айбдор, деб ҳис қиласизми?
24. Ўз ҳисларингизга эрк бериб, дўстлар даврасида ўзингизни беташвиш ҳис қиласизми?
25. Сиз ўз одатларингизни яхши эканлигига ишонасизми?
26. Асабингиз таранг бўлган пайтлар кўп бўлганми?
27. Сизни хушчакчақ ва зийрак одам деб ҳисоблашадими?
28. Бирор ишни бажариб бўлгандан кейин, шу ишни бундан ҳам яхшироқ бажаришингиз мумкинлиги ҳақида ўйлайсизми?
29. Катта давраларда ўзингизни хотиржам ҳис қиласизми?
30. Сиз ғийбат қиласизми?
31. Мияннгизга ҳар хил хаёллар келиб, сизга уйқу бермайдиган вақт бўладими?

32. Сиз бирор нарсани билишни истасангиз, дўстларингиздан сўраб-суруштиришга нисбатан тезроқ китобдан қидириб топишни маъқул кўрасизми?

33. Сизни юрагингиз тез-тез ўйнаб турадимми?

34. Диққат-эътиборни бир жойга тортадиган иш сизга ёқадими?

35. Сизни қалтироқ тутадимми?

36. Сиз доим ҳақ гапирасизми?

37. Бир-бирини камситадиган даврада ўзингизни хотиржам ҳис қиласизми?

38. Сержаҳлмисиз?

39. Сизга тез ҳаракатларни талаб қиладиган иш ёқадими?

40. Ҳаммаси яхшилик билан тугаган, лекин аввалига нохуш фикрларга сабаб бўлган хаёллар безовта қиладими?

41. Ҳаракатингиз секин, чаққон эмаслиги ҳақиқатми?

42. Сиз ишга ёки биров билан учрашувга кечикканмисиз?

43. Беъмани тушларни тез-тез кўрасизми?

44. Сиз гаплашишни севганингиз учун, нотаниш одамни кўрганингизда пайтни бой бермасдан у билан гаплашишга ҳаракат қиласизми?

45. Сизни бирор оғриқ безовта қилдимми?

46. Узоқ вақт одамлар билан суҳбатлашиш имкониятидан маҳрумсиз, ўзингизни жуда ҳам бахтсиз киши, деб ҳисоблайсизми?

47. Ўзингизни асаби ёмон киши, деб ҳисоблайсизми?

48. Сизнинг танишларингиз орасида ўзингизга ёқмайдигани ҳам борми?

49. Сиз ўзингизни ишонган одам, деб ҳисоблайсизми?

50. Сизнинг камчиликларингизни танқид қилишса шахсиятингизга тегадими (Ишингиздаги камчиликларингизни)?

51. Давраларда, кечаларда қатнашиб, қониқиш олиш қийин, деб ҳисоблайсизми?

52. Сизни бошқалардан нима биландир ёмонман деган фикр безовта қиладими?

53. Зерикарли даврани қизиқтира оласизми?

54. Ўзингиз тушунмаган нарсалар ҳақида гапирган вақтингиз бўлдимми?

55. Ўз соғлигингиз ҳақида қайғурасизми?

56. Бировлар устидан ҳазил қилишни ёқтирасизми?

57. Уйқусизликка дучор эмасмисиз?

Исм-шарифи \_\_\_\_\_

Туғилган йили \_\_\_\_\_

Гуруҳи \_\_\_\_\_

Мутахассислиги \_\_\_\_\_

№	Ҳа	Йўқ	№	Ҳа	Йўқ	№	Ҳа	Йўқ
1			20			39		
2			21			40		
3			22			41		
4			23			42		
5			24			43		
6			25			44		
7			26			45		
8			27			46		
9			28			47		
10			29			48		
11			30			49		
12			31			50		
13			32			51		
14			33			52		
15			34			53		
16			35			54		
17			36			55		
18			37			56		
19			38			57		

### Тест калити

№	Ҳа	Йўқ	№	Ҳа	Йўқ	№	Ҳа	Йўқ
1	Э		20		Э	39	Э	
2	Н		21	Н		40	Н	Э
3	Э		22	Э		41		Л
4	Н		23	Н		42		
5		Э	24	Л		43	Н	
6	Л		25	Э		44	Э	
7	Н		26	Н		45	Н	
8	Э		27	Э		46	Э	
9	Н		28	Н		47	Н	
10	Э		29		Э	48		Л
11	Н		30		Л	49	Э	
12		Л	31	Н		50	Н	
13	Э		32		Э	51		Э
14	Н		33	Н		52	Н	
15		Э	34		Э	53	Э	
16	Н		35	Н		54		Л
17	Э		36	Л		55	Н	

18		Л	37		Э	56	Э	
19	Н		38	Н		57	Н	

### ***Ҳиссий турғунлик***

Меланхолик: ғамгин, ташвишли, кўрқоқ, ювош, мулоҳаза юритишга мойил, келажакка ишонч йўқ, умидсиз, оғир, вазмин, босиқ, мулоқотга кириша олмайдиган, индамас.

### ***Интроверсив- 0 12 24***

Холерик: сезгир, тиниб-тинчимас, агрессив, ўзгаларга ҳукм ўтказувчи шахс. Таъсирчан, ташқи таъсирга берилувчан, ўзгарувчан, умид-ишончли, ҳаракатчан.

### ***Экстраверсив - 24***

Флегматик: пассив, суст, эҳтиёткор, мулоҳаза юритувчан, ақлли, ўйлаб иш қиладиган, тинчликни, осойишталикни севади. Бошқарувчан, ишонувчан, наотрат қилувчан, вазмин, бир текисда ҳаракат қилади, хотиржам.

### ***Ҳиссий турғунлик - 0***

Сангвиник: мулоқотга киришувчан, сергап, раҳмдил, кўнгилчан, дадил ҳаракат қилади. Ҳушчақчақ, лекин кўпчиликни, шовқинни ёқтирмайди. Ҳамма жойда лидер сардор бўлишга, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади.

### ***Натижаларнинг таҳлили ва интерпретацияси***

Тадқиқотчи шахсни ўрганувчи Г.Ю.Айзенк сўровномасининг тўлдирилган жавоб бланкининг йиғиб олгандан сўнг ҳар бир текширилувчининг жавобларини тест калити кўрсаткичлари билан таққослаш лозим. Масалан, агар текширилувчи биринчи саволга “ҳа” деб жавоб берган бўлса, жавоб ёнида “Э” ҳарфи қўйилади (Калитга қаранг). Агар текширилувчи “Йўқ” жавобини берган бўлса, жавоб калитга мос келмаганлиги учун ҳеч қандай белги қўйилмайди.

Калитда “Йўқ” жавобларининг мос келиши ҳам кўзда тутилган. Масалан, текширилувчи бешинчи саволга “Йўқ” деб жавоб берди. Бу ҳолда “Йўқ” жавоби ёнига “Э” қўйилади, бланкадаги “Ҳа” жавоби ёнига эса жавоб калитга мос келганлиги учун ҳеч қандай белги қўйилмайди. Бу каби таққослаш барча саволлар бўйича амалга оширилади. Яқунда “Э”, “Н”, “Л” ҳарфларининг нечтаси тўғри келганлигини санаш лозим. “Э” ва “Н” ҳарфлари бўйича мос келиш миқдори 0 дан 24 мартагача, “Л” ҳарфи бўйича 0 дан 9 гача бўлиши мумкин. (Натижаларни ўрганишда янгилик яратиш мақсадида ҳар бир мослик учун 1 баллдан бериш мақсадга мувофиқдир).

“Э” - экстраверсия (лотинча эха - ташқарига буриш, қаратиш) - шахснинг асосан ташқи объектлар дунёсига йўналтирилганлиги.

Тўпланган баллар йиғиндиси 13 та ундан юқори бўлса экстраверсия ҳақида гапириш мумкин. Экстравертив тип кўпроқ шахснинг қизиқишлари, “ҳаётий энергиясини” оҳанграбо каби ўзига қаратиб оладиган атроф-муҳитга йўналтирилганлигини ифодалайди. Бу маълум маънода субектнинг ўз-ўзидан



бегоналаши, ўз оламининг шахсий қимматини пасайганлигини кўрсатади. Экстравертларга тез ўзгарувчанлик, тез киришиб кетувчанлик мосдир.

Агар баллар йиғиндиси “Э” бўйича 12 дан кам бўлса, экстраверсияга қарама-қарши бўлган интроверсия (интро - ичкари)ни ифодалайди. Интровертив типга шахс қизиқишларини ички дунёси ходисаларига қаратилганлиги, итимоий пассивлик, ўз-ўзини таҳлил қилишга мойиллик, унга ижтимоий муҳитга қийинчилик билан кўникиш мосдир.

Г.Ю.Айзенк экстраверсиянинг нерв тизими хусусиятлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Бироқ бу фақат шахснинг руҳий ва ижтимоий хусусиятларининг биологик жиҳатдан ҳал қилиб қўйганлиги ҳақидаги реакцион ҳулосанинг пайдо бўлишига олиб келади.

Психология фанида экстраверсия — темперамент хусусиятлари сифатида, янги шахснинг ўзига хос психик жараёнларини ривожлантирувчи динамик характеристика сифатида тушунилади.

“Н” — невротизм, асабийликни англатади. “Н” ҳарфи бўйича баллар йиғиндиси 12 дан юқори бўлса, шахснинг ҳиссий, иродавий жиҳатдан мустақил эмаслиги ҳақида гапириш мумкин. Агарда, “Н” ҳарфи бўйича баллар йиғиндиси 12 дан кам бўлса, юқоридагининг аксини, яъни ҳиссий мустаҳкамликни кўрсатади. Асабийлик, ҳиссий мустаҳкамлик шахс темпераментини ташкил қилувчи хусусиятлардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, “Э” ва “Н” вертикал ордината ўқларини ўтказинг. Улардан тўғри чизиқ ўтказиб, текширилувчининг темпераменти типини кўрсатувчи кесишган нуқтага эга бўласиз. Ҳар бир типнинг берилган характеристикасига қараб, ўз ишингизни ташкил этишингиз мумкин.

“Л” — ёлғончилик шкаласи. Бу кўрсаткич бўйича баллар йиғиндиси 6 дан юқори бўлса, бу жавобларнинг самимий эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатда текширувчига жавоблар бланкини қайтадан тўлдиришни таклиф қилиниб, диққат билан, самимий жавоб бериши сўралади.

Баъзи психологлар “Л” шкаласи бўйича шахснинг ўзига-ўзи баҳо бериши ҳақида қуйидагича фикр юритишни тавсия этадилар.

1-2 балл - қуйи даражада ўз-ўзига баҳо бериш.

3-5 балл - ҳаққоний баҳо бериш.

6 ва ундан юқори - ўзига юқори баҳо бериш.

Шахснинг ўзига-ўзи баҳо беришни “Мен - концепсияси”га боғлиқ равишда кўриш лозим. “Мен - концепцияси” шахснинг ўзи ҳақидаги нисбатан мустаҳкам, оз ёки кўп даражада онгли ва ўзгармас тасаввуридан иборат. Бунинг асосида у бошқа одамлар билан ва ўзига нисбатан маълум муносабатда бўлади. “Мен концепцияси”, ички зиддиятлардан холи бўлмаса-да, ўз шахсий “Мен”и ҳақидаги тасаввур бўлиб, ўзига нисбатан муносабатни шакллантирувчи ўзини англаш, ўзини севиш, ўзини камситиш, ўзига ошириб баҳо бериш, ҳурмат қозониш каби хусусиятларни ўз ичига олади.

“Мен - концепция”си доирасида ўзига баҳо бериш инсон шахсининг ўзагини ташкил қилади.

Шахсининг ўзини англашда, ўзига баҳо беришда имкон берувчи “Мен - концепцияси”ни шакллантириш комил инсонни тарбиялашдаги муҳим омиллардан биридир.

## **9.2. К.Н.ТОМАСНИНГ ШАХС СЎРОВНОМАСИ**

Ушбу методика ёрдамида шахсининг ҳамкорликка ёки рақобатга мойиллиги, муросага (компромисс - ён босишга, йўл беришга) тайёрлиги, низолардан қочиши ёки уларни кескинлаштиришга интилиши каби сифатларнинг намоён бўлиш даражасини аниқлаш мумкин. Шунингдек, мазкур методика жамoa ҳар бир аъзосининг ҳамкорликдаги фаолиятига ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини баҳолаш имкониятларини ҳам беради. Бу методика ёрдамида турли гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар хусусиятлари ўрганилади.

### **Синалувчига кўрсатма.**

«Сизнинг эътиборингизга қуйида келтирилган 30 жуфт мулоҳаза(тасдиқлар)га жавоб бериш таклиф этилади. Уларнинг ҳар бири сизнинг низоли, мунозарали ва тортишувли вазиятлардаги (бирон-бир киши, суҳбатдошингиз билан бўладиган) типик хулқингизга озми-кўпми мос келади. Ҳар бир тасдиқлар жуфтидан албатта биттасини, сизнинг хулқингизга мосини («а» ёки «б» ни) танлаб жавоб беринг.

### **СЎРОВНОМА МАТНИ**

1. а) Мен, гоҳида унга, тортишувли масалаларни ҳал қилиш учун масъулият, жавобгарликни ўз зиммасига олишга имкон бераман.

б) Мунозара, тортишувли вазиятларни муҳокама қилишда, мен даставвал, бизлар нима масала юзасидан келиша олмайганимизга эмас, балки нимада ҳар иккаламиз ҳам келиша олишлигимиз мумкинлигига эътиборни қаратишга ҳаракат қиламан.

2. а) Мен муросали (компромисс) ечимларни топишга ҳаракат қиламан.

б) Мен низоли вазиятларни унинг ҳам ва ўзимнинг ҳам барча манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга интиламан.

3. а) Мен одатда ўзим хоҳлаганимга эришишга қатъий интиламан.

б) Гоҳида мен унинг манфаатини деб, ўз манфаатимдан воз кечаман.

4. а) Мен муросали (компромисс) ечимларни топишга йўл топаман.

б) Мен унинг ҳиссиётини, кечинмаларини кўрмасликка ҳаракат қиламан.

5. а) Тортишувли вазиятларни юмшатар эканман, мен ҳар доим ундан ёрдам, мадад, далда топишга жазм этаман.

б) Мен безсуда зуриқишлардан кутулиш учун нима лозим бўлса ҳаммасини қилишга адо этаман.

6. а) Мен ўзим учун бўладиган кўнгилсизликлардан қочишга ҳаракат қиламан.

б) Мен ўзим хозууаган нарсага, уз хоҳлаганимга эришишга ҳаракат қиламан.

7. а) Мен тортишувли масалаларни ҳал этишни бошқа кунга қолдиришга ҳаракат қиламан, чунки уни кейинчалик батафсил, бафуржа ҳал қилса бўлади.

б) Бошқа бирон-бир нимага эришиш учун, ниманидир бой бериш мумкин, деб ҳисоблайман.

8. а) Мен одатда, ўзим хоҳлаган нарсага эришиш учун қатъий интиламан.

б) Мен аввало барча тортишувли масалалар ва муҳокама қилаётган муаммолар нималардан иборат эканлигини аниқлаб олишга интиламан.

9. а) Мен юзага келган қандайдир келишмовчиликлар туфайли ҳар доим ҳам ҳаёжонланавериш керак эмас, деб ҳисоблайман.

10. а) Мен ўз билганимга эришиш учун қатъий интиламан.

б) Мен ўзаро келишимли қарорга келишга ҳаракат қиламан.

11. а) Мен мунозара қилинаётган муаммолар ва тортишувли масалалар нималардан иборат эканлигини очиқ-ойдин аниқлаб олишга интиламан.

б) Мен уни тинчлантиришга ва шу билан ўзаро муносабатларимизни сақлаб қолишга чора қидираман.

12. а) Мен кўпинча низоларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлардан қочишга ҳаракат қиламан.

б) Мен агар у менга ҳам шундай муносабатда бўлса, унга қандайдир масалалар бўйича ўз фикрида қолиш имконини бераман.

13. а) Мен ўртача, тенг вазиятни, ҳолатни таклиф қиламан.

б) Ҳаммаси мен айтгандек бўлишини талаб қиламан.

14. а) Мен унга ўз нуқтаи назаримни маълум қиламан ва ундан бу ҳақдаги қарашларини сўрайман.

б) Мен унга ўз ҳолатим, нуқтаи назарим мантиқини, мазмунини ва ўз қарашларимни афзаллигини исботлашга интиламан.

15. а) Мен уни тинчлантиришга ва муносабатларимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиламан.

б) Мен келишмовчилик, зўриқишлардан қочиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани қиламан.

16. а) Мен унинг ҳиссиётига, нафсониятига тегиб кетмасликка имкон топаман.

б) Мен одатда, уни ўз нуқтаи назаримни абзаллигига ишонтиришга ҳаракат қиламан.

17. а) Мен, одатда, ўз билганимга эришишга қатъий интиламан.

б) Мен беҳуда зўриқиш, тортишувлардан қутилиш учун ҳамма нарсани қилишга интиламан.

18. а) Агар шу уни бахтиёр қилса, унда мен унга ўз фикрида қолишига, ўз фикрини ҳимоя қилишига имкон бераман.

б) Агар у ҳам менга шундай муносабатда бўлса, мен унга ўз фикрида қолиш имкониятини бераман.

19. а) Мен, аввало, барча мунозара қилинаётган муаммо ва тортишувли нимадан иборат эканлигини аниқлаб олишга интиламан.

б) Мен тортишувли масалаларни бошқа галга қолдиришга ва шу билан кейинчалик уни батафсил ҳал қилишга интиламан.

20. а) Мен бизларнинг келишмовчилигимизни зудлик билан енгиб ўтишга интиламан.

б) Мен иккаламиз учун ҳам фойда ва зарарнинг энг мақбул вариантини топишга ҳаракат қиламан.

21. а) Мунозара олиб борар эканман. мен унга эътиборлибўлишга ҳаракат қиламан.

б) Мен ҳар доим ҳам муаммони тўғридан-тўғри ҳал қилишга интиламан.

22. а) Мен, у билан ўзим орамиздаги ўртача вазиятни топишга ҳаракат қиламан.

б) Мен ўз нуқтаи назаримни ҳимоя қиламан.

23. а) Одатда, мен ҳар биримизнинг истакларимизни қондирилишини ўйлайман.

б) Гоҳида унга тортишувли масалани ҳал қилиш учун маъсулиятни ўз зиммасига олишига имкон бераман.

24. а) Агар ўз нуқтаи назари жуда муҳим бўлса, унга имкон беришга йўл кидираман.

б) Мен уни келишишга кўндиришга ҳаракат қиламан.

25. а) Мен уни ҳақлигимга ишонтиришга ҳаракат қиламан.

б) Мунозаралар олиб бориш вақтида, мен унинг қизиқишларига эътиборли бўлишга интиламан.

26. а) Мен ўртача нуқтаи назарни таклиф қиламан.

б) Мен деярли ҳар иккаламизнинг қизиқиш, манфаатларимизни қондиришга ҳаракат қиламан.

27. а) Мен кўпинча тортишувлардан қочишга имкон топаман.

б) Агар уни бахтиёр қиладиган бўлса, унинг ўз фикрида қолишига имкон бераман.

28. а) Одатда, мен ўз билганимга эришишга қатъий интиламан.

б) Вазиятни юмшатар эканман, мен, одатда, у ҳам мени қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган имкониятларни топишга ҳаракат қиламан.

29. а) Мен ўртача нуқтаи назарни таклиф этаман.

б) Мен, юзага келган келишмовчиликлар туфайли ҳар доим ҳам хижолат бўлаверишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

30. а) Мен унинг иззат-нафсига тегиб кетмасликка чора кидираман.

б) Мен тортишувда доимо иккаламиз биргаликда муваффақиятга эришишимиз мумкин бўлган нуқтаи назарда.

**Изоҳ:** мазкур сўровноманинг барча аъзолари (ўқувчи, талаба, ходимлар)га эмас, балки танлаб (масалан, норасмий етакчилар билан, ёки тартиб-интизомни бузувчилар, у ёки бу вазифа-топшириқни бажарувчи кичик гуруҳ таркибига кирувчилар билан) олинган одамларга нисбатан улар билан ишлашда қўллаш мумкин. Олинган материалларни қайта ишлаш натижасида гуруҳ раҳбари, мактаб психологи, ўқитувчи, мазкур тадқиқотни олиб бораётган тадқиқотчи нафақат гуруҳда психологик мос келмаслик заминида юзага келадиган низоли вазиятларнинг олдини олиши, балки ўқувчи, талабаларни ўз-ўзини тарбиялашга йўллаши, уларда етарлича шаклланмаган шахсий сифатларнинг ривожлантирилишига эришиши мумкин.

**Маълумотларни қайта ишлаш.** Маълумотларни қайта ишлаш юқоридаги калит ёрдамида амалга оширилади. Калит бланка шаклида булиб, унда синалувчи ҳақидаги ва унинг жавоблари ҳақидаги барча маълумотлар бешта устун (Рақобат, ҳамкорлик, муросалилик, тортишувлардан қочиш, мослашувчанлик) бўйича тақсимланади. Маълумотларни қайта ишлашда устунларнинг ҳар бири бўйича тўғри келган жавоблар миқдори ҳисобланади. Бунда ҳар бир жавоб бир баллга тенг.

Масалан синалувчи «Рақобатлилик» устуни бўйича чиқса - 3 балл, «ҳамкорлик» устуни бўйича - 5 балл, «муросалилик» - 12 балл, «тортишувдан қочиш» - 6 балл, «мослашувчанлик» устуни бўйича - 4 балл олган бўлса, бундай ҳолатда қуйидагича ҳулосага келиш имкониятини беради:

Синалувчи низоли вазиятларда муросага мойил, унга низодан қочиш хос, низо юзага келиб қолган ҳолатларда у ҳамкорликка интилади. У низоли вазиятларга суғ мослашувчан, қандай килиб бўлмасин рақобатга интилиш унга хос эмас.

## **10. Шахслараро муносабатларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси**

### **10.1. Социометрия методи**

### **10.2. Мулоқотга киришувчанлик тестлари**

### **10.3. Психологик (аутоген) машқлар ва уларнинг хусусиятлари**

### **10.1. Социометрия методи**

Социометрия методи гуруҳдаги шахслараро муносабатларни аниқловчи энг самарали усуллардан биридир.

Социометрия бир қатор саволларга берилган жавобларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Бу усулни амалга ошириш давомида текширувчига нисбатан бир қатор талаблар борки, бу талабларга текширувчи қатъий риоя қилиши лозим.

1. Аввало берилган жавоблар қаттиқ сир сақланишини текширувчилар билишлари жоиз.

2. Жавоб бериш чоғида ҳар бир текширилувчининг мустақил ҳамда эркин бўлишига шароит яратиш лозим.

3. Текшириш давомида текширувчи ўзини очик юз билан кувноқ ҳолда тутиши керак.

Демак, социометрия методида одатда 3 тадан 5 тагача савол бўлиши мумкин.

Психологияда социометрия методи турли гуруҳларда, жамоаларда, шахслараро муносабатлар хусусиятларини ўрганишнинг кенг қўлланиладиган, энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Социометрия маълумотлари таҳлили шахснинг гуруҳда тутган ўрни, унда шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, гуруҳ лидери (гуруҳнинг тан олинган сардори), гуруҳ юлдузлари, гуруҳ аъзоларининг эгаллаган мавқеи, гуруҳда яққаланиб қолган (изоляцияга тушиб қолган) аъзо, гуруҳдаги кичик гуруҳчалар уларнинг таркиби, ўзаро муносабатлари, ундаги психологик муҳит ва шу бир каби қатор маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Социометрик тадқиқотни ўтказишда, аввало шахслараро муносабатларнинг у ёки бу жиҳатини баҳоловчи муҳим мезонни танлаб олиш лозим. Бунинг учун маълум бир реал вазиятта тааллуқли бўлган саволлар тизими тузиб чиқилади. Бу саволлар социометрик мезон сифатида хизмат қилади. Синалувчилар шу берилган саволларга биноан ўзи аъзо бўлган гуруҳдан ўзига шерик танлаш билан жавоб бериши керак. Социометрик мезон тадқиқот мақсадига мос тушгандагина шахслараро муносабатларнинг маълум бир жиҳатига қаратилади, холос. Социометрик мезонлар шартли равишда қуйидаги таркиблардан иборат бўлиши мумкин:

**1. Ролли:** “Сиз агар гуруҳ сардори бўлсангиз, бирон бир жиддий топширикни бажариш учун ажратилган гуруҳ таркибига ўз курсдошларингиздан кимни киритган бўлар эдингиз?”.

**2. Функцияли (Функционал):** “Сизнинг фикрингизча, курсдошларингиздан ким гуруҳ бошлиғи, етакчи бўла олишга лойиқ деб ҳисоблайсиз?”.

**3. Амалий:** “Агар гуруҳ тарқатиб юборилгудек бўлса, унда Сиз янги гуруҳга шу курсдошларингиздан (шу ерда иштирок этаётганларидан) ким билан бирга тушишни хоҳлар эдингиз?”, “Сиз навбатчиликни ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз?”.

**4. Ҳиссий:** “Ўзингиз учун оғир дамларда шу синфдан кимга ёрдам учун мурожаат қилган бўлар эдингиз?”. “Туғилган кунингизга курсдошларингиздан кимни таклиф қилган бўлар эдингиз?”. “Ўз сирингизни курсдошларингиздан қайси бирига айтишни лозим топасиз?”.

**5. Коммуникатив:** “Ўз таътилинигизни курсдошларингиздан ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз?”, “Ўқишни тугатганингиздан кейин ўз курсдошларингизни қайси бири билан бирга, бир жойда ишлашни хоҳлайсиз?” ва ҳ.к.

Социометрик мезонларни танлашда, саволларни тузишда конкрет вазиятлар ва гуруҳ синалувчиларининг хусусиятлари, уларнинг фаолияти ҳислатлари ва шу кабилар назарда тутилиши жоиз.

#### ***Социометрик тадқиқотларни олиб бориш тартиби.***

Синалувчининг социометрик тарқатма материални тўлдириш қарори унинг (1-шакл) ихтиёрий, шахсий ишидир. Баъзи бир талабалар тадқиқотда иштирок этишдан бош тортишлари мумкин. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун олдиндан “социометрик разминка” қилиш, тадқиқот вазибаларини қисқа ва тушунарли тарзда баён этиш, унинг муҳим эканлигини уларга тушунтириб бериш ва энг муҳими, улар ишончини қозониш, жавоблари бошқалардан сир сақланишининг таъминланишига қафолат бериш, бунга иштирокчиларни ишонтира билиш керак.

Лекин тадқиқот натижалари синалувчиларга айтилмайди. Шунини эсда тутиш лозимки, гуруҳдаги норасмий алоқалар тизимини ҳаммага айтиш гуруҳ таркибида қутилмаган, нохуш ҳодисаларга олиб келиши, муносабатларда, ўзаро мулоқотда низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳар бир иштирокчи социометрик тарқатма материалларни алоҳида тўлдириш учун алоҳида берилиши керак. Ҳеч қандай айтиб беришга ва тарқатма материалларни ўзи билан олиб кетишга йўл қўймаслик лозим. Энг муҳим кўрсаткич гуруҳнинг барча аъзоларини тадқиқотга жалб эта олишдир.

Тўлдирилган тарқатма материаллар кейинчалик миқдор жиҳатидан, жадвалли, амалий графикли қайта ишланади.

Тадқиқотчи бутун гуруҳ аъзолари учун социометрик тарқатма материални олдиндан тайёрлаб қўйиши мақсадга мувофиқ. Бунда тарқатма материалнинг юқори қисмининг ўнг томонига таркибида иштирок этаётган

синалувчининг (шу тарқатма материал эгасининг) исми-шарифи ёзиб қўйилади, чап томонидан эса 1, 2 ва 3 рақамлари устун шаклида ёзиб қўйилади ва уларнинг ёнидан фамилиялар ёзиш учун жой қолдирилади. Бу жойга синалувчи, яъни шу тарқатма материалнинг эгаси ўзи танланган одамнинг (шу гуруҳда иштирок этаётган гуруҳ аъзосининг) фамилиясини ёзади.

Социометрик тадқиқот ўтказишнинг бирон бир мезони танлаб олинганидан сўнг, масалан ҳиссий мезон бўйича: “Ўз сирингизни курсдошларингдан кимга айтган бўлар эдингиз?” ёки амалий мезон бўйича: “Агар гуруҳда ҳар ким ўзи хоҳлаган одам билан бирга (бир партада) ўтиришнинг ихтиёри берилса, унда сиз ким билан бирга ўтиришни хоҳлар эдингиз?” каби савол билан уларга мурожаат қилинади. Бу саволни олдиндан кўринадиган бирон-бир жойга (доскага, плакатга ва ҳ.к.) ёзиб қўйиш мумкин. Социометрик тадқиқот самарадорлигини ошириш учун уни гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этаётган вақтда ва улар ўзаро бир-бирларини етарлича билиб улгурмасдан сўнг ўтказиш лозим, шунингдек, тадқиқотчи ҳам синалувчиларга таниш, ишончли одам (“ўз одами”) бўлиши мақсадга мувофиқ. (Психолог ёки бошқа бирон-бир шу гуруҳга яқинлиги бўлган одам бўлгани маъкул).

#### **1-шакл**

**Абдуллаева Э.**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Синалувчилар эътиборини берилган саволга (топширикқа) қаратиб, тажриба қондасига биноан улардан, ўзларига шерик танлаши талаб қилинади. Масалан, “Туғилган кунингга курсдошларингдан кимни таклиф қилган бўлар эдингиз?” – деган каби саволлар берилса, талабалар 1-шаклда (яъни, уларнинг ҳар бирига тарқатилган социометрик тарқатма материалдаги) 1 рақамнинг тўғрисида ўз курсидаги шерикларидан, биринчи навбатда, кимни танласа, шу ўқувчининг фамилиясини ёзади. Ҳамма биринчи фамилияни ёзиб бўлганидан сўнг, уларга яна “Мабодо шу танланган шерининг билан бирга утириш имкони булмаса унда иккинчи навбатда кимни танлатан булардингиз?” - деб мурожаат қилинади ва улар ўзларига бошқа шерикни танлайдилар ва ҳоказо.

Социометрик тарқатма материаллар тўлдириб бўлинганидан сўнг, улар йиғиб олинади. Бунда тарқатма материалларнинг тўғри тўлдирилганлиги (албатта уч кишининг фамилияси ёзилган бўлиши, тарқатма материалга мазкур гуруҳ аъзоларидан ташқари ёки айна вақтда гуруҳда бўлмаган, тадқиқотда иштирок этмаган гуруҳ аъзосининг исми фамилияси ёзилган бўлмаслиги)ни текшириб олиниши лозим.

#### ***Маълумотларни қайта ишлаш.***

Жавобларни таҳлил қилишда социометрик матрица (1-жадвал) тузилади. Бунда гуруҳдаги шахслараро муносабатлар ва ўзаро шериклик



муносабатлари акс эттирилади. Шунингдек, ўзаро бир-бирини танлашлар белгиланади (бир-бирларини танлаш) ва матрица доира ичига олиб қўйилади.

Келтирилган социометрик матрицани куйидаги жадвалда тўлдириш учун даставвал гуруҳнинг тадқиқотда иштирок этган аъзоларининг рўйхати алифбо бўйича ёзиб олинади ва унда нечта киши иштирок этган бўлса фамилиялардан сўнг жадвалда шунча устун қолдирилади ва тартиб бўйича уларга ҳам рақамлар қўйиб чиқилади.

Социометрик матрица.

<b>Ф.И.Ш</b>																				
Абдуллаева Э.	■																			
Азизов Б.		■																		
Алимов А.			■																	
Баҳлиев У.				■																
Боймиров Х.					■															
Кабиров С.						■														
Махмудов И.							■													
Махмудов Э.								■												
Мусаев О.									■											
Собиров И.										■										
Толипов Ш.											■									
Хамидов Ш.												■								
Юлдашев Р.													■							
Яминов О.														■						
Ўктамов А.															■					
<b>Танлашлар сони</b>																				
<b>Ўзаро танлашлар сони</b>																				

Шундан сўнг социометрик тарқатма материал бўйича синалувчи кимларни танланган бўлса, тарқатма материаллар бўйича уни шу тарқатма материал эгасининг фамилияси ёзилган қаторга у танланган гуруҳ аъзосининг рўйхат тартиб рақами акс эттирилган устун остига “+” белгиси қўйиб чиқилади. Ҳамма социометрик тарқатма материаллар бўйича танлашлар матрицага белгилаб бўлинганидан кейин ҳар бир устунда “+” лар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилиб, жадвал пастки қисмининг “Танлашлар сони” – деб кўрсатилган қаторига ёзиб қўйилади.

Ўзаро танлашлар эса синалувчилар бир-бирларини танлаш билан белгиланади. Матрицада ўзаро танлашларни кўрсатувчи “+” белгилари доира ичига олиб қўйилади. Устунлар бўйича доира ичига олинган “+” лар миқдори матрицадаги (энг пастки қатордаги) “Ўзаро танлашлар сони” – деб ёзилган қаторга ёзилади.

Бу ўринда 12-рақамли аъзо (Хамидов Ш.) гуруҳда изоляцияга тушиб қолган. Энг кўп танланган 11-рақамли аъзо (Толипов Ш.) гуруҳнинг тан

олинган лидери бўлиб ҳисобланади, ундан кейинги 5 ва 6 марта танланган 7-рақамли ( Махмудов И.) ва 15-рақамли.

(Ўктамов А.) аъзолар эса гуруҳ юлдузлари сифатида тан олинган. Социограмма кўрсаткичларига асосланган ҳолда Толипов гуруҳга расмий лидер этиб тайинлаш ва И.Махмудов ва А.Ўктамовларни гуруҳда бирон бир жамоатчилик функциясини бажаришга тайинлаш ўрганилаётган гуруҳда шахслараро муносабатлар барқарорлашувини таъминловчи, ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Гуруҳдаги ўзаро ҳамкорлик коэффициенти қуйидаги формула билан топилади:

$$K_x = \frac{\Sigma x}{3n}$$

бу ерда  $\Sigma x$  ўзаро танланганларнинг умумий сони;  
Гуруҳдаги коммуникативлик коэффициенти эса

$$K_k = \frac{Nk}{n}$$

формула билан топилади;

Бу ерда  $Nk$  - микрогуруҳга кирган кишилар сони.

Гуруҳдаги умумий психологик муҳит эса

$$K_{nmv} = \frac{Kx + Kk}{2} \quad \text{формула орқали топилади.}$$

Бундан ташқари гуруҳдаги яширин лидер иккинчи саволга ёзилган жавобларни оддий математик ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ким энг кўп овоз олган бўлса, ўша шахс гуруҳнинг яширин лидери ҳисобланади. Гуруҳдаги ҳар бир кишининг мавқеи (статуси) 3 та саволга асосланган ҳолда қуйидаги формула орқали топилади;

$$S_t = \frac{\Sigma m}{2(n-1)}$$

бу ерда  $\Sigma m$  гуруҳдаги ҳар бир кишининг умумий олган баҳолар йиғиндиси, шундай қилиб олинган натижалар қуйидагича хулоса чиқаришга имкон беради;

1) Бир-бирини танлаш гуруҳда қанчалик кўп бўлса, гуруҳ шунчалик уюшган ва ўзаро ҳамкор.

2) Гуруҳдаги мавқе шахснинг шаклланишига катта таъсир кўрсаташини ҳисобга олиниши, бу кўрсаткич 0,55 дан юқори бўлса, бундай шахсларга индивидуал ёндашишга, уларнинг бундай мавқе эгаллашларига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаб кўрсатиш зарур. Энг муҳими, бунда энг муҳими психологик такт доирасидан четга чиқмаслик лозим.

3) Гуруҳдаги коммуникативлик, яъни ўзаро мулоқот коэффициенти 1га қанчалик яқинлашса, бу шунчалик барқарорликдан дарак беради. Агар бу кўрсаткич 0,2 дан паст бўлса, албатта, бунга сабабчи бўлган омилларни қидириб топиш зарур.

4) Психологик муҳитни ифодаловчи кўрсаткич 0,65 дан юқори бўлса, демак гуруҳда ижобий психологик муҳит мавжуд. Бунинг натижасида гуруҳда ўзаро ҳурмат ҳукм суради, Улар гуруҳ олдидаги жавобгар эканликларини ҳис қиладилар.

## **10.2. ПСИХОЛОГИК (АУТОГЕН) МАШҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Таклиф этилган психодиагностик методикалар шахснинг ҳиссиёт соҳаси ва ўз-ўзининг баҳолаши, характер ҳамда индивидуал типологик хусусиятларини психодиагностика қилиш методикаларининг аввало ўрганишга йўналтирилган.

Шахснинг ўзи ҳақида билиш – бевосита ўз-ўзини такомиллаштиришга қафолат беради. Қайғули тасаввурлар, бефойда ҳаяжон, кечинмалар, реал боҳалашга арзимайдиган фикрлар, фойдасиз кўзғалишларга бермасликка ўргатади.

Энг асосийси – аутотренинг ёрдамида фаолиятга салбий таъсир этувчига салбий психик ҳолат ва ҳодисаларни ривожланишга йўл қўймасликка эришиш мумкин.

## **АУТОТРЕНИНГНИ ЎЗЛАШТИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАШҚЛАР.**

### **ДИҚҚАТ ВА НЕРВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЧАНЛИГИНИ ОШИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАШҚЛАР**

Сизни касбий фаолиятиниғизни такомиллаштириш учун диққатни махсус шакллантириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун онда оддий шаклдаги таниш предметнинг қандайдир образини тасаввур этиш керак, (авторучка, значок ва ҳ.к. доим ўзи билан юрадиган нарса). Сиз ушбу предметни барча деталларини эсда сақлаб қолиш учун унга бир неча секунд қараб турасиз. Кейин эса имкони борича уни хотирангизда ёрқинроқ қайта тиклайсиз. Агар бирорта деталга муносабатингизда иккиланиш бўлса, уни эслашни имкон бўлмаса, сиз реал объектга яна бир неча секунд муружаат қилишиниғиз мумкин. Сиз танлаган предмет ҳар доим бир хил бўлиши керак, чунки, у сизнинг онгингизда осон қайта ишланади. Шундай машқни кун давомида 1-3 минутдан 7-10 мартагача ўтказиш лозим.

Асаб жараёнларини фаоллигини машқлантириш мақсадида диққат ва эътиборни бир ишдан иккинчи ишга тез кўча олишни ўрганиш учун қуйидаги машқни ўзлаштириш лозим. Сиз юқоридаги баён этилган методика бўйича аниқ предмет образини тез ва ёрқин тасаввур этиш қобилиятига эга бўлдингиз. Сиз улар билан машғулоти тугатмаган ҳолда, бошқа қандайдир предмет билан худди шундай машқни ўтказинг.

Кейинчалик фаоллаштирувчи машқлар кўрсатилган предметларни бири ёки бошқасини онгда тез кўчма эслаш йўли билан ўтказилади.

### **БЎШАШИШ ВА ҲАРАКАТСИЗЛИК ҲОЛАТЛАРИ МАШҚИ**

Сиз, ўзини бевосита, бутунлай жисмоний ва психик тинчланиш ҳолатига келтиришга ҳаракат қилинг. Мускулларни бўшаштиринг. Кўзингизни юминг, ўзингизга қулай бўлган ҳолатда булинг (ўтирган ёки ётган ҳолатда).

Бўшашиш даражангизни текшириб кўринг – бир қўлингизни баланд кўтаринг, бирини пастга туширинг, қўлларингизни пастга тушаётганида, ўз оғирлиги таъсирида, худди учиб тушаётгандек, умуман кучсиз ҳолда тушиши керак. Агар худди шундай бўшашиш бўлмаса, у ҳолда машқлантириш қўли билан амалга оширилади: Биринчи бир қўлларни бўшаштириш керак (одатда ўнг қўл, чапақайларга чап қўл) кейин бошқасини, оёқлар кейин гавдани, бўйин, бош (аутотренинг, бошланғич машқлар). Тўла тинчланиш ҳолатига (эшитиш учун) эришганда кўзларни юмган ҳолда, диққатни вора фонда бир нуқтага қаратиш, бутун гавданинг (ё тананинг) ва мушакларнинг бўшашишига диққатни тўплаш лозим. Диққат зўриқиш аста-секин бўшаша бошлайди. Ўзга фикрларни пайдо бўлиш ҳолатида диққатнинг даражасини оширишга тўғри келади.

Ушбу машқларни кун давомида бир неча дақиқадан (6-8 марта) ўтказиш мумкин. Бу ҳолатни ноқулай шароитда, ҳатто шаҳар транспортида кетаётган вақтда ўрганиш мумкин.

Ҳар кунги тинч ҳолатингизда ёки одатдаги тетик ҳолатингизда шундай машқларнинг бирини бажараётганингизда, ўз-ўзига таъсир этиш формуласини ичингизда талаффуз қилинг. «Мен мутлақо хотиржамман», «Ўзимни жуда яхши сезяпман». Таъсир этишнинг бошқа туркумлари ҳам бор, масалан - «Мен ҳеч қачон ҳаяжонланмайман», «Менинг иродам кучли». «Мен бошқа чекмайман ва энди ҳеч қачон чекмайман», формулани маъносини тушунган ҳолда, айтаётган пайтда ҳеч нарса йўламасдан тамомила механик тарзда айтиш керак.

Бир вақтнинг ўзида иккита формула қўлламаслик керак, биринчи формуланинг етарли ижобий самародорлигини олгандан кейингина бошқа формулага ўтиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган тинчланиш даврлари, ўзининг қисқалигига қарамасдан нерв тизимининг зўриқиш ҳолатига барҳам беради, тинчлантиради, дам олиш сезгисини юзага келтиради, кучларни қайта

тиклайди, ўз-ўзига таъсир этиш эса аниқ установакаларни оширади, уларга одатий тус беради.

### **НАФАС ОЛИШ СУРЪАТИНИ (МАРОМИНИ) БОШҚАРИШ**

Психофизиологлар томонидан нафас олишнинг психик фаоллик даражасига тасир этишнинг баъзи қонуниятлари тасдиқланган. Маълумки нафас олиш жараёни иккита нафас олиш жараёни иккита нафас олиш, нафас чиқариш даврлари ва оралиқ тўхташни (паузани) ўз ичига олади. Нафас олиш вақтида одамнинг психик ҳолати фаоллашади, нафас чиқарганда эса тинчланади.

Ихтиёрий нафас олиш суръатини ўргатганда, нафас олишнинг нисбатан қисқа даври узокроқ нафас чиқариш билан алмашганда ва навбатдаги яққол умумий хотиржамликка эришиш мумкин. Нафас олишнинг (юретишнинг узокроқ) даврида (нафас олишнинг баъзи сусткашлиги билан) ва нафас чиқаришнинг нисбатан қисқа даврида нерв тизимининг ва организм функцияларининг ҳаммасида фаоллик ортади.

### **«ҲИССИЙ ДАМ ОЛИШ» — САМАРАЛИ УНУТИШ УЧУН МАШҚ**

Кўзингизни юминг. Ўзингизга жадал буйруқ беринг: «Мен ҳамма нарсани унутганман», «Мен ҳеч нарсани билмайман», «Ҳамма нарса нотаниш».

Кейинчалик 2-3 дақиқа «ички уришиш» қилинг (диққатни юзаки оғишни, кўриш таассуротларини ихтиёрсиз авж олдириш).

Кўзингизни тез очинг. Агар ўз-ўзига таъсир этиш ҳамжиҳатликда бўлса Сиз худди қайта узоклашган таниш муҳитини кўрасиз.

Буни беш марта қайтарасиз – ҳар сафар унинг самараси ортади. Сиз қандайдир сизнинг ёшингизда бўлган, тўғрироғи, нарсаларни илк бор ҳис қилган энг аввалги кўринишга яқинлашасиз.

Шахсининг психик ҳолатлари ва бошқа ҳодисаларини ўзи назорат қилиш бўйича машқлар жуда кўп. Ўзингизни мақсадингизни куймаган ҳолда ҳисоблаб чикиб (ҳа, бу мумкин бўлмасида) ўз-ўзини назорат қилишнинг ўз-ўзини руҳини кўтариш ва рағбатлантириш каби шакллари унутмасликни тавсия этамиз. Баъзи катталар ўз-ўзини назорат қилишнинг ушбу шакллари фақатгина болаларга ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб ўз-ўзини рағбатлантириш ва ўз-ўзини кўнглини кўтариш шахсий хулқ-атвор ёки фаолиятнинг аниқ дастурига бўлган ижобий муносабатини кучайтиради ва мустаҳкамлайди.

### **ЎЗ-ЎЗИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ЖАЗОЛАШ**

Ўз-ўзини тарбиялашнинг амалий воситаси ҳисобланади, у ўзида шахсий фаолият дастурига бўлган юқори талабчанлигининг ривожланиши бўйича ички ишларнинг муҳим элементини ифодалайди. Шунинг ёдда тутиш керакки, ўзига бўлган юқори талабчанликнинг ҳар доим ўзидан қоникмаслик билан

психик нокулайликка, кўпинча. Номукаммалик комплексининг асоси бўлмиш ўз имкониятларига ишонмасликка олиб келади.

Нутқий ўз-ўзини бошқаришнинг бошқа шакллари ичида ўз-ўзига буйруқ бериш ажралиб туради, гарчи у ички нутқ кўриниши тарғиб этилса-да аҳамияти жуда юқори бўлади.

## **АУТОГЕН МАШҚЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

Одам психофизиологик билимлар тизимига эга бўлган ҳолда ўзининг ижодий ақлий қобилиятларни фаолият жараёнида сафарбар этиш мақсадида шахсий психик ва физиологик ҳолатларини назорат қилиш имкониятига эришади. Ўзини психик машқлантириш ёки аутотренинг шахсга ўзининг психик ва физиологик жараёнлар орқали назорат қилишга имкон беради.

**АУТОГЕН МАШҚ** – Бу 1932 йили немис психотерапевти И.Г.Шульц томонидан тугалланган кўринишда таклиф этилган ўз-ўзига таъсир этиш методидир. У биринчи 1920 йил гипнотик (сеҳри) уйқу босган кишиларга аҳамият бериб шундай фикрга келди, биринчи навбатда оғирлик ҳисси пайдо бўлади, кейин эса тананинг ҳамма қисмида ва кўл-оёқларда иссиқлик пайдо бўлади (биринчиси мускуллар бўшашини пайдо бўлиши билан боғлиқ, иккинчиси қон томирларининг кенгайиши билан боғлиқ). Бу ерда инсонда ҳар хил психофизиологик сезгиларни мустақил пайдо бўлиши мумкин эмас, деган фикр туғилади.

Касбий малакаларни қайта ишлаш учун ўз-ўзига таъсир этиш билан шуғулланувчи шахслар (кўз бойлағич сеҳргар) кузатиш И.Г.Шульцга тренинг (машқлантириш) методика қайта ишлашда ёрдам беради. Аутоген машқлантиришнинг баъзи усуллари, айниқса, унинг иккинчи босқич (нерванотерапия) кўп умумий йог машқларига асосланади. Бироқ унинг мистик асослари йог ҳақидаги таълимоги.

Аутоген машқлантириш жараёнида, аввал ўз-ўзига олинган таъсир этиш йўли билан бўшашиш деб аталувчи мускуллар фаоллигини заифлашишига эришилади, кейин эса шу ҳолатда организмнинг у ёки бу функциясига йўналтирилган ўз-ўзига таъсир этиш ўтказилади.

Шундай қилиб, бўшашиш кейинги ўз-ўзига таъсир этиш ўтказишида негиз(асос) бўлиб ҳисобланиди.

Аутоген машқлантириш (АТ) методикасини ўрганиш ҳиссий зўриқишини камайтириш, хавотирланиш, ҳаяжонланиш чарчаш ҳисларини бартараф этишида, уйқу функциясини назорат қилишга организмнинг қувват манбаларини фаоллаштириш, иродавий сифатларни мустаҳкамлаш, шахснинг характер, хусусиятлари ва хулқ-атвордаги баъзи шаклларни кузатиш, ақлий манба ресурсларини сафарбар этиш, бош оғриғи ва бошқа асабий аломатларни бартараф этишга жалб этиш имкониятини беради.

И.Г.Шулъц томонидан қайта ишланган АТ методикаси классик деб аталади ва кейинчалик бошқа муаллифлар томонидан қайта ишланган методикаларни асосий таркибий қисмини ўзгарган шакли сифатида кириб келади. Айнан шу методика билан биз сизни таништирамиз.

Машқни бошлашдан аввал, ушбу қўлланмада баён этилган психофизиология билимлари асосини қисқача такрорлаб ўтиш лозим.

Машқ амалга ошираётган вақтдаги кийимлар, сиқиб турувчи, уялтирувчи диққатни тўплашга ҳалақит бўлмаслиги керак. Шунингдек, масалан, шимнинг қамари сиқиб қадалган ёки бошқа диққатни жалб қилишга ҳалақит берувчи бартараф қилинган бўлиши лозим.

АТ машгулот учун қулай бўлган 3 та ҳолатдан бирида кўзлар юмук ҳолда ўтказилади.

1. Ўриндикда «извошчи» ҳолатида ўтирган ҳолдаги вазиятда.
2. Баланд суянчиғли креслода ётган ёки ярим ўтирган ҳолатда.
3. Кроватда ётган ҳолатда.

Машқни ўтказиш жойи ва вақтига қараб, у ёки бу ҳолатда танланади. Куннинг хоҳлаган пайтда машқ қилиш мумкин. Машқни иложи борича тинч, иссиқ ва қоронғи хонада ўтказилиши лозим, бундай шароитда фақатгина психологик енгиллашув хонаси жавоб бериши мумкин. АТ билан шуғулланувчи шахс машқ ҳолатида ташқи таъсирларга аҳамият бермаган ҳолда ва машқ услуб қоидаларини яхши (етарли эгаллаган бўлса поездда ёки автобусда кетаётганда ҳам ўтказиш мумкин).

Эрта тонгда (тунги уйқудан кейин) ва кечқурун (уйқудан олдин) машқ ётган ҳолатда ўтказилади. Шуғулланувчи (текширилувчи) бошига ёстик қўйган ҳолда, чалқанча ҳолатда ётади. Кўзлари юмик қўллари гавда ёнида кафтлари пастга қараган ҳолда тирсақдан салгина – букилган ҳолда бўлади, оёқлари бир-биридан салгина узоқлашган бўлади, тизза остида бирор ёстикни буклаб қўйса ҳам бўлади. Кундуз кунлари ётишнинг шароити бўлмаганлиги учун, «Извош» ҳолати қўлланилади. Ўқитувчи дарси бўлмаган соатда ёки танаффусда машқни юқорида кўрсатилганидек, ҳолатда агар шароит бўлса курсига суянган ҳолда, ярим ётган ҳолатда ўтказиш мумкин.

Шундан кейин кўрсатилган ҳолатларини бирини қўллаган ҳолда махсус машқларни бажара бошлайди.

Тайёрлов машқ. Қулай вазиятни эгаллагандан сўнг, кўзлари юмилади ва хаёлдан бир маромда қуйидагиларни талаффуз қилади: «Мен мутлақо хотиржамман». Кейин асосий машгулотга ўтади.

## **ОҒИРЛИК ҲИССИНИ ЧИҚАРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚЛАР**

Ушбу машқнинг мақсади - мускулларни кўпроқ бўшашига эриштиришдан иборат. Кунда 3-4 марта ҳолатларнинг бирида, секин диққатни бир жойга тўпланган ҳолда хаёлан қуйидагиларни қайтариш керак. **"Менинг ўнг қўлим жуда ҳам оғир"** (чапақайларда): **"Менинг чап қўлим**

**жуда ҳам оғир".** Формула нафас чиқариш билан бирга қайтариледи. Ўзингизда оғирлик ҳиссини яққол тасаввур этишингиз лозим. 5-6 марта қайтарингдан сўнг, хаёлан қуйидагиларни талаффуз қилинади. **"Мен мутлақо хотиржамман"**. Баъзида оғирлик ҳиссини пайдо бўлганига ишонч ҳосил қилиш учун қўлларни кўтариб куриш мумкин.

Машқлантириш натижасида оғирлик ҳисси аста-секинлик билан чап қўлда пайдо бўлади, сўнгра оғирлик ҳисси иккала қўлида, иккала оёқда бир вақтда, тананинг ҳамма жойида пайдо бўлади. Қачонки, 3-машғулот давомидаёқ оғирлик ҳисси тез ва осон пайдо бўлса, машқ ўзлаштирилган ҳисобланиб, 2-машқни ўзлаштиришга ўтилади.

### **ИССИҚЛИК ҲИССИНИ ЧАҚИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚЛАР**

**МАҚСАДИ** - юрак қисқариши суръатини назорати. Машқни бажаришга эришиш. Унинг бажариш тери-томирлари ва тери ҳароратини ошириш билан бирга қўшиб олиб борилади. Аввал оғирлик ҳиссини (1-машқ) пайдо қилиб, сўнг 5-6 марта хаёлан "менинг ўнг (чап) қўлим иссиқ" жумласи қайтариледи ва бир марта "Мен мутлақо хотиржамман" жумласи айтилади. Кейинги машғулот жараёнида иссиқлик ҳисси, оғирлик ҳисси каби маълум бир изчилликда, иккала қўлда ва оёқда тананинг ҳамма жойида пайдо бўлади. Ушбу машқ 5-8 машғулотда ўрганилади. Иссиқлик ҳисси осон пайдо бўлганда, 1-2 машқларни бир формуласига бўшаштириш мумкин. **"Менинг қўлларим ва оёқларим оғир ва иссиқ"**.

### **ЮРАК ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҚ**

**МАҚСАДИ** - юрак қисқариши суръатини назорати. Машқни бажаришда энг аввало юрак ёки томир уришини хаёлан санашни ўрганиш тавсия этилади. Бу машқни бошлаб, чалқанча ётган ҳолатда, ўнг қўлни чап нур артерияси ёки юракни устига қўйган ҳолда бажарилади. Ўнг қўлини мускул зўриқишни камайтириш мақсадида тирсак остига юмшоқ, ёстик, қўйилади. Аввал 1 ва 2-машқларда кўрсатилганидек, оғирлик ва иссиқлик ҳисси пайдо қилинади. Кейин 5-6 марталик ўз-ўзини таъсир этиш формуласи қайтариледи: "Юрагим тўғри ва хотиржам уряпти" ва бир марта "Мен мутлақо хотиржамман" жумласи айтилади.

Машқлантириш қачонки юрак фаолияти суръатини у ёки бу меъёрида ихтиёрий ўзгариш, томирнинг у ёки бу томонга бир дақиқада 30 мартагача уриши даражасини ўзгариш қобилиятини шакллантирилгандагина эгалланган ҳисобланади. Ушбу машқ 9-10 машғулот давомида эгалланади.

### **НАФАС ОЛИШ СУРЪАТИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШНИ ЎРГАНИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚ**

Аввал оғирлик, иссиқлик ҳисси пайдо қилинади ва юракнинг тўғри ва хотиржам ураётганлиги ҳақида ўз ўзига таъсир этади. Бундан кейин 5-6



марта "Мен мутлақо хотиржам нафас оляпман" ёки "Менга нафас олиш осон ва енгил" ва бир марта "Мен мутлақо хотиржамман" деб қайтарилади. Машқлантириш хотиржам ва меъёри нафас олиш қобилиятини шакллантириш жараёнида, 11-машғулотда эгалланади.

### **ҚОРИН БЎШЛИҒИ ҚУЁШ ЧИГИЛИ ЖОЙИДА ИССИҚЛИК ҲИССИНИ ПАЙДО ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҚ**

Ушбу машқни ўрганиш бошқа машқларга қараганда қийинроқ. Шунинг учун аввал қуёш чиқишининг жойлашиши ва уни таркибига кирувчи нерв (асаб)ларни қорни бўшлиғининг ички органлар фаолиятини назорат қилишдаги ролини тушинтириб бериш зарур. Дастлабки юқорида кўрсатилган 4 та машқдаги ҳиссиётлар пайдо қилинади. Кейин 5-6 марта ҳаёлан "Менинг қуёш чигилим иссиқлик тарқатапти" ёки «Қорним ичкаридаги иссиқлик билан ёқимли иссияпти» ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб қайтарилади.

Секин-асталик билан 12-14 машғулотда қорин бўшлиғида иссиқлик пайдо бўлади ва машқ эгалланган ҳисобланади.

### **ПЕШОНА ВА ЧЕККАЛАРДА СОВУҚЛИК ҲИССИНИ ПАЙДО ҚИЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҚ**

Ушбу машқ бош оғриғида томирлар тизимининг заифлашини ва олдини олиш имкониятига эга аввало юқорида баён қилинган бешта машққа тегишли бўлган сезгилар пайдо қилинади. Кейин 5-6 марта ҳаёлан «Менинг пошонам ёқимли салқин» деган ўз-ўзига таъсир формуласи қайтарилади ва бир марта ҳаёлан «Мен мутлақо хотиржамман» деб талаффуз этилади. Формулани қайтаришда пешона ва чеккаларини елпийдиган енгил салқин шамолни ёки пешонада совуқ компрессни тасаввур қилиш тавсия этилади. Машқ 15-17 машғулот давомида пешонада совуқ ҳиссини эркин намоён бўлганидангина эгалланган ҳисобланади.

Ушбу олти та машқ етарлича яхши эгаллангандан кейин ўз-ўзига таъсир этишининг узун формулаларини қисқаси билан алмаштириш тавсия этилади: «Хотиржамлик»..., «Оғир»..., «Юрак ва нафас олиш»..., «Пешона салқин».

Ҳар бир сеанс охирида, бўшашиш ва хотиржамлик ҳолатидан чиқиш учун, қўлларини тирсак бўғимида чакқон букиш ва ёйиш ҳаракатларини (3 марта), ушбу ҳаракатларини амалга оширган ҳолда чуқур нафас олиш чиқариш, ундан кейин кўзларини катта очиш тавсия этилади.

АТнинг ҳамма курси 15-17 машғулотга мўлжалланган. Ҳар бир янги машқ икки ҳафта давомида 3-4 мартадан ва ёйиш ҳаракатларини ҳар куни дастлабки машқлар ҳолда эгалланган ҳолда такрорланади. Шундай қилиб, ҳамма олти машқни эгаллаш учун 12 ҳафта сарф қилинади. Ҳар бир машқ 1-2 дақиқадан 5-6 дақиқагача давом этади.

АТ индивидуал (якка) машғулотдан ташқари гуруҳда ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: педагогик жамоада (психологик енгиллаш хонасидан).

Гуруҳли машғулотлар 5-10 кишидан иборат бўлган гуруҳда ҳафтада камида 1-2 марта ташкил этади. Машғулот иложи борича психолог ёки психотерапевт раҳбарлигида ўтказилиши лозим.

Лутоген машқлантириш ўз-ўзини назорат қилишга ўргатадиган, ўйланган усуллари машқлантириш принципи билан ўз-ўзига таъсир этиш элементларини муваффақиятли қўшилиши ўзида намоён қилади. Унинг шубҳасиз кадр-қиммати кўп одамларга хос бўлган, имкони борича аниқ техника ҳисобланади.

Кейинги вақтда инсонга «ўз-ўзини яхшироқ ўрганишга» имкон берадиган «психик гимнастика» методи сифатидаги АТ таълимнинг ошкора сеанслари амалда кенг қўлланилмоқда. Шундай ўз-ўзига таъсир этиш техникасининг назоратсиз оммавий равишда берилиши бизда номувофикликни намоён қилади ва худди шундай, эпсизлик ёки эҳтиётсизлик билан фойдаланиши номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин. Шахсининг касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлари ва хусусиятларини ривожлантириш, касбий фаолият самарадорлигини ошириш учун АТни қўллаш мумкин. Ана шундагина АТ касбий-амалий характерга эга бўлади.

Юқорида педагогик фаолиятининг психологик хусусиятлари ҳақида айтиб ўтилган. Шунга мувофиқ равишда ўқитувчиларнинг баъзи индивидуал характерли хусусиятлари оқибатида ва фаолият шароитлари бўйича АТ улар учун фойдалидир ҳаммадан ҳам унинг ҳаракатларида қуйидаги томонлар муҳим аҳамиятга ҳар куни дастлабки машқлар эгалланган ҳолда такрорланади. Шундай қилиб, ҳамма олти машқни эгаллаш учун 12 ҳафта сарф қилинади. Ҳар бир машқ 1 - 2 дақиқадан 5-6 дақиқача давом этади.

АТ индивидуал (якка) машғулотдан ташқари гуруҳда ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: педагогик жамоада (психологик енгиллаш хонасида) гуруҳли машғулотлар 5-10 марта ташкил этилади. Машғулот иложи борича психотерапевт раҳбарлигида ўтказилиши лозим.

Аутоген машқлантириш ўз — ўзини назорат қилишга ўргатадиган, ўйланган усуллари машқлантириш принципи билан ўз — ўзига таъсир этиш элементларини муваффақиятли қўшилиши ўзида намоён қилади. Унинг шубҳасиз кадр — қиммати кўп одамларга хос бўлган, имкони борича аниқ техника ҳисобланади.

Кейинги вақтда инсонга «ўз-ўзини яхшироқ ўрганишга» имкон берадиган «психик-гимнастика» методи сифатидаги АТ таълимнинг ошкора сеанслари амалда кенг қўлланилмоқда. Шундай ўз-ўзига таъсир этиш техникасининг назоратсиз, оммавий равишда берилиш бизда номувофикликни намоён қилади ва худди шундай ундан эпсизлик ёки эҳтиётсизлик билан фойдаланиш номаъқул оқибатларга олиб келиши мумкин. Шахсни касбий аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини ривожлантириш, касбий фаолият самарадорлигини ошириш учун АТни қўллаш мумкин. Ана шундагина АТ касбий-амалий характерга эга бўлади.

Юқорида педагогик фаолиятнинг психологик хусусиятлари ҳақида айтиб ўтилган. Шунга мувофиқ равишда ўқитувчиларнинг баъзида индивидуал характерли хусусиятлари бўйича АТ улар учун жуда фойдалидир. Ҳаммадан ҳам унинг ҳаракатларида қуйидаги томонлар муҳим аҳамиятга эга.

### **ҲИССИЙ ЗЎРИҚИШ, ҲАЯЖОНЛАНИШ ВА ХАВОТИРЛАНИШ (ТАШВИШЛАНИШ) ҲИССИНИНГ КАМАЙИШИ**

Сезги ва идрок боғлиқ бўлмаган мавжуд буюмлар хусусиятларини акс этирган вақтда, ҳиссиет бизни атроф-муҳитга бўлган муносабатимизни акс эттиради. АТ эса унинг нуқтаи назарича организм учун аҳамиятли кечинмаларни баҳолашга имкон беради. Улар ориентирли (йўлловчи) таъсир ва биологик мақсадга мувофиқлик, моддаларнинг ўзгариши (қоида қанд, адреналининг кўпайиши) шароити фаолиятида организмни ишга солиш билан мустаҳкам боғлиқ бўлади. Бироқ улар баъзида арзимаган сабабдан ёки тўсиқ пайдо қиладиган шу қадар кучли ифодаланиш билан пайдо бўлади. Масалан, одамларда у ёки бу фаолиятни бажаришда ташвишли сусткаш, юқори ҳиссиётли ёки нимагадир фавқулодда хаяжонланишнинг бўлиши. Масалан: ўқитувчининг «очиқ» дарсида бўлиши.

Бўшашиш, кўрқиш ҳиссини бартараф этади. Бу билан боғлиқ ҳолда уни ҳиссий зўриқиш, безовталиқ, ўқитувчининг дарс олдида хаяжонга тутиши (асосан бу ишни янги бошланган педагогларга тааллуқлиги)ни бартараф этиш учун тавсия мумкин. Бунда мускуллар бўшашишини пайдо қилиши керак. Бунинг учун биринчи ва иккинчи стандарт машқларини етарли эгалланган бўлиши лозим.

Дарс олдидан кўрқинчни кечираётган ўқитувчига, аввало ўзининг индивидуал амалиётида хотиржамлик ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ бўлган образларни ўзида пайдо қилишни тавсия этамиз. Бовосита дарс олдидан ўзига хаёлан «Мен хотиржамман, мутлақо хотиржамман» деб айтиши, гавданинг оғирлик марказини битта оёкка (бошловчи) утказиши лозим. Иккинчи мускуллар, худди шундай қўл, елка камари ва юзни бўшаштириш, зарур хотиржам ҳолатни қабул қилиш керак. Мускулларни бўшаштириш вақтида зўриқиш ҳисси ҳам йўқолади. Шундан кейин дарсни бошлаш мумкин.

### **УЙҚУ ФУНКЦИЯСИНИ БОШҚАРИШ**

Ўқитувчининг юқори ақлий фаолияти натижаси уйқунинг бузилиши, яъни айнан ухлашга қийналиш ва қийин уйғониш, унинг нуқтаи назарича организм учун аҳамиятли кечирмаларни баҳолашга имкон беради. Улар ориентирли (йўлловчи) таъсир ва биологик мақсадга мувофиқлик, моддаларнинг ўзгариши (қонда қанд).

АТ тез ухлаб ва осон уйғониши ўргатишга имкон беради. Уйқуни пайдо қилиш учун ўзини кейинги хотиржамлик ҳолатидан чиқармаган ҳолда биринчи машқ —қўлланилади. Бундай ҳолларда бўшашиш уйқуга ўтиб кетади. Агар бунда маълум бир вақтда уйғонниш керак бўлса, ўз-ўзига таъсир этиш керак бўлади. Масалан: «Мен соат 7.00 да уйғонишим керак, мен, албатта, соат 7.00 да уйғонаман».

### **ҚИСҚА ВАҚТЛИ ДАМ ОЛИШ**

Маълумки, ҳар бир ўқитувчи дарсда жуда кўп микдорда қувват сарф қилади ва унга танаффус вақтида кейинги дарс учун сарфланган кучларини тез тиклаб олиш керак бўлади. Ўқитувчининг қисқа вақтли дам олиш учун кейинги тетиклик ҳиссига ўз-ўзини таъсир этиш билан 5-10-15 дақиқада бўшашиш ҳолатида гавсия этилади.

### **ОРГАНИЗМНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА АҚЛИЙ МАНБАЛАРНИ ИШГА СОЛИШ**

Кузатишларнинг кўрсатишича, аутоген машқлантиришдан бўшанглик, уйқуликни бартараф этиш учун, фаол ҳаракатларга тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин. Бу эса унинг организмни шошилиш ишга солиш учун тавсия этиш асосини беради, масалан, дарсни алмаштирипши олдиндан кўра билмаслик. Бу мақсадлар учун мумкин бўлган:

— Тетиклик ҳиссига ўз-ўзига таъсир этиш ва муносиб образлар тасаввурлар (мускуллар таранглашди, қўллар сиқилади, кам нафас олиш ва х.к.).

— Шахснинг фаолияти билан боғлиқ образли тасаввурларни пайдо қилиш.

— Ақлий фаолияти ишга солувчи, диққатни бир нуқтага тўплаш учун ўз-ўзига таъсир этиш: «Мен барча диққатимни.. Мен., тўплаганман ва қаратганман».

### **БАЪЗИ ХУЛҚ-АТВОР, ХАРАКТЕР ХУСУСИЯТЛАРИ КОРРЕКЦИЯСИ ВА ИРОДА МАШҚИ**

Баъзида одамларга ўзининг ниятларини амалга ошириш учун ирода этишмаиди. Иродавий фаолликни бу томонини мустаҳкамлаш учун АТга мурожаат этиш мумкин, бунга бўшашиш ҳолатида (асосан эрталаб уйқудан кейин) иродавий фаолликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ўз-ўзига таъсир этиш билан ўтказилади. Ўз-ўзига таъсир этиш формулалари жуда катта алоҳида аҳамиятга эга. Улар қисқа, тасдиқ шаклида тузилган бўлиши керак, масалан: «Менинг ниятларим қатъий!». «Мўлжаллаганимни-бажараман!». худди шундай аҳмоқона (ёмон) одатлар билан курашиш учун ва ёқимсиз характер хусусиятларини тузатишда ҳам ўз-ўзига таъсир этиш мумкин, масалан: «Ўзимни туғри тутаяпман, бошим юқорига караган, кўкрагим олдинга чиққан, қаттиқ гапиришда паст овоз билан гапираман»,

паришонхотираликда — «Мен журъатлиман», уятчанликда — «Мен одамларга ёқимлиман».

Шуни таъкидлаш лозимки, иродавий бушликни жонлаштириш учун баъзида АТ билан тизимли равишда шуғулланишга одам ўзини мажбур кила олмайди. Бундай ҳолларда тинч ҳолатда оддий ўз-ўзига таъсир этишни (юқорида келтирилган формулаларни 5-10 марта такрорлаш) тавсия этилади, масалан: эрталаб уйғонганман кейин ёки кундузи курсида ёки таъсир этишнинг алоҳида элементларига мурожаат этиш лозим.

Аутоген машқлантириш ўқитувчига ўз мақсадига йўналтирилган иродавий дастурий ҳолатини амалга оширишда шубҳасиз бебаҳо ёрдам кўрсатадиган (берадиган) методикадир.

**«Психологик диагностика ва амалиёт» курси бўйича  
тест саволлари**

1. Психодиагностика атамасининг маъноси
  - а) ташҳис қўйиш
  - б) психологик ташҳис қўйиш
  - с) психологик ёрдам кўрсатиш
  - д) рухий ҳолатга хулоса чиқариш
  - е) барча жавоблар тўғри.
  
2. Илк бор психодинамика атамаси ким томонидан қўлланилган?
  - а) Равен
  - б) Розенцвейг
  - с) Векслер
  - д) Роршах
  - е) Кэттел.
  
3. Психодиагностика атамаси илк бор қайси соҳада қўлланилган?
  - а) психология
  - б) психиатрия
  - с) медицина
  - д) дефектология
  - е) тўғри жавоб йўқ.
  
4. Психодиагностиканинг мақсади нима?
  - а) шахс хусусиятларини ўрганиш
  - б) индивидуал сифатларни текшириш
  - с) нуқсонларни бартараф қилиш
  - д) диагнозни илмий асослаш
  - е) турли тестлардан фойдаланиш.
  
5. Педагогика соҳаси қайси даврларда фаолият юритган?
  - а) 1870-1890 йилларда
  - б) 1950-1960 йилларда
  - с) 1920-1930 йилларда
  - д) XIX аср боши
  - е) XX аср охири.

6. Педагогика юлдузлари кимлар?
- а) П.П.Блонский, Л.С.Виготский
  - б) Л.С.Рубенштейн, А.С.Леонтьев
  - с) П.Я.Гальперин, Г.Ю.Айзенк
  - д) И.П.Петровский, Давидов
  - е) И.П.Иванов, ИА.Сеченов.

7. Психодиагностика фан сифатида қачондан ривожлана бошлаган?

- а) 1620-йилларда
- б) 1850-йилларда
- с) 1980-йилларда
- д) 1950-йилларда
- е) 1920-йилларда.

8. Проектив метод -

- а) шахснинг индивидуал психологик хусусиятларни аниқловчи ва ўлчашни тадқиқ қилади;
- б) геометрик фигуралар асосида шахсга ташхис қўяди;
- с) тажриба вазиятларида расмлар идрок қилиниб, унинг талқини берилади;
- д) сиёҳ доғларидан фойдаланиб, шахснинг интеллектуал салоҳияти текширилади;
- е) барча жавоблар тўғри.

9. Психодиагностика бу -

- а) психик хусусиятларни ривожланиш жараёнини кузатувчи восита;
- б) шахс психологик хусусиятларининг келиб чиқиш ва шаклланишида генотип ва муҳитнинг ролини ўрганади;
- с) тажриба вазиятларида расмлар идрок қилиниб, унинг талқини ишлаб чиқиш усули;
- д) шахснинг индивидуал психологик хусусиятларни аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули;
- е) тўғри жавоб йўқ.

10. Психометрик метод асосчиси ким?

- а) Ф.Гальтон
- б) А.Бине
- с) Ш.Симон
- д) Ш.Кэттел

е) В.Генри.

11. Собиқ Иттифоқ психологиясида психодиагностика методларидан фойдаланиш жараёни неча босқичдан иборат бўлган?

- а) икки босқичдан: 1920-1930-йиллар ва 1950-1960-йиллар;
- б) икки босқичдан: 1930-1940- йиллар ва 1970-1980 –йиллар;
- с) икки босқичдан: XIX аср охири ва XX аср боши;
- д) уч босқичдан: 1920-1930-йиллар, 1950-1960-йиллар, 1970-1980 – йиллар;
- е) уч босқичдан: XIX аср охири, XX аср иккинчи ярми, XXI боши.

12. Экспериментатор шахсига қуйиладиган талаблардан қайси бири нотўғри кўрсатилган?

- а) Психодиагностика сирларини сақлаш;
- б) Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги;
- с) Синалувчига зиён етказмаслик;
- д) Хулосаларнинг объективлиги;
- е) Таклиф қилинган тавсияларнинг режалилиги.

13. Шахснинг руҳий ҳолатини ўрганувчи ва аниқловчи тест -

- а) Роршах
- б) Розенцвейг
- с) Векслер
- д) Равен
- е) а ва б жавоблар тўғри.

14. Шахснинг ақлий хусусиятини ўрганувчи ва аниқловчи тест -

- а) Равен
- б) Розенцвейг
- с) Векслер
- д) Роршах
- е) Кэттел.

15. Сўзли топшириқлардан иборат бўлиб, унда тушунчаларни аниқлаш хулоса чиқариш, ҳар хил сўзларнинг маъносини англаш ва таққослаш ҳамда бу сўзлар билан хал хил мантиқий операциялари бажаришни ўз ичига оладиган тестлар -

- а) Процессуал тестлар
- б) Хусусий тестлар



- с) Амалий тестлар
- д) Вербал тестлар
- е) Интеллектуал тестлар.

16. Психологияда тест деб -

а) ўрганилаётган хусусиятни ривожланганлик даражасини, миқдорий ва сифат кўрсаткичларини бир-бирига таққослаш имконини берувчи стандартлаштирилган психодиагностик методикага айтилади;

б) эксперимент сифатида камдан-кам воқеликка асосланган кишининг зарур психологик сифатини бошқа усуллар билан аниқлаш ва баҳолаш имкониятини берадиган методикага айтилади;

с) гуруҳдаги мулоқотнинг силлиқ, маданий, обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик усул ҳисобланади;

д) шахс нуқсонларини аниқловчи психологик диагностик методикага айтилади;

е) с ва д жавоблари тўғри.

17. Қайси бир қаторда тестларга қўйиладиган талаб нотўғри кўрсатилган?

- а) Тестнинг ижтимоий-маданий адаптацияси;
- б) Тест топшириқларнинг содда тузилганлиги ва бир маънолилиги;
- с) Тест топшириқларни бажаришда вақтнинг чегараланганлиги;
- д) Тестлар учун меъёрларнинг мавжудлиги;
- е) Тест шкалаларини стандартлиги.

18. Қандай тестлар ёрдамида, шахснинг алоҳида белгилари, мотивлар, эмоциялар, масалан: характер акцентуацияси, хавотирлик, локус назорати, ютуққа эришиш мотиви, тажовузкорлик ва бошқалар аниқланади

- а) Вербал тестлар;
- б) Хусусий тестлар;
- с) Процессуал тестлар;
- д) Интеллектуал тестлар;
- е) Амалий тестлар.

19. Қандай тестлар ўзига топшириқ ва шаклларни камраб олади ва бунда синалувчи аниқ предмет материаллари ёки уларни алмаштирувчи материаллар билан кўргазмали-харакатли режа билан иш бажаради

- а) Интеллектуал тестлар;
- б) Процессуал тестлар;

- с) Амалий тестлар;
- д) Хусусий тестлар;
- е) Вербал тестлар.

20. Психодиагностик методиканинг илмий асосланиш талабини қайси бири нотўғри кўрсатилган?

- а) ҳаққонийлик;
- б) валидлик;
- с) ишончлилиқ;
- д) бир сифатлилиқ;
- е) аниқлик.

21. Тест ўтказишни, натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни қатъий қоидалари мавжуд бўлиб, улардан қайси бири нотўғри кўрсатилган?

а) У ёки бу тестни қўллаш учун психолог тест билан танишиб чиқиб, ўзида ёки бошқа бир кишида синаб кўриши керак. Бу тестни ўтказиш билан билан боғлиқ бўлган хатоликларни олдини олиш имконини беради;

б) Синалувчи тест топшириқларини бажаришидан олдин ва кўргазмаларини яхши тушуниб олиши учун олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиш;

с) Синалувчинини тест топшириқларни бажаришидан олдин уни шартлар билан таништириши, огоҳлантириши ҳамда руҳий тайёргарлик кўриб қўйиши;

д) У тест ўтказиш вақтида, синалувчилар мустақил ишлаши, бир-бирига ҳалақит бермаслигини ва таъсирини ўтказмаслигини назорат қилиб туриш, чунки бу тест натижаларини ўзгартириб юбориши мумкин;

е) Ҳар бир тест натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун асосланган ва аниқ ишланган математик-статистик усулларни олдиндан тайёрлаб қўйиш.

22. Валидлик атамасининг маъноси -

- а) асосли, керакли, хос
- б) тўлақонли, яроқли, мос
- с) мезонли, махсус
- д) тўғри, аниқ
- е) барча жавоб тўғри.

23. Валидлилиқнинг турлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- а) назарий, амалий, экспериментал
- б) илмий, амалий, махсус, ички ва ташқи

- с) назарий, амалий, ички ва ташқи
- д) назарий, амалий, эмптрик, ички ва ташқи
- е) тўғри жавоб йўқ.

24. Социометрия - бу

- а) гуруҳдаги мулоқотнинг силлиқ, маданий, обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик усул
- б) ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоадаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат бўлган усул
- с) шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш усули
- д) предмет, воқеа, хулқ-атворларнинг ўзаро муносабати, ёрдам, алоқа, боғлиқлиги
- е) тўғри жавоб йўқ.

25. Тренинг - бу

- а) предмет, воқеа, хулқ-атворларнинг ўзаро муносабати, ёрдам, алоқа, боғлиқлиги
- б) ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоадаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат бўлган усул
- с) гуруҳдаги мулоқотнинг силлиқ, маданий, обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик усул
- д) шахснинг психик жараёнларини шакллантириш воситаси
- е) б ва с жавоблар тўғри.

26. Корреляция – бу

- а) предмет, воқеа, хулқ-атворларнинг ўзаро муносабати, ёрдам, алоқа, боғлиқлиги
- б) гуруҳдаги мулоқотнинг силлиқ, маданий, обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган психологик усул
- с) ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоадаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат бўлган усул
- д) шахснинг индивидуал психологик хусусиятларни аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули
- е) барча жавоб тўғри.

27. "Ақл ёши" ва "Хронологик ёш" бир — биридан қандай фарқланади?

- а) “ақл ёши” боланинг биологик ривожланиши нормаси, “хронологик ёш” эса унинг интеллектуал ривожланиш даражаси ҳисобланади
- б) бажариладиган масала тенгдошларига нисбатан нормада бўлса у “ақл ёши” тушунчаси билан белгиланади, агарда масала нормага мос келмаса у “хронологик ёш” тушунчаси билан белгиланиб, таҳлил қилинади
- с) “ақл ёши” боланинг интеллектуал ривожланиш даражаси, “хронологик ёш” тушунчаси боланинг руҳий ривожланишидаги бузилишлар тафовутини белгилайди ва таҳлил қилинади
- д) боланинг ақлий ривожланиш даражасидаги сифат ва миқдор кўрсаткичларидир
- е) а ва б жавоблар тўғри.

28. Гальтон, Кэттел ва Бинеларнинг психодиагностикага қўшган ҳиссалари:

- а) инсоннинг психик хусусиятлари ирсиятга асосланганлигини ривожлантирган
- б) сенсомотор сифатларни, шахснинг турли хил сезувчанлик хислатларини ўлчаш ишларини олиб борган
- с) сенсомотор ва хотира сифатларини текширишдан “ақл”, “интеллект” атамалари билан белгиланувчи олий психик функцияларни ўлчаш
- д) шахснинг психик ривожланишидаги туғма хусусиятларни сон жиҳатдан ўсиш жараёнини кузатиш ва текшириш
- е) а, б, с жавоблар тўғри.

29. Сенсомотор хусусиятлар -

- а) сезги ва идрокнинг умумлашган сифатлари
- б) турли хил сезгиларни ўзаро таъсири натижасида қўшилиши
- с) турли хил сезгиларни ўзаро қўшилиши
- д) хотира ва идрокнинг умумлашган сифатлари
- е) тўғри жавоб йўқ.

30. Г.Айзенк тести қандай хусусиятларни аниқлайди?

- а) характер
- б) хотира
- с) темперамент
- д) фрустрация
- е) интеллект.

## Адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Ф., Давлетшин Г.М. Одамлар билан қандай мулоқотга киришиш ва ёшдашиш керак. – Т.: 1996.
2. Алликметс К.П., Метса А.А. Поговорим. . . поспорим. - Л.: 1991.
3. Анастаси А. Психологическое тестирование: В 2 КН. Пер, с.анг: Под ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского. - М.: Педагогика. 1992.
4. Адизова Т.М. Ўқитувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностикаси ва коррекцион ишлари. - Т.: 1999.
5. Адизова Т.М., Усманова Э.З. Психологические трудности в обучении младших школьников. –Т.: 1995.
6. Айзенк Г. Супертести IQ. - М.: ЭКСМО. 2008. – 208 с.
7. Ахмедова М. Шахс психодиагностикаси. – Т.: 2006. – 40 б.
8. Ахмедова М. Шахс хусусиятларини ўрганиш методикаси. – Т.: 2009. - 40 б.
9. Баташев А., Алексеева И., Майорова Е. Диагностика профессионально важных качеств. - Питер.: 2007. – 186 с.
- 10.Блейхер В.М., Бурлачук Л.Ф. Психологическая диагностика интеллекта и личности. - К.: Высшая школа, 1978. – 142 б.
- 11.Блайхер В.М. Клиническая патопсихология. - Т.: Медицина, 1976. – 326 б.
- 12.Боймуродов Н. Амалий психология. – Т.:Янги аср авлоди, 2008. –315 б.
- 13.Бурлачук Л.Ф., Психология личности. – К.: Здоровья, 1989. – 168 б.
- 14.Гудвин Дж. Исследование в психологии. –Спб.: Питер, 2004. – 558 с.
- 15.Гуревич К.М. Психологическая диагностика. Проблемы исследования. – М.: Педагогика, 1981.
- 16.Давлетшин М.Г., Ковалев А.Г., Крутецкий В.А. Қобилият ва уни диагностикаси. – Т.: 1979.
- 17.Диагностика психического развития: Пер. с чешек. - Прага: Авиценум, 1978. -388 б.
- 18.Дунасарий Ш. Одамни билиш илми. – Т.: Ёзувчи, 1994. – 22 б.
- 19.Елисеев О.П. Практикум по психологии личности. –Спб.: Питер. 2002. -512с.
- 20.Ёш психологияси ва педагогик психология. М.Г.Давлетшин таҳрири остида. 1974. Тошкент.
- 21.Жалпанова Л.Ж. Как читать человека. Расшифровка мимики и жестов. - М.: 2006. – 62 с.
- 22.Инсонни ўрганиш илми. – Т.: Янги аср авлоди. 2006. – 63 б.
- 23.Климов Е.А. Как выбрать профессию. - М.: 1991. - 144 с.
- 24.Леонова А.Б. Психодиагностика функциональных состояний человека. - М.: Изд-во Моск. Унв-та, 1984. – 198 с.
- 25.Линдеман Х. Аутогенная тренировка. - М.: 1980.
- 26.Мен кимман? Психологик тестлар тўплами. – Т.: 2008.- 55 б.

27. Моделирование в педагогических ситуациях. - М.: 1981.
28. Носс И.Н. Руководство по психодиагностике. - М.: Изд-во институт психотерапия, 2005. - 688 с.
29. Немов Р.С. Психология. Книга 3. - М.: 2003.
30. Немов Р.С. Практическая психология. Познание себя: влияние на людей - М.: ВЛАДОС, 2004. - 320 с.
31. Нишанова З. Психик таракқиёт диагностикаси. - Т.: 2004.
32. Нишанова З., Қурбонова З., Абдиев С., Тўлаганова Ш. Психодиагностика. - Т.: 2008. - 314 б.
33. Общая психодиагностика. Под.ред. А.А.Бодалева. - М.: МГУ, 1987. - 305 б.
34. Платонов К.К. Краткий словарь системы психологических понятий. - М.: Высшая школа, 1981. - 174 с.
35. Практикум по общей психологии. - Свердловск.: 1988.
36. Прощицкая Е.Н. Выбирайте профессию. - М.: 1991. - 141с. (102-104).
37. Психология. Қисқача изоҳли луғат. - Т.: 1998. - 45 б.
38. Психологические тесты. Том 2. Под редакцией А.А.Калерина. - М.: 1999.
39. Психология индивидуальных различий: Тесты под ред. Ю.Б.Гиппенрейтер, В.Я.Романова. - М.: 1982.
40. Психодиагностика: теория и практика: Пер.с нем. - М.: Прогресс, 1986. - 207 б.
41. Ратанова Т.П. Психологические методы изучение личности. - М.: 1998.
42. Рогова Е.И. Настольная книга практического психолога в образовании. - М.: 1996.
43. Рубинштейн С.Я. Экспериментальные методики патопсихологии. - М.: Эксмо-Пресс. 1999. - 414с. - С 163-167.
44. Сиз кимсиз? Психологик тестлар тўплми. - Т.: 2008. - 55 б.
45. Сниковская А.С. Профилактика детских неврозов. - М.: 1988.
46. Столин В.В. Самосознание личности. - М.: 1983.
47. Сизанов А.Н. Психологические игры. - Минск.: «Высшая школа», 1995. - 302 с.
48. Тализина Н.Ф., Карпов Ю.В. Педагогическая психология. - М.: МГУ, 1987.
49. Тертель А.Л. Психология. Курс лекций: Учебник. пособие. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. - 248 с.
50. Толстых А.В. Морально-эстетические проблемы психологической практики. - М.: 1988.
51. Тошимов Р.Ю, Ғозиев Э.Ғ. Психодиагностика ва амалий психология. - Т.: 2004. - 131 б.
52. Шевандрин Н.И. Психодиагностика, корреляция и развития личности. М.: Владос, 1999.
53. Шепель В.М. Имиджелогия. Секреты личного обаяния. - Ростов-на-

- Дону.: Феникс, 2005.
- 54.Шой М. Если Ваш ребёнок сводит... - М.: 1998.
- 55.Цюзен Н.В., Пономов Психотренинг. - М.: 1989.
- 56.Қоплонова М., Авлаев О.У. Раҳбар шахсининг психологик жиҳатлари. - Т.: 2006. – 32 б.
- 57.Қоплонова М. Ўсмирлар билан ўтказиладиган психологик ўйинлар. – Т.: 2006. – 20 б.
- 58.Ғозиев Э.Ғ., Азизова Ш.В. Ташкилий психология. 1-китоб. – Т.: Университет, 1999. – 92 б.
- 59.Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. – Т.: 2003. – 154 б.
- 60.Ғозиев Э. ва бошқалар. Психология муаммолари. – Т.: 1999.
- 61.Ғозиев Э.Ғ. Ақлий камолотингизни аниқлай оласизми? - Т.: Университет, 1996.

## ГЛОССАРИЙ

**АДАПТАЦИЯ** (лот.adaptare -мослаштирмоқ) - сезги аъзоларининг кўзғовчи кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгариши. Адаптация ходисасида сезгирлик ортиши ҳамда камайиши мумкин: кучли таъассуротдан кучсиз таасуротга ўтганда сезгирлик: аста-секин ортиб боради; таасурот кучайганда эса, сезгирлик аксинча камайиб боради. Адаптация қонунияти барча сезгиларга хосдир.( кўрув адаптацияси, эшитиш адаптацияси, тери адаптацияси).

**АКСЕЛЕРАЦИЯ** (лот.acceleratio - тезланиш) - болалар ва ўсмирларда олдинги авлодга нисбатан бўй-басти ва жинсий тараққиётининг тезланиши, жадаллашиши.

**АМНЕЗИЯ** (лот. а - инкор этиш, mnesus - хотира) - миянинг турли қисмлари жароҳатланиши натижасида хотиранинг йўқолиш ҳолати.

**АМАЛИЙ ТАФАККУР** - кўпинча вақт танқислиги шароитида юзага келадиган ва хатти-ҳаракатларнинг мақсадини аниқлаш; режа, лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

**АНАЛИЗАТОР** (юнон. analysis- бўлақларга ажратиш) - мураккаб нейрофизиологик тизим, одамга таъсир этувчи кўзгалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилиш. Анализатор рецептор, нерв йўллари, мия билан боғланадиган қисм ва миянинг махсус бўлимларини ўз ичига олади.

**АНАЛОГИЯ** (юнон. analogia- ўхшашлик) психик ходисалар ва ҳуққ-атвор хусусиятларининг ўхшашлиги.

**АНАЛИТИК ПСИХОЛОГИЯ** - психологиядаги оқим, унга 1913 йили К.Г.Юнг асос солган. У психикани идеалистик талқин этиб, онг билан ғайри шуурийликнинг ўзаро компенсациясига асосланган ўз-ўзини бошқарувчи система деб қарайди; шунга кўра онг ва ғайришуурийлик интеграцияси шахснинг бир бутунликка эришиши индивидуаллашиши йўлидир. Аналитик психология психопатология ва психо терапия, шунингдек, фалсафа, антропология, маданият ва б. фанлар билан боғлиқ ва уларга таъсир кўрсатган.

**АПАТИЯ** (юнон. apatheia - хиссиётсизлик) - кишининг тевақат-атрофдаги одамга нисбатан ҳеч қандай қизиқишларсиз бефарқлик ҳолати. Апатия оғир кечинмалар ёки касалликлардан толиқиш натижасида келиб чиқади.

**АПЕРЦЕПЦИЯ** (лот. Ap - га, қарашли, perceptio - идрок) - шахс идрокиннинг аввалги билим ва тажрибаларига ҳамда унинг умумий қизиқиш, ҳавасларига боғлиқлиги.

**АССОЦИАЦИЯ** (лот.associatio - бирлаштирмоқ) - психик ходисалар орасидаги ўзаро боғланиш, у маълум қонунлар бўйича таркиб топади (жумладан, фазодаги ёндошлик, хронологик ўхшашлик қарама-қаршилик ва б.)



**АУТИЗМ** (юнон. auto-ўзим) – индивиднинг ўзини атрофдаги одамлардан чегаралаб, ўзининг кечинмаларига берилишдан иборат психологик бегоналашув.

**АУТОГЕН МАШҚ** (юнон. autos - ўзим, denos - келиб чиқаман) - ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган пегкотерапевтик усул.

**АФФЕКТ** (лот. affectus- рухий хаяжон, эхтирос) - кучли, жўшқин ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал кечинмалар тарикасида рўй берадиган психологик ҳолат.

**ВЕРБАЛ** (лот. verbalis - оғзаки) атама. Вербал нутқ - оғзаки ифодаланиладиган нутқ.

**ГЕНЕТИК МЕТОД** (genetikos - келиб чиқишга оид, methodos - текшприш, тадқиқот) - психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қуйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.

**ГУРУХ** - одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларига асосланган ижтимоий жамоа. Гурухлар реал ва шартли бўлиши мумкин.

**ДЕПРЕССИЯ** (лот. depressio - руҳан тушиш) - тушкунлик кайфияти; одамда интилишларнинг сусайиши, ҳаракатларнинг тормозланиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган рухий ҳолат.

**ДИНАМИК СТЕРЕОТИП** (юнон. dynimicos - кучли, sterios- қаттиқ, tipos- из) -бош мия катта ярим шарларининг фаолиятини яхлитлаб туриш тури бўлиб, у шартли рефлексларнинг кетма-кетлигини таъминлаб туради. Динамик стереотип инсон одатлари, меҳнат малакаларининг физиологик асосларидир.

**ДИҚҚАТ** – онгимизнинг муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишидан иборат психик ҳолат. Диққат ихтиёрсиз, ихтиёрый, ва ихтиёрыйдан кейинги турларга ажратилади.

**ИДЕАЛ** (юнон. idea - ғоя, тушунча, тасаввур) - бирор нарсанинг намунаси, айрим одам, гуруҳ ва синф хатти-ҳаракатлари ва интилишини белгиловчи олий мақсад. Идеал шахснинг мукамал сифати ва инсонларнинг ўзаро гўзал муносабатлар, ҳар тарафлама ривожланган одамлар ҳақидаги тасаввурлар.

**ИДРОК**- сезги аъзоларига таъсир этиб турган нарса ва ходисаларни бевосита яхлитлигича акс эттириш жараёни.

**ИНТРОВЕРСИЯ** - шахснинг ўз фикрлари, сезгилари, кечинмаларининг ўз-ўзига таяниши.

**КАСБ ТАНЛАШ** - ижтимоий фойдали меҳнатга ўз хиссасини қўшиш зарурлигини англаш натижасида касбга йўналиш.

**КОНЦЕПЦИЯ** (лот. conseptio - идрок этмоқ) - фаолият мақсадлари ўз ичида сақланиб қолган, фақат ўзи учунгина хизмат қиладиган мосланишдан қўзғалиш ҳолатига ўтиш қобилияти.

**КОРРЕЛЯЦИОН ТАХЛИЛ** (лот. *correlativus* - ўзаро муносабат) - текширилаётган ходисалар ёки омилларнинг шакллари, белгиларининг алоқадорлик даражасини (бир-бирига боғлиқлигини) баҳолашнинг статистик методи.

**ЛАЁҚАТ** - нерв тизимининг баъзи детерминлашган анатомфизиологик хусусияти. Одамда қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки якка, туғма, табиий заминидир.

**МАЪЛУМОТ** - бир тартибга киритилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни ҳамда натижаси. Маълумот олишнинг асосий йўли ўқув муассасаларида ёки мусатқил ўқишдан иборат.

**МЕЛАНХОЛИК** (юной. *melas* - қора, *chole* - ўт, сафро) - темперамент турларидан, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, ҳатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.

**МЕН-КОНЦЕПЦИЯ** (лот. *conceptio* - қабул этиш, - одамнинг ўзи туғрисида нисбатан барқарор, аниқланган, ўз кечинмаларида ифодаланадиган тасуротлар тизими. Мен концепцияси асосида одам бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлади ва ўзига бўлган муносабатни белгилайди.

**МОТИВАЦИЯ** - одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуи.

**МУХАНДИСЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ** - психологиянинг тармоғи, одам меҳнатининг психологик хусусиятларини, фаолият жараёнида техника воситаси билан муносабатда бўлишини ўрганади. Шу билан бирга муҳандислик психологияси машина ва ускуналар лойихасини яратишда инсон омилларини ҳисобга олиш талабларини ишлаб чиқади.

**ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ ТУРИ** - олий нерв фаолияти хусусиятларининг барқарор йиғиндиси (кучи, вазминлиги, ҳаракатчанлиги ва бошқалар). Бу асон нерв тизимининг хусусиятлари йиғиндиси билан ифодаланади.

**ОНГ** - объектив борлиқни психик акс эттиришнинг фақат инсонгагина хос юқори усули. Одамларнинг ижтимоий тарихий фаолияти воситасида пайдо бўлган.

**ОПЕРАТИВ ХОТИРА** (лот. *operatio*- ҳаракат) - хотира турларидан бири, бу маълум фаолиятни бажариш жараёнида ифодаланади, узок муддатли хотирадан вақтинча фойдаланадн.

**ПАРАПСИХОЛОГИЯ** (юнон.*para* - олдида, ёнида *psyche* - рух, *lodos* - таълимот - психология тадқиқот сохаларидан бири, сезги аъзолари иштирокисиз идрок қилиш шакллари, шу билан бирга тирик мавжудотнинг физик ходисаларга мушак кучисиз таъсир этиш турларини ўрганади. Парапсихология муаммоси баҳсга мойил соҳадир.

**ПАТОПСИХОЛОГИЯ** (юнон.*pathos* - азобланиш, психология) - психологиянинг бўлими. У бош мия зарарланиши ёки унинг етарлича

ривожланмаганлиги натижасида келиб чиқадиган психик касалликларни ўрганади, психиатрия билан узвий боғлиқ.

**ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ** (юнон. Paidagogika - тарбия, психология) - психология тармоғи, таълим ва тарбия қонуниятларини психологик асосларини ўрганади.

**ПЕРЦЕПТИВ ҲАРАКАТЛАР** (лот. perceptio- идрок этмоқ) - идрок жараёнининг асосий тузилиш бирлиги, бу идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборат.

**ПРИНЦИП** (юнон. principium- бошланиш, асос) - бирор бир нарсанинг таълим назарияси ёки фан, дунёқарашнинг келиб чиқиш асослари. У одамнинг ички эътиқоди бўлиб, ўзига. борлиққа, бошқаларга бўлган муносабатида намоён бўлади.

**ПРОЕКТИВ МЕТОД** (лот. projektos - олдинга ташланган, юнон. тадқиқот) - шахсни тадқиқ қилиш методларидан бири. Бу методда мос, тажриба вазиятларида расмлар идрок қилиниб, унинг талқини берилади.

**ПРОФОРИЕНТАЦИЯ** (лот.professio- касб, юнон. orientis- шарқ) - ёшларни хошиш-истаклари, қизиқишлари қобилиятларига қараб халқ хўжалиги мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда психологик-педагогик ва тиббий касбга йўналтириш.

**ПСИХИКА** (юнон.psychikos - рухий) - юксак даражада ташкил топган материя -миянинг функцияси. Унинг мохияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.

**ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР** - у ёки бу психик махсулот ва натижаларни (психик образлар, ҳолатлар, тушунчалар, ҳиссиёт ва х.к.) ҳосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.

**ПСИХОДИАГНОСТИКА** - (Юнон diagnostikos - билишга қодир) - шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқарувчи психология усули.

**ПСИХОЛОГИЯ** (юнон. psyche - рух, logos - билим) - одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу ҳиссиёт ва бошқа психик ҳолатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

**РЕАКЦИЯ** - (лот. re - қарши, actio - ҳаракат) - психологияда ва физиологияда ички ва ташқи муҳитнинг турли таъсирларига аъзоларнинг жавоб реакцияси.

**РЕФЕРЕНТ ГУРУХ** - (лот.referentis - билдирувчи) - шахснинг ҳар томонлама ишонган, ўзига яқин тутган гуруҳи.

**РЕФЛЕКС** - (лот. reflexus - акс этиш) - организмнинг марказий нерв тизими орқали ички ёки ташқи муҳит омиллари таъсирида рецепторлар кўзгалишига жавобан кўрсатиладиган реакцияси. Рефлекс аъзоларининг ички ва уларнинг ўзаро таъсирини тартибга келтиришда, организм бир

бутунлигини сақлаш ҳамда яшаш шароитига мослашишда катта аҳамиятга эга.

**РЕЦЕПТОР** - {лот. *recipere* - қабул қилмоқ) - анализаторнинг кўзгалишини қабул қилувчи ички қисми.

**САНГВИНИК** - (юнон.*sanguis* - қон) - темперамент турларидан. Бу тур чакқон, ҳаракатчан таъсуротлари тез-тез ўзгариб турадиган, бошқа кишиларга нисбатан дилкашлик ва меҳрибонлик қилиш ҳислатлари билан характерланади.

**СЕЗГИЛАР** - психик ақс этиришнинг оддий усули тариқасида ҳайвонларга ҳам, одамларга ҳам хос хусусият. Воқеликдаги нарса ва ходисаларни айрим белгилари ва хусусиятларини билиб олишни таъминлайди.

**СЕНЗИТИВЛИК** - ( лот.*sensus* - ҳиссиёт) - турли таъсирга нисбатан сезгиларнинг тез ва кучли кўзгалиши.

**СТРЕСС** - (пнг.*stress* - зўриқиш) - кучли кўзғовчилар таъсирида юзага келадиган руҳий ҳолат.

**ТАСАВВУР** - сезги аъзоларига қачонлардир таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол ҳиссий образи.

**ТАФАККУР** - инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли. Сезги, идрок ва тасавурлар орқали бевосита билиб бўлмайдиган нарса ва ходисалар тафаккурда онгли равишда ақс этади. Тафаккур жараёнида фикр вужудга келади, бу фикрлар инсон онгида ҳукм, тушунча, хулоса шаклларида юзага келади.

**ТЕМПЕРАМЕНТ** - (лот.*temperamentum* - қисмларнинг бир-бирига муносабати) - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи. Бу кишида фаолият ва ҳулқ-атворнинг динамик ва эмоционал томонлари билан характерланади.

**ТЕСТ** - (инг.*test* - текширмоқ) стандартлаштирилган психологик синов. Бунинг натижасида у ёки бу ҳолдаги психик жараён баҳоланади, шахс бир-бутунлигича ёки унинг айрим қисмлари ўрганилади.

**ТУШУНЧА** - воқеликдаги нарса ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккурнинг мантиқий шакли.

**УСТАНОВКА** - (рус. Установка - йўналиш, йўналтириш) - кишининг теварак атрофдаги одамларга ёки объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни маълум даражада идрок қилиш, сезиш, уларга баҳо бериш ва қандайдир ҳаракат қилишга тайёргарлигини англатадиган ҳолати.

**ФАОЛИЯТ** - инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта қуришга йўналтирилган фаоллиги.

**ФАОЛЛИК** - тирик материянинг умумий хусусияти, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади. Психик

фаоллик бу ўзаро таъсир, шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.

**ФЕНОМЕН** - (юнон. phainomenon- юз берувчи, содир бўлувчи) - хис-туйғулар билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча.

**ФРУСТРАЦИЯ** - (Юнон frustration - адданиш, беҳуда кўриш, хафагарчилик, режаларнинг издан чиқиши) - кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, объектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўладиган психик ҳолати.

**ҲАЁЛ** - мавжуд тасвурлар асосида янги образларни яратишдан иборат психик акс эттириш жараёнларидан бири. У ихтиёрсиз ва ихтиёрий, ижодий ҳаёл турларига ажратилади.

**ХАРАКТЕР** (юнон.character - хусусият белги) - кишидаги барқарор психик хусусиятларнинг индивидуал бирлиги. У шахснинг меҳнатга, атрофдаги нарса ва ходисаларга, бошқа кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатларида ифодаланади. Характер муайян шароит хатти-ҳаракатларни белгилаб берадиган индивидуал психологик хусусиятлар йиғиндиси.

**ХОЛЕРИК** (юнон.chole - сафро, сарик ўт) - темперамент тури, у хиссиётнинг жўшқинлиги, кайфиятнинг бирданига тез ўзгариб қолиши, хиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умуман ҳаракатчанлиги билан ифодаланади.

**ХОТИРА** - акс эттирилган нарса ва ходисаларни, тажрибани эсда қолдириш, эсда сақлаш ва зарур бўлганда эсга туширишда иборат психик жараён.

**ШАХС** - ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғуланувчи бетакрор одам.

**ЭКСТРАВЕРСИЯ** - (лот.extra - хаддан ташқари, versio- ўзгариш) - шахснинг теварака-атрофдаги одамларга, ташқи ходисаларга йўналнши. Экстраверсия қизиқишларнинг кишидан ташқаридаги нарса ва ходисаларга кўчиши демакдир.

**ЭКСТРЕМАЛ** - (лот.extremus -сўнгги, кескин) - охириги, ўзига хос, иложиси бўлмаган ҳолат.

**ЭМОЦИЯ** - (лот.emovere— уйғотиш, тўлқинлантириш) — одам ёки ҳайвонларни субъектив ифодаланган ички ёки ташқи кўзғовчилар таъсирига жавоб реакцияси.

**ЭМПАПИЯ** - (юнон. empatheia биргаликда дардлашмоқ) - бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

**ЭХТИЁЖ** - одам ва ҳайвон фаоллигининг асосий манбаи, аниқ шароитлар билан боғлиқ заруриятнинг ички ҳолати.

**ЭХТИРОС** - муайян фаолият турига кучли интилиш билан боғлиқ давомли ва барқарор эмоционал ҳолат.

**ЭЪТИҚОД** - маслакни амалга ошириш, шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиши, хатти-ҳаракати.

ҚИЗИҚИШ- шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян нарса ёки ходисаларга муносабати. Қизиқиш кенг ва тор, чуқур ва юзаки, барқарор бўлиши мумкин.

ҚОБИЛИЯТЛАР - шахснинг маълум фаолиятидаги мувафақиятларни ва осонлик билан фаолиятни эгаллай оишни таъминлайдиган индивидуал психологик хусусиятлар.

ҲИССИЁТ - одамнинг юксак эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик қобилиятларининг мавжудлиги ва психик образ ярата олиш натижасида унинг теvarак-атрофидаги оламга бўлган муносабатларининг онгда акс эттирилишидан иборат жараён.

ХУКМ - тафаккур усулларидан, у нарса ва ходисалар ўртасида ўзаро бирон-бир боғланишларнинг борлигини тасдиқлаш ёки инкор қилинишида ифодаланади.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>БИРИНЧИ БОБ. Психодиагностиканинг назарий асослари .....</b>	<b>4</b>
<b>1. Психодиагностика фанининг предмети, мақсади, вазифалари .....</b>	<b>4</b>
1.1. Психодиагностика ҳақида умумий тушунча .....	4
1.2. Психодиагностика фанининг предмети, мақсади .....	5
1.3. Психодиагностика фанининг вазифалари .....	7
<b>2. Психодиагностиканинг асосий йўналишлари, тамойиллари .....</b>	<b>12</b>
2.1. Жаҳон таълими соҳасида эришилган ютуқлар ва миллий-тарихий тажрибалар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши .....	12
2.2. Психодиагностика фанининг асосий йўналишлари .....	17
2.3. Психодиагностика фанининг асосий тамойиллари .....	18
<b>3. Психодиагностика тарихи .....</b>	<b>21</b>
3.1. Психодиагностиканинг фан сифатида юзага келиши .....	21
3.2. Психодиагностика тарихининг ривожланиш босқичлари .....	22
<b>4. Психодиагностика масалалари .....</b>	<b>26</b>
4.1. Психодиагностика методлари ва босқичлари .....	26
4.2. Психодиагностикада меҳнат малакалари ва кўникмаларини ўрганиш масалалари .....	33
<b>5. Экспериментал психодиагностика .....</b>	<b>38</b>
5.1. Психологик тадқиқотлар методларини танлашни асослаш .....	38
5.2. Экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказиш, олинган натижаларни талқин қилиш, ва хулоса чиқариш .....	40
<b>6. Психодиагностиканинг касбий ахлоқий жиҳатлари .....</b>	<b>46</b>
6.1. Экспериментатор шахсига қўйиладиган талаблар .....	46
6.2. Тестларнинг классификацияси .....	48
6.3. Методикаларга қўйиладиган талаблар .....	53
<b>7. Касбий лаёқат психодиагностикаси .....</b>	<b>57</b>
7.1 Психодиагностик тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги .....	57
7.2. Шахс психодиагностикаси .....	58
7.3. Касбий психодиагностика .....	61

<b>ИККИНЧИ БОБ. Психодиагностиканинг амалий асослари.</b>	66
<b>8. Касбий хусусиятларни аниқлаш усуллари.</b>	66
8.1. Касб танлаш мотивини аниқлаш.	66
8.2. Касбий фаолиятни психологик баҳолаш тести	67
<b>9. Шахсий хусусиятлар психодиагностикаси.</b>	76
9.1. Айзенк тести.	76
9.2. К.Н.Томаснинг шахс сўровномаси.	82
<b>10. Шахслараро муносабатларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси.</b>	86
10.1. Социометрия методи.	86
10.2. Психологик (аутоген) машқлар ва уларнинг хусусиятлари	92
<b>Фан бўйича тест саволлари</b>	102
<b>Адабиётлар рўйхати</b>	109
<b>Глоссарий.</b>	112
<b>Мундарижа.</b>	119